O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 30 октябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 86 (7489)

Da'vat

Ikki kishi besamar ish qilgan va benaf tashvish chekkan: biri boylik to'plab foydalana bilmagan, ikkinchisi esa ilm o'rganib, unga amal qilmagan.

SA'DIY

Ibrat

Urgut tumanidagi "G'alaba" fermer xo'jaligi o'z hisobidan kam ta'minlangan oilalarning 17 nafar farzandini sunnat to'ylarini o'tkazib berdi.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ВЕНГРИЯ САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 октябрь куни расмий ташриф билан Венгрия республикасига жўнаб кетди.

Давлатимиз раҳбари Венгрияга жўнаш олдидан Тошкент аэропортида журналистларга интервью берди.

— Охирги бир-икки ой ичида Ўзбекистоннинг ташқи алоқа жуғрофиясига назар ташлайдиган бўлсак, даставвал Литвага сафар уюштирилди, - деди Ислом Каримов. - Сўнгра Польша Президенти мамлакатимизга келиб кетди. Бу давлатлар билан ўзаро манфаатли, хусусан, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Венгрия ҳам, Польша ва Литва каби, Европа минтақасида ўз ўрнига, ўз нуфузига эга мамлакат. Бу уч давлат ҳам яқин келажакда Европа Иттифоқига қабул қилинади. Демак, Венгрия билан ўзаро алоқаларни янада ривожлантирсак, Европа ҳамжамияти билан ҳамкорликни кенгайтириш ва Европа бозорига кириб боришимиз янада осонлашади.

Венгриянинг саноат, иқтисодиёт, айниқса, қишлоқ хўжалик соҳасида эришаётган ютуқлари катта. Ташрифимиз чоғида унинг қишлоқ хўжалиги борасида эришаётган ютуқлари билан ҳам батафсилроқ танишиш ва шу соҳадаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгроқ йўлга қўйиш ниятидамиз.

Президент Ислом Каримов Москвада юз берган террорчилик билан боғлиқ воқеаларга ҳам муносабат билдирди.

— Москвада террорчиларнинг тинч аҳолини гаровга олиши нафақат Россия халқини, балки бутун жаҳон аҳлини қаттиқ ташвишга солди, — деди Президент Ислом Каримов.- Зеро, бу воқеа халқаро терроризм XXI асрда жаҳон ҳамжамияти биргаликда ҳал этиши зарур бўлган энг долзарб муаммо эканини яна бир бор намоён этди. Бу иллатни халқаро ҳамжамият биргаликда бартараф қилмас экан, ҳеч бир давлат, ҳеч бир халқнинг хавфсизлиги кафолатланган, деб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, баъзи бир давлатлар раҳбарларининг ўз мамлакатидаги тинчликдан хотиржамликка берилиб, бошқа жойларда юз бераётган террорчилик хуружларига бефарқ муносабатда бўлаётганини тушуниш қийин.

Терроризм умуминсоний муаммодир. Шундай экан, Россиянинг тинчлиги бизнинг ҳам тинчлигимиздир.

Президент Владимир Путин Россия халқига қилган мурожаатида Москвада юз берган аянчли воқеа россияликларни янада жипслаштирди, деди. Мен шу гапга қўшимча қилиб, бу воқеа нафақат россияликларни, балки гаровга олинганларга ҳамдардлик билдирган барча тинчликсевар халқларни жипслаштирди, деган бўлардим. Чунки, бегуноҳ одамларни гаровга олишни ва уларнинг ҳаётини хавф остига қўйишни асло оқлаб бўлмайди.

Демак, бутун дунё тинчликсевар халқи террорчиликка қарши биргаликда курашмоғи, доимо ҳушёр ва сергак бўлмоғи керак.

* * *

29 октябр. Будапешт. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Венгрияга расмий ташрифининг учинчи куни ушбу мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашувдан бошланди. Унда икки мамлакат ишбилармонлари ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириши учун имкониятлар етарли экани таъкидланди.

А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ СТИПЕНДИЯСИНИНГ ИЛК ТАЛАБА-МАГИСТР СОВРИНДОРЛАРИ

Ҳукуматимизнинг ўқувчи ёшларни билим эгаллашга, илмий изланишлар олиб боришга қизиқтириш ва бу йўлда уларга моддий-маънавий кўмак бериш ҳамда рағбатлантириш бўйича бир қатор қарорлари қабул қилинган эди. Ҳар йили олий ўқув юртлари талабалари ўртасида бўлиб ўтаётган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиялари учун танловлар ҳам айнан шу мақсадни ўз олдига қўйган. Бу йил эса ушбу нуфузли совриннинг талаба-магистрантлар орасидан илк соҳиблари аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказида мамлакатимизнинг йирик олим ва мутахассисларидан таркиб топган Танлов комиссияси 91 нафар даъвогар магистрлар орасидан ҳужжатлари дастлабки экспертизадан ўтган, белгиланган имтиҳонларни муваффақиятли топширган ва барча кўрсаткичлар бўйича юқори натижаларга эришган 28 нафар талаба-магистрлар ўртасида якуний танлов ўтказди.

Фан ва технологиялар марказининг 2002 йил 21 октябрдаги Қарори билан Танлов комиссияси томонидан аниқланган 10 нафар иқтидорли магистрант қуйидаги таълим йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002-2003 ўқув йилги биринчи стипендиатлари деб тасдиқланди:

Қишлоқ хўжалиги ва ирригация йўналишида — ГЛИМШИН Руслан Дамирович, Тошкент давлат аграр университети магистранти.

Техника ва информатика йўналишида — ЁҚУБОВ Мансурбек Фарҳодович, Тошкент автомобиль ва йўллар институти магистранти.

Тиббиёт, доришунослик ва жисмоний тарбия йўналишида — ЗОКИРОВ Ислом Илҳомжонович, Фарғона давлат университети магистранти.

Ижтимоий-гуманитар йўналишда — СУЛАЙМОНОВА Нигора Асқаралиевна, Тошкент давлат шарқшунослик институти магистранти.

Физика-математика ва кимё-биология йўналишида — САЙДАМЕТОВА Эмине Алимовна, Ўзбекистон Миллий университети магистранти.

Иқтисодиёт йўналишида — ШОУМАРОВ Алишер Озодович, Тошкент давлат аграр университети магистранти.

Педагогика-психология йўналишида — АБДИРИМОВ Рустам Баҳодирович, Тошкент давлат техника университети магистранти.

Маданият ва санъат йўналишида — МАВЛОНОВА Сайёра Пўлатовна, Ўзбекистон Давлат консерваторияси магистранти.

Чет тиллари йўналишида — РАҲИМОВА Комила Азаматовна, Самарқанд давлат чет тиллари институти магистранти.

Ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар йўналишида — ҲАСАНОВ Отабек Рустамович, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети магистранти.

ТАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАТАНДА:

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ ҚАЙ АҲВОЛДА? 2-бет

МАКТАБ БОҒИДАГИ ДАРС 3-бет

ИЛК ҚАЛДИРҒОЧ ПАРВОЗИ 4-бет

МУАЛЛИМ ВА УСТОЗЛАРИМ 5-бет

СЎЗ ГЎЗАЛ, ИМЛО ГЎЗАЛ, МАВЗУ ГЎЗАЛ, МАЪНО ГЎЗАЛ ЁХУД ЯНА ИНШО ХУСУСИДА 5-бет

КИТОБ МЕНИНГ ДЎСТИМСАН! 6-бет

ХАТОЛАРИ САБОҚ, ЮТУҚЛАРИ ИБРАТ БЎЛСИН! 6-бет

ЯХШИЛИК МЕВАСИ Voqeiy hikoya 8-бет

"МАҲОРАТ" КРОССВОРДИ 8-бет

ЎЗБЕК-АМЕРИКА АКАДЕМИЯСИ:

ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРНИ ЯРАТАДИ

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, маҳаллий саноат корхоналари фаолиятини такомиллаштириш орқали ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғини ошириш, кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш кўп жиҳатдан бугунги тайёрланаётган иқтисодчи мутахассисларга, уларга замонавий билимлар асосида сабоқ берувчи ўқитувчиларнинг малака ва маҳоратларига боғлиқдир. Ана шу мақсадни теран англаган ҳолда республикамиз олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи ўқитувчи-педагогларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишига бирламчи эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бу борада хорижий давлатлар тажрибасини ижодий ўрганиш, уларни мамлакатимиз таълим тизимига жорий қилиш яхши самаралар бериши шубҳасиз.

Xalqaro hamkorlik

Шу йўналишда олиб борилган ишлар самараси уларок кўпгина ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Чунончи, шу йилнинг октябрь ойида Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида Ўзбек-Америка академиясига асос солинди. Мазкур академия Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Устоз" жамғармаси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда АҚШнинг USAID агентлиги ташаббуси ва ҳомийлигида ташкил қилинди. Таъкидлаш ўринлики, Американинг USAID агентлиги мамлакатимизда юздан зиёд турли лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкорлик қилмоқда. Янги очилган академия унинг EdNet (яъни, Education Network — таълим тармоғи) лойиҳасига асосан молиялаштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

"XXI асрда, мен ишонаман, маданият учун, илму маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётининг асосий мақсади қилиб қўядиган янги авлод пайдо бўлади".

Ислом КАРИМОВ

Fikr, mulohaza, taklif

БУГУНГИ КУН ЎҚИТУВЧИСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

ёхуд эндиликда ўқувчини қуруқ гап билан алдаб бўлмаслик хусусида

КЕЧА ВА БУГУН

Ўтган асрнинг 80-йилларида АҚШлик бир гуруҳ мутахассислар мактабларда ўқитилаётган анъанавий дарс усулларини танқид қилиб чиқдилар. Уларнинг фикрича, ўқитувчининг марказлаштирилган одатий андозаларда ўқитиши ўқувчилар фикрлаш қобилиятларининг ривожланишига тўсқинлик қилади. Гўёки ўқитувчи барча билимларини ташиб юриб, ўқувчиларга етказиб берувчи манбаю, ўқувчи муаллим ўргатганларини хотирасида сақлаб, керак бўлса, ёдлаб қайтариб айтиб берувчи ижрочи эди. Ўқувчига синф жиҳозлари каби бир объект сифатида муносабатда бўлишар эди. Дарсда ўқитувчи ҳукмронлик қиладиган бу усулдан барча ўқувчилар баробар наф кўрмас, айниқса, бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар аълочилар соясида қолиб кетарди. Бир қолипдаги дарс зерикарли воқеликка айланиб қоларди.

Мустақиллик мамлакатимизда таълим тизимига бир тармоқ эмас, давлат сиёсати даражасида ёндошишдек адолатни юзага чиқарган бугунги кунда билим қамрови кенг, эркин фикрлайдиган, воқеликни теран ҳис эта оладиган баркамол инсонларга эҳтиёж кун сайин ортиб бораяпти. Фаолиятимизнинг дастури, амали сифатида қабул қилсак арзийдиган Юртбошимизнинг қуйидаги фикрлари таълим-тарбия ишига янгича ёндошувимизни талаб этади:

"Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига, мустақил фикрлаш ҳам бойликдир".

(Давоми 3-бетда)

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ АЛОҚА ЎРНАТИЛДИ

Yangilik

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Осиё Ривожланиш банки томонидан 2000 йилнинг 10 декабрида имзоланган меморандумга биноан Осиё Ривожланиш банки билан ҳамкорликда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳага асосан Хоразм вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида "Янги ахборот технологиялари ва нашр" бўлими ташкил этилди ва компьютерлар билан жиҳозланди. Мазкур институтда ягона ахборот алмашишни таъминловчи янги тармоқ ишга тушиши натижасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг бошқарма ва бўлимлари, республика Таълим маркази, Ташхис маркази, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институти, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари (15 та) билан, Ўзбекистон Республикасининг барча Давлат педагогика институтлари (5 та) ва бошқа ташкилотлар: ЭКОСАН, Ўзбек ўқув автоматика, ЎзПФИТИ билан тўғридан-тўғри модем ва электрон-почта орқали алоқа ўрнатилди.

Натижада янги тармоқ орқали институтимизнинг профессор-ўқитувчилари ва услубчилари томонидан ёзилган услубий ишланмалар, тавсияномалар, "Август кенгаши тавсияномалари", олимпиада натижалари, III босқич "Ноёб кўргазмали қуролларни яратиш" бўйича вилоят кўрик-танлов натижалари, вазирликдан келган қарор ва буйруқлар, республика Таълим маркази, Абдулла Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, республика Ташхис маркази янгиликлари шаҳар, туман халқ таълими бўлимларига ўз вақтида жўнатилаяпти.

Зеварпошша ЁҚУБОВА,
Хоразм вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти бўлим мудири, физика-математика фанлари номзоди

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

TABRIK

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov muhim mintaqaviy va jahonshumul ahamiyatga ega bo'lgan muammo — narkotik moddalar tarqatilishiga qarshi kurash masalalarini muhokama etish uchun Toshkentga yiQilgan bojxona xizmatlari rahbarlarining xalqaro konferentsiyasi qatnashchilariga tabrik yo'lladi.

XALQARO SEMINARI

Poytaxtimizdagi "Shodlik-Palas" mehmonxonasida "O'tish davri mamlakatlari uchun dorishunoslik siyosati masalalari" mavzuida ikki haftalik xalqaro seminar boshlandi. Mazkur tadbir O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi, Boston universitetining xorijdagi sog'liqni saqlash (JSST) va Zdrav Plyus (YUSAID) loyihasi tomonidan tashkil etildi. Seminarda dunyoning qariyb yigirmata mamlakatidan tibbiyot va farmokologiya sohasi mutaxassislari ishtirok etmoqda.

KO'RGAZMA

Poytaxtimizdagi «Interkontinental» mehmonxonasida «Food Expo Uzbekistan - 2002» xalqaro ko'rgazmasi ochildi. Yettinchi bor o'tkazilayotgan ko'rgazmada oziq-ovxat, agrotexnika, qadoqlash sanoatidagi eng so'nggi yutuqlar namoyish etilmoqda, O'zbekiston tadbirkorlari Germaniya, Hindiston, Rossiya, Shveytsariya, Shri-Lanka, Qozog'iston kabi mamlakatlarning zamonaviy texnologiyalari va uskunalari bilan tanishmoqda.

YIG'ILISH

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Oila va ayollar muammolari komissiyasining yig'ilishi bo'lib o'tdi. Mazkur komissiya raisi SH. Salimova boshqargan ushbu yiqilishda O'zbekiston Respublikasining Oila kodeksi (ikkinchi bo'limi) nikohga oid me'yorlarining Sirdaryo viloyatida ijrosi haqidagi masala muhokama o'ilindi. Yig'ilishda O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri o'rinbosari, respublika xotin-qizlar qo'mitasi raisi D.G'ulomova qatnashdi.

O'qituvchi yon daftariga

REKORDLAR KITOBIDA

Bugungi kunda eng ommabop bo'lgan, dunyoning 100 dan ortiq davlatida ko'plab nusxada chop etilgan Ginnesning rekordlar kitobida O'zbekiston zaminiga tegishli rekordlarni ham uchratish mumkin. Kitobda dunyodagi eng serhosil oltin koni sifatida O'zbekistonning Muruntov koni qayd etilgan. Dunyodagi eng katta qadimiy shaxmat donalari ham yurtimizda topilganligi aytilgan. O'rilgan eng uzun soch sohibasi sifatida toshkentlik Dasha Solihova (181 sm) kitobga kiritilgan.

SPIRT — YONILQ'I MAHSULOTI

Braziliyalik olimlar spirtdan samolyot yonilg'isi sifatida foydalanishni tavsiya etmoqdalar. Dunyo bozorida neft mahsulotlarining qimmatlashuvi olimlarni yangi aviamotor yaratishga undadi va yonil g'i sifatida etanoldan foydalansa bo'ladigan samolyot turi dunyoga keldi. 1 litr spirtning narxi shuncha miqdordagi kerosin bahosidan uch yarim barobar arzonligi mablag'ni yaxshigina tejash imkonini beradi, deyishmoqda mazkur ixtiro mualliflari.

ONALAR UCHUN QULAY

Ispaniyalik Pedro Maganas go'dak yig'isining sababini aniqlovchi moslama yaratdi. Ayniqsa yosh onalar uchun qulay bo'lgan, "Why cry" deb ataladigan ushbu moslama Ispaniyada o'tkazilgan "Galactica-2002" kashfiyotlar tanlovida ikkinchi o'ringa munosib ko'rildi.

TABIIY SHAROITGA NIMA YETSIN!

Oksford universiteti olimlari tomonidan olib borilgan tadqiqotlarga qaraganda, fillarni tutqinlikda saqlash ularning umri qisqarishiga sabab bo'lar ekan. Fillar hayvonot bog'larida o'rtacha 15 yil umr ko'rgani holda, erkinlikda 60-65 yil yashar ekan.

Таълим тармоғи миқёсидаги олий ўқув юртлари фаолиятини ўрганиш натижасида мавжуд аҳвол муаммоларни бартараф этишга ҳисса қўшиш мақсадида ташкил қилинган.

Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигига компьютерни олиб кириш мақсадида Ўзбек филологияси факультетида компьютер лингвистикаси кафедраси очилди.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ВЕНГРИЯ САФАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг Венгрияга мазкур ташрифи чоғида имзоланган икки томонлама ҳужжатлар бунга янада кенг йўл очди.

Мулоқот чоғида Президент Ислом Каримов венгриялик ишбилармонларни Ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳаларида, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда дадил ҳамкорлик қилишга чақирди. Зеро, хорижий сармоядорларнинг самарали фаолияти учун юртимизда барча ҳуқуқий ва амалий шарт-шароит яратилган. Бундай имкониятлардан венгриялик ишбилармонлар ҳам тўла фойдаланиши мумкин.

Ислом Каримовнинг Будапешт шаҳри мэри Габор Демски билан суҳбатида икки мамлакат пойтахтлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Будапешт Европанинг энг гўзал ва қадимий шаҳарларидан ҳисобланади. Шаҳарсозлик борасида венгрияликлар эришган ютуқлар Будапешт шаҳрида ўз ифодасини топган. Шаҳар саноати ҳам анча тараққий этган.

Давлатимиз раҳбарининг Венгрия Республикаси Бош вазири Петер Меддьеши билан суҳбатида ҳам асосий эътибор Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қаратилди.

Президентимиз шу куни қироллик саройида Миллий галерея экспонатларини томоша қилди, Венгрия Миллий кутубхонасида сақланаётган нодир китоблар билан танишди.

Шунинг билан Ислом Каримовнинг Венгрияга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

(ЎзА)

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

Халқ таълими вазирлигида навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанининг ўқитилишини такомиллаштириш бўйича Хоразм вилояти умумий ўрта таълим муассасаларида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи П.Урозов ва вазирлик умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи А.Зокировлар маъруза қилдилар.

Маърузачилар кун тартибига қўйилган масала юзасидан Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси, унинг жойлардаги бўлимлари ва умумий ўрта таълим муассасаларида маълум ишлар амалга оширилганлигини айтиб ўтишди.

Жумладан, вилоятнинг Гурлан туманидаги 5- ва Янгибозор туманидаги 10-ихтисослаштирилган мактабларда "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини ўқитиш бўйича Республика ва вилоят миқёсидаги тажриба-синов майдончаси ҳамда ҳар бир туман(шаҳар)да биттадан мактабда мазкур фан бўйича тажриба-таянч мактаблари ташкил этилган. Вилоят ва туманларда, таълим муассасаларида миллий истиқлол ғоясини шахс онгида шакллантириш йўналишида турли анжуманлар, амалий семинар-кенгашлар ўтказилган.

"Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фани бўйича: "Ота оила таянчи" (Гурлан туманидаги 6-ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси Умида Ҳусанова), "Ҳаётим маноси-ю, умрим мазмунисан – миллий истиқлолим" (Гурлан туманидаги, 5-мактаб ўқитувчиси Аноржон Маҳмудова), "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" хоналарини жиҳозлаш услублари тўғрисида" (доцент Р.Машарипов), "Баркамол шахс тарбияси - бугунги кун талаби" (Урганч шаҳридаги 21-мактаб ўқитувчиси З.Худойберганова) каби мавзуларда методик тавсиялар ва ишланмалар яратилган.

"Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанини ўқитишда Гурлан туманидаги 5-мактаб ўқитувчиси А.Маҳмудова, Қўшкўпир туманидаги 9-мактаб ўқитувчиси О.Юсупова, Урганч шаҳридаги 9-мактаб ўқитувчиси Н.Холлиева, Янгибозор туманидаги 10-ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси Ж.Эшчоновалар янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда, ўзлари ижод қилган жадваллардан, плакатлардан ва тарқатмали қуроллардан фойдаланган ҳолда дарслар олиб бориб, юқори самарадорликка эришмоқдалар. Уларнинг тажрибалари вилоят ва туман миқёсида оммалашти-риляпти.

Халқ таълими вазирлигининг 2001 йил 22 октябрдаги "Миллий истиқлол ғоясини таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишни янада такомиллаштириш ҳақида"ги 152-сонли буйруғи асосида Хоразм вилояти халқ таълими бошқармасининг 2001 йил 31 октябрдаги 130/1-сонли буйруғи қабул қилинган ва шу асосда ўқитувчилар учун мақсадли курслар ташкил қилинган. А.Авлоний номли ХТХҚТМОМИ томонидан тайёрланган тренерлардан фойдаланган ҳолда вилоят ПҚТМОИ негизида 138 нафар, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида эса 3898 нафар ўқитувчи махсус курслардан ўтказилди.

2001 йил 3-5 август ва 2002 йил 21 сентябрь кунлари вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида, жорий йилнинг май ойида туман (шаҳар)ларда Республика таълим маркази ходимлари билан хамкорликда "Миллий истиқлол ғоясини таълим-тарбия жараёнига синдиришни такомиллаштириш" мавзусида ўтказилган илмий-амалий ва услубий семинарларда тажрибали муаллимлар фаол иштирок этишди.

Хоразм вилоятида 1.2 млн. сўмлик айланма маблағ ҳисобига 7-синф учун 760, 8-синф учун 850, 9-синф учун 670 нусха "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" ўқув қўлланмалари келтирилгани ва эркин савдо йўли билан жойларга етказилгани қувонарли ҳолдир.

Маърузачилар ўз чиқишларида юқорида баён этилган ижобий ишлар билан бирга Хоразм вилояти умумий ўрта таълим муассасаларида "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанини ўқитишни такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишларда бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги ҳақида сўзлашди. Жумладан, вилоят халқ таълими бошқармаси ва педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари томонидан вазирликнинг тегишли қарорлари, буйруқлари ва тасдиқланган тадбирлари асосида ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлсада, унинг ижросини таъминлашга доир назорат кучайтирилмаганлиги, шунингдек, ўқувчиларнинг билимини ошириш чоралари, ўқитувчиларнинг тегишли методик тавсиялар билан таъминлаш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш каби ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги қайд этилди.

"Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанидан ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлигини аниқлаш мақсадида мутахассислар томонидан олиб борилган таҳлиллар 7-9-синфлар бўйича Янгиариқ туманида 79,3; Қўшкўпир туманида 76,7; Хонқа туманида 76,5; Урганч туманида 75,8; Ҳазорасп туманида 74,2 фоиз, ушбу фандан вилоят бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлиги 7-синфларда - 78,9%, 8-синфларда - 77,1 %, 9-синфларда - 75,3% эканлигини кўрсатди.

Бундай камчиликлар таълим мазмунини такомиллаштириш, ўқитувчи - ўқувчи муносабатларини замон талаблари асосида ташкил этиш, дарс жараёнига ноанъанавий усулларни жорий этиш, ўқув қўлланмалари таъминоти талаблар даражасида ташкил қилинмаганлиги сабабли юзага келган.

Вилоятдаги умумий ўрта таълим мактабларида "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанидан дарс бераётган 173 нафар (буларнинг 81.4 фоизи курсдан ўтган) ўқитувчидан тест-синови (25 та саволдан иборат) назорати ўтказилганда қуйидаги натижани берди: 100 фоизга – 18 нафар (10.4 фоиз), 90-99 фоизгача – 38(21.9 фоиз), 80-89 фоизгача – 78(45.1 фоиз), 70 –79 фоизгача – 27(15.6 фоиз), 70 фоиздан паст – 12(6.9 фоиз) нафар ўқитувчи тўғри жавоб берди. Тест-синови натижалари шуни кўрсатадики, ўқитувчиларнинг ушбу фанни ўқувчилар онгига сингдиришга тайёргарликлари етарлича эмас. Айниқса Шовот, Ҳазорасп туманлари умумий ўрта таълим мактабларида мазкур фан бўйича фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг билим даражаси вилоят кўрсаткичидан паст эканлиги аниқланди.

2002 йилнинг май ойида ўқитувчилардан олинган тест-синовлар жорий йилнинг сентябрь ойидаги тест-синов натижаларига қиёслаганда, натижалар нисбатан 3-4 фоизга юқорироқ бўлди. Аммо "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" (7-9-синфлар) фанини малакали, катта педагогик тажрибага эга бўлган, гуманитар ва ижтимоий фанлар ўқитувчиларига берилиши лозим бўлгани ҳолда Янгиариқ туманида шу фан ўқитувчиларининг 31 фоизини, Қўшкўпир туманида 28,4; Урганч туманида 31,7; Хонқа туманида 32,1; Урганч шаҳрида 24,8; Шовот туманида 30.3; Хива туманида 28.9; Хазорасп туманида 34,4 фоизини бошланғич таълим, расм-чизмачилик, меҳнат, хорижий тиллар ўқитувчилари ташкил этади. Айрим ўқитувчилар билан суҳбатлашиш жараёнидан маълум бўлдики, уларнинг аксарияти мазкур фан бўйича етарлича амалий ва илмий-методик тажрибага эга эмаслар.

"Одобнома", "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанларидан дарс бераётган 4985 ўқитувчидан 3898 нафари (78.2 фоиз) курслардан ўтказилган. Режа эса 78.2 фоизга бажарилган бўлиб, бу эса туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан вазирлик буйруғи билан белгиланган вазифалар етарлича ижро этилмаганлигини кўрсатади.

Мазкур фанлар бўйича ўқувчиларнинг ўқув қўлланмалари билан таъминланишини ҳам кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Республика бўйича мазкур фанлардан ўқув қўлланмалари билан таъминланиш кўрсаткич 20-24 фоизни, Хоразм вилоятида эса ўқувчиларнинг таъминланиш даражаси "Одобнома" фанидан – ўртача 16-18; "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанидан 7-синфлар 11-13; 8-синфларда 12-14; 9-синфлар 10-11 фоизни ташкил этади.

Ҳайъат мажлисида, ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлиги пастлиги ҳамда ўқитувчиларни мазкур фан бўйича билим даражалари етарли даражада эмаслигининг сабаблари сифатида ҳам қуйидагилар кўрсатилди:

— шу фанга оид методик қўлланмалар, кўргазмали қуроллар, жадваллар, тарқатма материаллар ва бошқа дидактик воситаларнинг етишмаслигини ҳисобга олган ҳолда аксарият ўқитувчилар томонидан ушбу фанларни ўқитиш жараёнида ижодий ёндошилмаган;

— вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтидаги курсларнинг самарадорлигини ошириш, ил-ғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, оммалаштириш, уларга амалий методик ёрдам уюштириш, жойларда семинар-кенгашларни самарали ўтказиш бўйича олиб борилган ишлар етарли даражада амалга оширилмаган;

— институтда тингловчиларнинг кутубхонада мустақил мутоала қилишлари учун шарт-шароит яратилмаган, кутубхона фондида янги дастурлар ва шу асосида яратилган дарслик ва қўшимча адабиётлар етишмайди;

— вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан тажриба-синов ўтказиладиган мактаблар рўйхати олинган бўлса-да, бошқарма ва педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ходимлари томонидан мазкур мактабларга етарли даражада амалий ёрдам кўрсатилмаган.

Мунозараларда сўзга чиққан ҳайъат аъзолари, вазирлик ва вилоят бошқарма бошлиқлари мазкур масала юзасидан ўз фикрлари ва таклифларини баён этдилар. Улар умумлаштирилиб, хулосалаштирилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳайъат мажлисига Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев раислик қилди.

Жаҳонгир МУСАЕВ,
Халқ таълими вазирлиги матбуот сектори раҳбари

Hay'at yig'ilishida

ҲАМКОРЛИКДА ЁЗИЛГАН ҚЎЛЛАНМА ВА ҲАМКОР УНИВЕРСИТЕТДАН ҲАДЯЛАР

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида мазкур факультет ва АҚШнинг Ностистерн университети журналистика факультети профессор-ўқитувчилари ҳамкорликда яратган ихтисослик бўйича ўзбек ва инглиз тилидаги қўлланманинг тақдимоти бўлиб ўтди. Бостон шаҳрида жойлашган юқорида таъкидланган университет профессори, қўлланма муаллифларидан бири Николас Данилофф бу ҳамкорликнинг бошланиши эканлигини, бундан буён яна қўшимча ишланмалар тайёрлаш борасида лойиҳалар режалаштириб олинганлигини таъкидлади.

Ушбу тадбирда Ностистерн университетидан юборилган китобларни топшириш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ҳадяларни университет катта кутубхоначиси Виктория Спейн топширди. Китоблар мажмуасини қабул қилиб олар экан ЎзДЖТУ ректори, профессор Ғ.Шоумаров меҳмонларга раҳмат айтиб, ҳамкорлик янада ривожланишига умид билдирди.

Ўз навбатида халқаро журналистика факультети катта ўқитувчиси Маҳмуд Саъдий мамлакатимиз тарихи, бугунги кунини акс эттирган китобларни ҳамкор университет кутубхонасига ҳадя қилди. Виктория Спейн бу китоблар америкаликларнинг Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларини янада кенгайтиришига хизмат қилажагини айтди.

Дарвоқе, икки университет ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро борди-келдилари икки йилдан буён давом этмоқда.



Йиғилишда АҚШ элчихонасининг мамлакатимиздаги ижтимоий ишлар бўйича директори Майкл Рейнат иштирок этди.

Нодира МАНЗУРОВА,
халқаро журналистика факультети талабаси

Суратларда: Университет ректори Ғ. Шоумаров, В. Спейнга китоблар мажмуаси учун миннатдорчилик билдирмоқда. Н.Данилофф қўлланма тақдимномасида.

Абдувосит ҚАЮМОВ олган суратлар

"ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ ВА ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ"

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 сентябрдаги 1636-сонли Фармойишини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда "Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари" мавзуида доимий республика илмий-амалий семинари ташкил этилган эди.

2002 йил 22 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида мазкур доимий семинарнинг дастлабки мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлис IX сессияси маърузасидаги жамоатчилик фикри механизмларини шакллантириш ва жамоат, сиёсий ташкилотлар, вазирликлар, маҳаллий ҳукумат органлари, илмий муассасалар ва оммавий ахборот воситаларининг келажакдаги ҳамкорликларини ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш каби кўрсатмаларининг муҳокамаси семинарнинг асосий кун тартибида бўлди.

Илмий-амалий семинарнинг муҳокамаси Президент Ислом Каримов томонидан Олий Мажлис IX сессиясида кўтарилган ижтимоий буюртма доирасида юритилди. Жумладан, маърузаларда шу фикр таъкидланди: "жамоатчилик фикри – фуқаролик жамиятининг ҳолатини ўзида аниқ акс эттирадиган бамисоли бир кўзгу. Лекин бизда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам, уни шакллантириш ҳам яхши йўлга қўйилмаганини, бундай ёндашув сиёсий ҳаётимизнинг доимий белгисига айланиб улгурмаганини таассуф билан қайд этишимиз лозим".

Семинар иштирокчилари Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда ижтимоий фойдали мақсадлар йўлида уни шакллантириш борасида ҳам катта салоҳиятлар мавжудлигини қайд этдилар. Аммо мавжуд имкониятлардан фойдаланиш аҳволи қониқарли ҳолатларда эмас. Семинар иштирокчилари мавжуд ҳолатни таҳлил этиб, муаммонинг амалий ечимлари борасида йўналишлар ва таклифлар билдирдилар.

Семинар ишида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантириш соҳаларида фаолият кўрсатаётган олимлар, мутахассислар, ҳокимият вакиллари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси иқтисодиёт институти, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Маҳалла" жамғармаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, "Оила" илмий-амалий маркази, Олий таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги вакиллари ва олий ўқув юртлари социология кафедраларининг ўқитувчилари иштирок этдилар.

Мухбиримиз

КОМПЬЮТЕР ЎЗБЕК ТИЛИДА

XXI асрни ҳеч иккиланмасдан техника тараққиёти асри деб баҳолаш мумкин. Ана шундай асрда дунё билан ҳамқадам яшаш, илм-фан техникада ривожланган давлатлар қаторига қўшилиш давлатимиз олдидаги энг асосий мақсадлардан бири.

Яқинда Ўзбекистон Миллий университетида рўй берган янгиликни ҳам ана шу йўлдаги қадамлардан бири деб баҳолаш мумкин. Ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигига компьютерни олиб кириш мақсадида Ўзбек филологияси факультетида компьютер лингвистикаси кафедраси очилди.

— Янги ташкил қилинган кафедра биринчи галда компьютерни ўзбекчалаштиришга хизмат қилади, — дейди компьютер лингвистикаси кафедраси мудири, профессор Абдумажид Пўлатов. — Агар ўзбек тили компьютерга тўлақонли киритилса, кўпгина муаммолар бартараф этилишига ҳисса қўшади. Тил муаммоси туфайли компьютерни тўлақонли ўзлаштира олмаётган кўпгина ёшларга кўмак берилса, иккинчидан тадбиркорлар, зиёлилар оммаси, иқтисод ва сиёсатчилар, қўйингки, барча соҳа мутахассисларининг компьютер билан боғлиқ ишларини бажаришда янги имкониятларни яратиши шубҳасиз.

Компьютернинг ўзбекчалаштирилиши таржима борасидаги ишларни ҳам енгиллаштиради. Шунингдек, компьютерга ўзбек тили грамматикаси ва луғат бойлигини киритиш орқали, таржима дастурларини ҳам яратиш мумкин.

Университетда кафедра учун алоҳида махсус хоналар ажратилди. Улар замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Кафедрада тилшунослар, математиклар ва компьютер мутахассислари ҳамкорликда иш олиб борадиган бўлдилар. Шунингдек, кафедрада талабалар ва ўқитувчилар ҳамкорлигида уч йўналишдаги машғулотлар бошланди. Жумладан:

1. "Windows" операцион тизимининг ўзбекча кўринишини яратиш йўлида ижодий, илмий-амалий уюшма тузилмоқда.

2. Талабаларга чет элда ўқиш йўлларини очувчи TOEFL (инглиз тилидан тест топшириқлари)га тайёрловчи курс очилди. Бунда талабалар ACCELS, IREX, SOROS, "УМИД" жамғармалари томонидан, ҳамда ЎзМУ ва чет эл университетлари келишуви асосида эълон қилинган дастурларга тайёрланадилар.

3.Гуманитар соҳаларда компьютерни ўрганиш, компьютердан фойдаланиш талабларини ҳисобга олган ҳолда, компьютер дстурларини яратишга қаратилган ўқув, илмий-тадбиқий, "компьютер устахонаси" ташкил қилинди. Бу гурухда ўзбек филологияси, компютер технологиялари, хорижий филология ва журналистика факультети талабалари қатнашадилар. Талабалар машғулотлар давомида компьютерга дастур киритиш билан бирга, компьютернинг техник қурилишини, уни созлашни ҳам ўзлаштирадилар.

Мазкур уч йўналиш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, яъни компьютер ва инглиз тилини ҳар бир талаба мукаммал ўзлаштириши лозим.

Дилдора ЗУВАЙТОВА

Yangilik

ЎЗБЕК-АМЕРИКА АКАДЕМИЯСИ: ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРНИ ЯРАТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

EdNetнинг Ўзбекистондаги директори Акмал Нортоев ушбу лойиҳанинг асосий мақсад-вазифалари хусусида қуйидагиларни гапириб берди:

— EdNet таълим тармоғи АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги томонидан ташкил этилган ва молиялаштириладиган лойиҳа бўлиб, Марказий Осиё минтақасида иқтисодиёт ва бизнес соҳалари учун мутахассискадрлар етказиб берувчи олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга ҳисса қўшмоқда. Шу мақсадда, тармоқнинг минтақадаги турли республикаларда ресурс марказлари ташкил қилинди, турли тренинг, семинар ҳамда конференциялар ўтказилмоқда ва энг асосийси Марказий Осиё университетлари ва ўқитувчиларини тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Таълим тармоғи минтақадаги олий ўқув юртлари фаолиятини ўрганиш натижасида мавжуд айрим муаммоларни бартараф этишга ҳисса қўшиш мақсадида ташкил қилинган. Ушбу муаммоларнинг биринчиси, бу таълим беришнинг янги методларини татбиқ қилиш жараёнини такомиллаштиришдан иборат. Бу ҳолат ўқитувчилар фаолиятида янги ўқув адабиётлари ва замонавий қўлланмаларнинг етишмаслиги туфайли юзага келмоқда.

Иккинчи муаммо, кўпгина олий ўқув юртларида таълим технологияларининг етишмаслиги билан боғлиқ. Университетларда компьютерларнинг салмоғи оз ва ўқитувчиларнинг Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятлари чегараланган. Ушбу ҳолатдаги технологик инфратузилма минтақада замонавий ўқув материаллари ва таълим методларини самарали татбиқ қилишга тўсқинлик қилмоқда.

Учинчи муаммо, таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи ўқитувчилар ўртасида азалий мавжуд маданий алоқаларни тиклаш масаласидир. Сир эмаски, ўтган ўн йил давомида университетлараро ўқитувчи-мураббийларнинг ўқув материаллари асосида фикр-мулоҳазалар алмашинувига асосланган учрашув-мулоқотлари анча қисқарди. Натижада ўқитувчиларнинг ўзаро ахборот алмашув воситасидаги билим ва малака ошириш имкониятлари сезиларли даражада камайди.

Ушбу муаммолар минтақадаги барча мамлакатларда мавжуд эканлигини инобатга олган ҳолда, бу масалага кўпгина халқаро ташкилотлар доирасида ва ҳукумат даражасида жиддий эътибор қаратила бошланди ҳамда мазкур муаммоларни ҳал этишда таълим тармоғи лойиҳаси ҳам иштирок этишга қарор қилди.

EdNet биринчи навбатда, талабаларга иқтисодиёт ва бизнес соҳалари бўйича сифатли ва мукаммал билим олишлари учун кўмаклашса, ўқитувчиларга шу соҳаларда ўз педагогик-илмий билим ва малакалари сифатини оширишга ёрдам бериб, "ўқувчи"ларнинг сифатли ҳамда тўлақонли билим олиш ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади. Институт маъмурларига эса бошқарувнинг энг мақбул маъмурий методларини қўллашни такомиллаштиришга кўмаклашади.

EdNet олти йўналишда ўз хизматларини таклиф этади: техник ёрдам, ўқитувчилар малакасини ошириш, интеллектуал алмашинув, маъмурий бошқарув, университетларни қўллаб-қувватлаш ва ахборот-коммуникацион технологиялар. Лойиҳага асосан, минтақадаги иқтисодиёт олий ўқув юртларига иқтисод, бизнес, молия, менежмент, маркетинг ва бухгалтерия ҳисоби бўйича ўқув материаллари келтирилиб, кутубхоналар ташкил қилинмоқда. Ушбу адабиётлардан фойдаланган ҳолда ўқитувчилар янги ўқув дастурлари ва қўлланмаларини ёзишга киришдилар. Шунингдек, EdNet доирасида Марказий Осиёда фаолият кўрсатувчи профессор-ўқитувчилар ўртасида ўзаро ахборот ва фикр алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида турли конференция ва семинарлар, учрашув ва тренинглар ўтказилмоқда. Жумладан, ана шундай тадбирлар мамлакатимизда ҳам ўтказилиб, шу йилнинг 28-31 октябрь кунлари "Бизнес ва иқтисодиёт этикаси: олий таълим муаммолари", 12-13 ноябрь кунлари эса "Таълимда гендер масалалари" мавзусида семинарлар ташкил қилиниши режалаштирилган. Декабрь ойида эса Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида бўлиб ўтадиган анъанавий ўқитувчиларнинг энг яхши Кейс методи танловида мамлакатимиздан 4 нафар ўқитувчи ўз илмий мақолалари тақдимоти билан иштирок этадилар.

Таълим тармоғи доирасида иқтисодиёт ва бизнес йўналишидаги илмий тадқиқотларни грантлар асосида молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Энг яхши илмий тадқиқот муаллифи бир йилда икки маротаба рағбатлантирилади. Шунингдек, иқтисодиёт йўналишида хорижда (АҚШ, Шарқий ва Марказий Европа ва Россия федерациясида) таҳсил олиш истагида бўлган ўқитувчи ва талабалар ҳам EdNet тармоғи орқали стипендияларни қўлга киритишлари мумкин.

Шу йилнинг октябрь ойида минтақанинг бешта мамлакатида ташкил этилган академиялардан бири бўлган Ўзбек-Америка академияси ҳам лойиҳа доирасидаги амалга оширилган ишлар сирасидан бўлиб, унинг асосий фаолияти иқтисодиёт ва бизнес йўналишида талабаларга дарс берувчи ўқитувчи ва профессорлар билим ҳамда малакаларини янада ошириш, уларни профессионал даражада мукаммал қайта тайёрлаш ва илмий мутахассис бўлиб етишишига кўмаклашишдан иборатдир.

— Академиямизда ўқиш истагида бўлган ўқитувчиларни танлов асосида саралаш ишлари бугун ўз якунига етди ва айни пайтда 200 нафар олий таълим муассасаси ўқитувчилари ушбу масканда таҳсил олиш имкониятига эга бўлдилар, — дейди Ўзбек-Америка академияси директори Маҳфират Қосимова. — Танлов икки йўналиш асосида ўтказилиб, биринчиси бизнес соҳасида докторантура ва иккинчиси иқтисодиёт соҳасида магистратура йўналишида ўқитилади. Танловнинг асосий шартлари хусусида тўхталадиган бўлсак, биринчи навбатда ўқитувчиларнинг айни пайтда иқтисодиёт йўналишидаги олий таълим муассасасида дарс бераётганлиги ва камида икки йиллик иш стажига эга булиши талаб этилди. Танловлардан муваффақиятли ўтган ўқитувчилар бугун нафақат иқтисодиётга алоқадор фанлардан сабоқ олмоқдалар, балки, Интернет тармоғидан фойдаланиш, компьютер дастурларини яратиш, виртуал кутубхонадан фойдаланиш сир-асрорларини ҳам ўрганмоқдалар.

— Нима учун ўқитувчилар малакасини оширишда Европа давлатлари тажрибасидан эмас, айнан Америка таълим тизими имкониятларидан фойдаланилмоқда? — дея савол билан мурожаат қилдик академия директори М. Қосимовага.

— Боиси, Қўшма Штатлар олий таълим тизими дунё миқёсида иқтисодиёт ва бизнес соҳалари бўйича энг мукаммал билим берувчи муассасалар ҳисобланади. Айни пайтда, АҚШдан Европага эмас, балки, бутун Европа мамлакатларидан талаба ва ўқитувчилар АҚШ олий ўқув юртларига иқтисодиёт, бизнес, молия, менежмент, маркетинг соҳаларида билим олиш, ўз малакаларини ошириш мақсадида ўқишга бормоқдалар. Шу боис, АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги қўмагида мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг бир неча муаллимлари Америка таълим тизими доирасида билим олиш имкониятига эга бўлдилар.

Ҳозирча академиямизда дарслар асосан рус тилида олиб борилмоқда ва ўқитувчиларга инглиз тилини ўзлаштиришларига кўмак берувчи 3 ойлик курслар ўқитилиши режалаштирилган. Ушбу курслар якунлангач, дарслар тўлиқ инглиз тилида ўқитилади. Келгуси йил бошидан академия тингловчиларига АҚШнинг Пенсилвания университетида таклиф этилган Де Вос ҳамда Эл Насер сингари профессорлар ҳам сабоқ берадилар.

Академияда ўқиш муддати 2,5 йил бўлиб, ўқишни муваффақиятли тамомлаган тинловчиларни "Устоз" жамғармаси билан ҳамкорликда хорижда малака ошириш учун юбориш ҳам режалаштирилган.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.

Биз дарс давомида ҳамкорликда ишлашни ўргатиб, уларнинг бўлгуси ҳаётида учраб турадиган қийинчиликларни биргаликда енгиш тажрибасини ҳам сингдирган бўламиз.

Ижодкор ўқитувчи З.Раҳмонова эса дарснинг 10–15 дақиқасини мактаб боғига, табиат қучоғига сайр қилишга ажратишдан эринмайди.

ҲУҚУҚИЙ ЮКСАКЛИК САРИ

Демократик ҳуқуқий давлат пойдевори жамиятда қонун ва инсон ҳуқуқларининг сўзсиз устунлиги тамойили асосида қарор топади. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ушбу пойдеворнинг асосини ташкил этади. Асосий Қонунимиздаги демократия мезонлари, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи тамойиллар инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг маънавий нормаларига мувофиқ ҳолда тайёрланганлиги халқаро экспертлар томонидан ҳам тасдиқланган.

Қонунларга сўзсиз амал қилиш, унинг устуворлигини таъминлаш, ёшларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш каби вазифалар Конституцияга риоя қилишнинг қудратли омилидир. Шунга эришсаккина, биз ҳуқуқий давлатда яшаяпмиз, дея оламиз. Бунинг учун эса, ҳуқуқий билим ва маданиятга эга бўлмоғимиз зарур. Шу мақсадда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" ўқув курси жорий этилгани, бежиз эмас. У ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш, юксалтириш мақсадида йўлга қўйилган. Эндиликда уни амалга ошириш биз ўқитувчиларнинг ҳам зиммамиздадир.

Кайковус "Қобуснома"да шундай ёзади: — Олим бўлсанг илмни яхши ўргангил, билган ишингни яхши иборалар билан баён қилгинки, токи бемаъни фикр билдириб, хижолат бўлиб юрмагил. Демак, энг аввалги вазифамиз — биз ўқитувчилар ўзимиз ўз ҳуқуқий билимимизни мустаҳкамлашимиз, ҳар бир дарс жараёнига мукаммал тайёргарлик кўришимиз зарур. Ўқувчилар ўз саволларига биздан тўлиқ жавоб ола билсинлар.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус касб-ҳунар таълими Маркази амалга ошираётган хайрли ишлардан бири — улар тақдим этган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" ўқув курсининг дастур ҳамда дарсликлари касбий фаолиятимизга кенг йўл очмоқда, дейиш мумкин. Зиммамиздаги вазифани пухта амалга ошириш — жамиятимиз келажаги билан чамбарчас боғлиқлигини эътироф этган ҳолда, бу борада баъзи қўшимча таклифларни ҳам ўртага ташлаш истаги пайдо бўлмоқда. Ушбу ўқув курси бўйича ҳар бир дарс мавзуси учун алоҳида маъруза матнларини тайёрлаш, унинг дастури ҳамда амалий машғулотлар режасига мувофиқ адабиётлар рўйхатини илова қилиш, оралиқ, жорий ҳамда якуний назоратлар учун тест саволлари мажмуаларини тузиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Ўқув курси синфхонасининг фанга монанд жиҳозланиши, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрланиши ва ўқувчи-ёшлар ана шундай воситалар ёрдамида илм эгаллашлари, фанга оид тўгаракларни ташкил этилиб, унда ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатадиган машғулотлар ўтказилиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Буларнинг барчаси Конституциямизни ўрганишни мукаммаллаштиришга услубий ёрдам беради ва ўсиб келаётган ёшларнинг ҳуқуқий маданияти юксак, баркамол бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади, деган умиддамиз.

Ф.СИНДАРОВА,
Сирғали политехника касб-ҳунар коллежи ижтимоий фан ўқитувчиси

Konstitutsiyani o'rganamiz

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАЙМИЗ

Ўн бир ёшга тўлган мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳар томонлама ривожлана бориши, гуллаб-яшнаши, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти, энг аввало, юрт фуқароларининг ҳуқуқий билимларни қанчалик чуқур ва пухта эгаллаши билан чамбарчас боғлиқдир. Бу борада айниқса, ҳаётимизнинг асосий қонуни ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти мазмун-моҳиятини ихлос ва эътиқод билан ўрганиш биз ёшларнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини оширишда, ҳаётда ўз ўрнимизни топиб олишда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги 2001 йил 4 январда эълон қилинган фармони мамлакатимиз аҳли, қолаверса, биз ёшлар учун ниҳоятда улуғ иш, катта ғамхўрлик тимсоли бўлди. Негаки, биз ўқувчи ёшлар мактаб партасидаёқ Қонунни пухта ўргансак, ҳаётда учрайдиган энг қийин муаммоларни ечишга қодир, чинакам халқпарвар, энг муҳими, эркин фикр юритиш қобилиятига эга бўламиз.

Мактабимизда 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" бўйича машғулотлар ўтилмоқда. Бу фан бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари, услубий тавсиялар, кўргазмали қуроллар мавжуд. Ўз Конституциямизнинг ҳар бир бўлим, боб, моддасини қунт билан ўқиб ўрганмоқдамиз.

Ҳуқуқий билимларимизни мустаҳкамлашга оид "Президент — Конституциянинг ташаббускори, яратувчиси", "Сиз қонунни биласизми?", "Ҳуқуқ ва бурч" каби кечалар, танловлар ўтказилмоқда. Ҳуқуқшунослар билан учрашувлар уюштирилаяпти.

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" номли асарида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1992 йил 8 декабрдаги XI сессиясида қабул қилинган Конституциямиз тўғрисида тўхталар экан: "Бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир, унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда "фуқаро-жамият-давлат" ўртасида ўзаро муносабатларнинг оқилона ечимини топишга интилдик", — деган эди.

Дарҳақиқат, Конституциямиз қадим ва умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этди. Энг ривожланган, тараққий топган демократик давлатларнинг тарихий тажрибаси ва жаҳон Конституциявий амалиётига қўйиладиган юксак талабларга жавоб беради, инсон ҳамда фуқароларнинг барча ҳуқуқлари ва асосийси эркинликларини кафолатлайди. Бундан ташқари Конституциямиз халқимизнинг маънавий, маданий меросига, миллий тафаккури, муқаддас қадриятларига ва кўп асрлик ўзбек давлатчилиги тажрибаси ҳамда ҳуқуқий анъаналарига асосланган. Шунинг учун ҳам жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланди.

Конституция — келажаги буюк давлатнинг ҳуқуқий пойдеворидир. Унга амал қилиш эса юксак ватанпарварлик белгисидир. Шунингдек, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция бутунжаҳон болаларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади. 1992 йилда Ўзбекистон "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенцияни тан олди ва Болалар парламентини ташкил қилди. Бу эса биз болаларнинг муаммоларини ҳал этиш учун яратиб берилган яна бир имкониятдир. Болалар парламентида ҳар бир вилоят, шаҳар, туманларидан сайлаб олинган ёш депутатлар фаолият кўрсатишади. Ёш депутатлар республикамиздаги болаларнинг вакили ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчилардир. Мен ҳам улар сафида бўлганимдан фахрланаман ва юксак масъулият сезаман.

Фарида РАҲИМОВА,
Хива туманига қарашли Аваз Ўтар номидаги 1-мактабнинг 9-синф ўқувчиси, республика Болалар парламенти депутати

(Давоми. Боши 1-бетда)

ТАЪЛИМГА ЯНГИЧА ЁНДОШУВ

Ривожланган мамлакатларда амалга оширилиб, ҳаёт синовидан муваффақиятли ўтган, биз учун янгича ўқитиш услуби "марказлаштирилган усул", деб юритилади. Энди дарсда ўқувчига ўрганувчи бир объект деб эмас, балки таълим жараёнининг фаол иштирокчи субъекти деб қаралади. Мазкур услуб ўқувчига суст тингловчи деб муносабатда бўлувчилар фикрини инкор этади. Ахир, ўқувчи бош миясини ҳар хил билимлар қўйиладиган бўш идиш, деб тасаввур этиш адолатдан эмас, чунки унинг ёшига муносиб дунёқараши, орзу-ўйлари ва интилишлари бор. Янгича ишлашга жазм этган ўқитувчи мазкур жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда айрим қарорларни ўқувчилар фикрини назарда тутиб қабул қилади, улар илм ўрганиш жараёнида қандай ютуқларга эришди, нималар бой берилди, ўғил-қизлар нималарга қизиқади, нималардан зерикади, қабилидаги амалий фаолиятлар таҳлил қилиб борилади. Янгича усул ўқитувчи мавзуни одатдагидек бир бошдан ипидан игнасигача баён қилиб беришни инкор этади. Бошқача айтадиган бўлсак, маълум бир мавзуга доир қоида ёки теоремани ўқувчиларга ёдлатиб, кейин машқлар бажаришга киришмайди, аксинча машқ ва масалаларга шогирдлари диққатини қаратиб, фикрлашга ундайди ва хулоса чиқаришни улар ҳукмига ҳавола этади.

ЯНГИЧА УСЛУБНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Улар:

— мавзуни муҳокама этиш;

— эркин фикрлаш;

— ҳамкорликда ишлаш;

— жуфт бўлиб ва гуруҳларга бўлиниб ишлаш;

— айлана стол атрофида мунозара;

— бўлиниб роллар ижро этиш;

— муаммоларни биргаликда ҳал этиш;

— мустаҳкамлаш дарслари ва шу кабилардан иборат.

Кўриниб турибдики, янги усул ўқувчилар чуқур билим олиши учун қатор имкониятлар яратиб беради ва уларда ўз фикрини ҳимоя қилиш кўникмасини, қатъиятини шакллантиради.

Янги услубнинг баҳсли томонлари ҳам бор. Пашша учса билинадиган синфхоналар дарс жараёнида сершовқин бўлиб қолади.

Баҳс-мунозаралар пайтида аввжига чиқадиган бу ҳолатни зинҳор ўқувчилар интизомсизлиги ва зерикишга йўйиш керак эмас, балки маълум бир муаммони биргаликда баҳслашиб ҳал қилаётган аҳил бир гуруҳнинг фикрлашув жараёни сифатида қабул қилиш лозим. Ҳамкорликда ишлашнинг муҳим бир тарбиявий томонини ҳам эслатиб ўтмай иложимиз йўқ. Ўқувчи келажакда ҳаётнинг доимий қайнаб турадиган дошқозонига тушади, кўпчилик билан муомалада бўлади. Биз дарс давомида ҳамкорликда ишлашни ўргатиб, уларнинг бўлғуси ҳаётида учраб турадиган қийинчиликларни биргаликда енгиш тажрибасини ҳам сингдирган бўламиз.

ДАРСДА ЎҚИТУВЧИНИНГ МАВҚЕИ

Биз ўзгаришлар, янгиланишлар даврида яшаяпмиз. Фарзандларимиз ҳам шу давр ҳавосидан нафас олаяптилар. Болалар дунёқараши замонага мос равишда кенгайиб бормоқда. Улар компьютер билан шуғулланаяпти, олам янгиликларини ҳис этиб турибди, бизнес оламига қадам ташлаяпти. Очиқчасига тан олиш керак, энди ўқувчини қуруқ гап билан алдаб бўлмайди. Қуруқ ўтилган дарс ўқитувчи учун азобга, ўқувчи учун эса қўнғироқ чалинишини сабрсизлик билан кутадиган зерикарли онларга айланади. Бир қолипда қолган ўқитувчига ўқувчи очиқчасига норозилик билдирмайди, истиҳола, ҳурмат қилади, баъзан эса чўчийди, лекин борган сари кўнгли совиб, дарсга киргиси келмай қолади.

Ўқитувчининг шогирдига эътибор билан муносабатда бўлиши улар орасидаги самимийликни, очиқ кўнгилликни юзага чиқаради. Ўқувчилар мактабга илм олиш учун келса-да, лекин улар устозига "Қани, биз мактабга келдик, бурчимизни адо этиб, бизни бир ўқитиб қўйинг", — демайди. Бола кўнглига йўл топиш муаллимнинг вазифаси ва у бу масъулиятли ишга ўзининг виждоний бурчи деб қараши керак. Агар ўқувчи муаллимни ўзининг илм ўрганишдаги ҳамкори деб ҳис этса, орада ижодий алоқа мустаҳкамланади. Устоз шогирдларининг қизиқишлари, интилишлари ва уларнинг ўй-фикрлари билан яшаса, ўқувчининг бир умрлик ҳурматига сазовор бўлади.

Марказлаштирилган усулда ўтиладиган дарсда ўқитувчининг мавқеи кўтарилади ва энди у "режиссёр"лик пультини эгаллайди. Дарсни ташкил қилади, ўрганувчилар фикрини маълум бир мақсадга йўналтиради, интизомини назорат қилади, тушунмаган жойларини эслатади, ўқувчилар билимини холис баҳолайди. Юқоридагилардан маълум бўладики, ўқитувчининг дарсдаги мавқеи пасайиб кетади, деганлар янглишадилар.

Табиийки, янги услуб билан дарс ўтмоқчи бўлган ўқитувчи ўз устида муттасил ишлашни, яъни замонавий педагогик технологияларни дарсига жорий қилиб боришни ўзининг одатий иши деб ҳисоблайди. Анъанавий услубда у тегишли конспектини ёзиб дарсига келарди ва синфда бутун масъулиятни бўйнига олиб, бор кучи билан ишлашга мажбур эди. Энди у дарсдан бўш пайтларида машғулотга атрофлича тайёргарлик кўради, изланади, топади. Дарс жараёнида эса изланишларининг самарасини кўради. Бу усулда ишлаган ўқитувчи чарчамайди, ўқувчиларининг зерикишига йўл қўймайди. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўқувчи марказлаштирилган усул:

— ўргатувчи ва ўрганувчининг анъанавий ролини алмаштиради;

— синф муҳитини ўзгартиради;

— баҳс-мунозарада ҳар бир ўқувчининг ўзини кўрсатишига имкон беради;

— ўргатилаётган мавзу қандай ўрганилиши кераклигини белгилаб беради;

— синфдаги индамасларни тилга киритади;

— ўқувчилар дастурини қандай ўзлаштираётганликлари таҳлил қилиб берилади;

— ўқитувчи ва ўқувчи меҳнати белгиланган тест якунларига кўра баҳоланади.

Қуйида янги услубдаги дарс босқичларидан икки кўринишини ҳавола қиламиз.

"ИССИҚ ЎРИН"

Машғулот, дарснинг бошланишида ўқувчилар фикрини дарсга жалб қилиш учун ҳам юқори, ҳам қуйи синфларда ўтказилиши мумкин.

Синфдаги ўқувчилар 5 кишидан гуруҳларга бўлинади. Улар "Иссиқ ўрин"да ўтириш учун навбат оладилар. Вақт ҳисобловчи (секундант) тайинланади. Икки минут давомида 4 ўқувчи "Иссиқ ўрин"даги ўртоғидан ўтилган мавзуларга доир хоҳлаган саволини сўрайди. Саволлар "ҳа", ёки "йўқ" деб жавоб бериладиган бўлмаслиги керак. Икки минут давомида энг кўп саволларга жавоб берган ўқувчи ғолиб бўлади ва ўрнини навбатдаги ўртоғига бўшатиб беради. (Изоҳ: Ўқувчи ўтирган стул "Иссиқ ўрин" деб фараз қилинади. Белгиланган икки минут ичида саволлар тезда берилмаса ёки аксинча берилган саволларга ўқувчи жавоб беролмаса "куйиб" қолади ва ўйиндан чиқади.

"БУ КИМ?" "У НИМА?"

Машғулот янги мавзу ўтиб бўлингач, ўқувчилар чарчоғини чиқариш учун ёки дарс ниҳоясида бўш қолган дақиқаларни қоплаш учун ўтказилади ва синф жамоаси ҳамкорликда иштирок этади.

Ўқувчилардан бири доска олдига чақирилади, унга кўрсатилмаган ҳолда унинг орқа томонидаги осгичга ёзувчи, шоир, олимлардан бирининг сурати, кимёвий элемент белгиси, бирор ҳайвон расми ва ҳоказолар туширилган қоғоз қисқич ёки скоч ёрдамида ёпиштирилади. Ўқувчи ўртоқларига орқа ўгириб туради, ўртоқлари расмдаги лавҳани тасвирлайдилар, орқа ўгирган ўқувчи расмда ким ёки нима туширилганлигини топиши керак. Хуллас, бу каби изланишлар бугунги кун ўқитувчиси обрўсига обрў қўшиши шубҳасиздир.

Азимжон ПЎЛАТОВ,
Бешариқ туманидаги 30-мактабнинг ўқитувчиси

Fikr, mulohaza, taklif

БУГУНГИ КУН ЎҚИТУВЧИСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

ёхуд эндиликда ўқувчини қуруқ гап билан алдаб бўлмаслик хусусида

Биз ўзгаришлар, янгиланишлар даврида яшаяпмиз. Фарзандларимиз ҳам шу давр ҳавосидан нафас олаяптилар. Болалар дунёқараши замонага мос равишда кенгайиб бормоқда. Улар компьютер билан шуғулланаяпти, олам янгиликларини ҳис этиб турибди, бизнес оламига қадам ташлаяпти. Очиқчасига тан олиш керак, энди ўқувчини қуруқ гап билан алдаб бўлмайди. Қуруқ ўтилган дарс ўқитувчи учун азобга, ўқувчи учун эса қўнғироқ чалинишини сабрсизлик билан кутадиган зерикарли онларга айланади. Бир қолипда қолган ўқитувчига ўқувчи очиқчасига норозилик билдирмайди, истиҳола, ҳурмат қилади, баъзан эса чўчийди, лекин борган сари кўнгли совиб, дарсга киргиси келмай қолади.

Ўқитувчининг шогирдига эътибор билан муносабатда бўлиши улар орасидаги самимийликни, очиқ кўнгилликни юзага чиқаради. Ўқувчилар мактабга илм олиш учун келса-да, лекин улар устозига "Қани, биз мактабга келдик, бурчимизни адо этиб, бизни бир ўқитиб қўйинг", — демайди. Бола кўнглига йўл топиш муаллимнинг вазифаси ва у бу масъулиятли ишга ўзининг виждоний бурчи деб қараши керак. Агар ўқувчи муаллимни ўзининг илм ўрганишдаги ҳамкори деб ҳис этса, орада ижодий алоқа мустаҳкамланади. Устоз шогирдларининг қизиқишлари, интилишлари ва уларнинг ўй-фикрлари билан яшаса, ўқувчининг бир умрлик ҳурматига сазовор бўлади.

Марказлаштирилган усулда ўтиладиган дарсда ўқитувчининг мавқеи кўтарилади ва энди у "режиссёр"лик пультини эгаллайди. Дарсни ташкил қилади, ўрганувчилар фикрини маълум бир мақсадга йўналтиради, интизомини назорат қилади, тушунмаган жойларини эслатади, ўқувчилар билимини холис баҳолайди. Юқоридагилардан маълум бўладики, ўқитувчининг дарсдаги мавқеи пасайиб кетади, деганлар янглишадилар.

Табиийки, янги услуб билан дарс ўтмоқчи бўлган ўқитувчи ўз устида муттасил ишлашни, яъни замонавий педагогик технологияларни дарсига жорий қилиб боришни ўзининг одатий иши деб ҳисоблайди. Анъанавий услубда у тегишли конспектини ёзиб дарсига келарди ва синфда бутун масъулиятни бўйнига олиб, бор кучи билан ишлашга мажбур эди. Энди у дарсдан бўш пайтларида машғулотга атрофлича тайёргарлик кўради, изланади, топади. Дарс жараёнида эса изланишларининг самарасини кўради. Бу усулда ишлаган ўқитувчи чарчамайди, ўқувчиларининг зерикишига йўл қўймайди. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўқувчи марказлаштирилган усул:

— ўргатувчи ва ўрганувчининг анъанавий ролини алмаштиради;

— синф муҳитини ўзгартиради;

— баҳс-мунозарада ҳар бир ўқувчининг ўзини кўрсатишига имкон беради;

— ўргатилаётган мавзу қандай ўрганилиши кераклигини белгилаб беради;

— синфдаги индамасларни тилга киритади;

— ўқувчилар дастурини қандай ўзлаштираётганликлари таҳлил қилиб берилади;

— ўқитувчи ва ўқувчи меҳнати белгиланган тест якунларига кўра баҳоланади.

Қуйида янги услубдаги дарс босқичларидан икки кўринишини ҳавола қиламиз.

"ИССИҚ ЎРИН"

Машғулот, дарснинг бошланишида ўқувчилар фикрини дарсга жалб қилиш учун ҳам юқори, ҳам қуйи синфларда ўтказилиши мумкин.

Синфдаги ўқувчилар 5 кишидан гуруҳларга бўлинади. Улар "Иссиқ ўрин"да ўтириш учун навбат оладилар. Вақт ҳисобловчи (секундант) тайинланади. Икки минут давомида 4 ўқувчи "Иссиқ ўрин"даги ўртоғидан ўтилган мавзуларга доир хоҳлаган саволини сўрайди. Саволлар "ҳа", ёки "йўқ" деб жавоб бериладиган бўлмаслиги керак. Икки минут давомида энг кўп саволларга жавоб берган ўқувчи ғолиб бўлади ва ўрнини навбатдаги ўртоғига бўшатиб беради. (Изоҳ: Ўқувчи ўтирган стул "Иссиқ ўрин" деб фараз қилинади. Белгиланган икки минут ичида саволлар тезда берилмаса ёки аксинча берилган саволларга ўқувчи жавоб беролмаса "куйиб" қолади ва ўйиндан чиқади.

"БУ КИМ?" "У НИМА?"

Машғулот янги мавзу ўтиб бўлингач, ўқувчилар чарчоғини чиқариш учун ёки дарс ниҳоясида бўш қолган дақиқаларни қоплаш учун ўтказилади ва синф жамоаси ҳамкорликда иштирок этади.

Ўқувчилардан бири доска олдига чақирилади, унга кўрсатилмаган ҳолда унинг орқа томонидаги осгичга ёзувчи, шоир, олимлардан бирининг сурати, кимёвий элемент белгиси, бирор ҳайвон расми ва ҳоказолар туширилган қоғоз қисқич ёки скоч ёрдамида ёпиштирилади. Ўқувчи ўртоқларига орқа ўгириб туради, ўртоқлари расмдаги лавҳани тасвирлайдилар, орқа ўгирган ўқувчи расмда ким ёки нима туширилганлигини топиши керак. Хуллас, бу каби изланишлар бугунги кун ўқитувчиси обрўсига обрў қўшиши шубҳасиздир.

Азимжон ПЎЛАТОВ,
Бешариқ туманидаги 30-мактабнинг ўқитувчиси

Sinab ko'ring

Она тили дарслари бошланғич синфданоқ ўргатилади. Демак, тилга қизиқиш ва ҳавас уйғотишда бошланғич синф ўқитувчисининг маҳорати етарли бўлмоғи лозим. Қашқадарё вилояти Китоб тумани Йўлдош Охунбобоев номидаги 4-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Зулхумор Раҳмонова дарсларининг ўзига хослиги, турли усуллардан фойдаланиши билан тилга тушган.

Маълумки, она тили дарсларининг кўп қисми ёзишга ажратилиб, дарс фақат синфхоналарида ўтказилади. Бу ҳолатнинг ҳар куни бир хил такрорланиши ўқувчиларни зериктиради. Ижодкор ўқитувчи З.Раҳмонова эса дарснинг 10—15 дақиқасини мактаб боғига, табиат қучоғига сайр қилишга ажратишдан эринмайди.

Синфга қайтгач, ўқувчиларнинг кузатишлари асосида саволжавоб ўтказади. Она тили дарсларида саёҳат усулидан фойдаланиши эса яхши самара беряпти. Республикада иш тажрибаси оммалаштирилган З.Раҳмонованинг айрим иш усулларини ҳамкасбларига ҳавола этмоқдамиз.

МАКТАБ БОҒИДАГИ ДАРС

САЙРДАН ҚАЙТГАЧ...

4-синфда "Сўз таркиби"ни ўтишда ўқувчилар ўзакдош сўзлар, сўз ясовчи ва сўз ўзгартувчи қўшимчалар билан танишадилар. Бу мавзу куз фаслида ўрганилади. Мавзу ўтиладиган кун дарсдан аввал ўқувчилар мактаб гулзорига сайр қиладилар. Сайр давомида боғнинг кузгаги кўриниши, кузда қандай гуллар очилиши билан танишадилар. Сайрдан қайтгач, ўқитувчи доскага горизантал ҳолда 6 та гул сўзини ёзади. Сўнг саволжавоб ўтказилиб, ҳар бир сўзга қўшимча қўшиб ёздирилади:

1. Қаерга бордик? — Гулзорга.

2. Гулзорда нима очилиб турибди? — Гул.

3. Гулни ким парваришлаяпти? — Гулчи.

4. Гулни нимага солиш керак? — Гулдонга.

5. Каримнинг қўйлаги қандай? — Гулсиз.

6. Салиманинг рўмолчи? — Гулли.

Сўнг болалар доскадаги сўзларнинг маъноси, шакли ҳар хил эканини, фақат ҳаммасида **гул** сўзи қатнашганини айтадилар. Ўқитувчи эса шу сўз ўзак қисми эканлигини, —чи, —зор, —дон, —сиз, —ли эса сўз ясовчи қўшимча бўлиб, ўзакка қўшилиб, янги сўз ясаб келаётганини тушунтиради.

Суҳбат яна давом эттирилади:

1. Гулзорда гулчи нима қилаётган эди? — Гулларнинг тагини юмшатаётган эди. 2. У яна нима ишлар қилди? — Гулларни суғорди. 3. У бизларга нима узиб берди? — Гулчи бизга гуллардан узиб берди. 4. Гулчини қаерда учратиш мумкин экан? — Гулзорда.

Сўнгра ўқитувчи доскага гулларнинг, гулларни, гуллардан, гулзорда сўзларини ёзиб, **—нинг, —ни, —дан, —да** келишик қўшимчаларининг вазифасини болалардан сурайди ва уларнинг сўз ўзгартувчи қўшимчалар эканини айтади.

"ЎЙЛА, ИЗЛА, ТОП" ЎЙИНИ

3-синфда бу усулдан фойдаланиб, сўз бирикмалари тузишга ўргатилади. Бунда ўқувчилар ҳушёрлик, топқирлик билан сўзларни ўрнига қўйиб гап ва сўз бирикмаси тузадилар:

Сигир миёвлайди
Яшил пиёла
Қуш кишнайди Узун нок
От судралади Ширин терак
Илон маърайди Гулли булбул
Мушук учади
Сайроқи ўт

Ўқувчилар икки гуруҳга бўлиниб, ким биринчи бўлиб гап ва сўз бирикмаси туза олиши аниқланади. Ўқувчилар: **сигир маърайди, қуш учади, от кишнайди, илон судралади, мушук миёвлайди каби гаплар ва яшил ўт, узун терак, ширин нок, гулли пиёла, сайроқи булбул** каби сўз бирикмалари тузадилар.

ЭРТАКЛАР ОЛАМИГА САЁҲАТ

Бу усулдан барча синфларда фойдаланиш мумкин. Ўқитувчи ўқувчиларга биттадан оқ варақ бериб, улар диққатини доскадаги ҳаракатли кўргазмага тортади. Ўқитувчи эртак тасвирланган расмларни жим, сўзсиз ҳаракатлантиради. Ўқувчилар диққат билан кузатадилар. Ўқитувчи уларга: **кўрганларингизни гаплар билан ифодалаб ёзинг,** деб мустақил топшириқ беради. Бу вазифа ўқувчилар учун оғирроқ бўлса ҳам, топшириқни бажаришга ҳаракат қиладилар. Бунда ўқитувчи текширув ишларининг уч тури: **ижодий ва жимлик, диктант ва тасвирий иншо**дан бир вақтнинг ўзида фойдалана олади. Масалан, **"Ҳайвонлар тортишуви", "Тулки, қуён ва хўрозвой"** каби эртакларни танлаб, гаплар туздириш мумкин. Бунда ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг кўра олиш, кўрган нарсаларини тўғри тушуниш ва уни гап билан тасвирлай олиш қобилиятини, ёзма ва оғзаки нутқини текширишга эришади.

Биз изланувчан ўқитувчи З.Раҳмонованинг иш фаолиятидан айрим лавҳаларни келтирдик, холос. Мақсадимиз, илғор тажрибалар ёш ўқитувчиларга асқотиб, уларни ҳам изланишга, ижодкорликка ундашдир. Зеро, изланишсиз, машаққатсиз ўқувчи тафаккурини шакллантириш, она тилига муҳаббат уйғота олиш жуда қийин. Пойдевор пишиқ бўлса, иморат мустаҳкам бўлганидек, бошланғич таълим ҳам пишиқ бўлмоғи, бунинг учун фидойи бошланғич таълим усталари кўпайиши лозим.

Назира АҲМЕДОВА,
РТМ бошланғич таълим методик шўъбаси бошлиғи,
Маҳмуда ВАЛИЕВА,
274-мактаб ўқитувчиси

ЯПОН ДЎСТЛАРИМИЗ ҲИММАТИ

Япония ҳукуматининг "Кичик лойиҳаларни молиялаштириш" беғараз ёрдам фонди Ўзбекистондаги Япония элчихонаси билан ҳамкорликда жуда катта миқдорда ёрам ажратди. Андижон вилоятидаги Япония грантини олишга муяссар бўлган мактабларда ҳам шу муносабат билан тақдимот маросимлари бўлиб ўтди.

Бўз туманимиздаги 13-гимназия 29 минг АҚШ доллари миқдорида, 2-мактаб 35 минг АҚШ доллари миқдоридаги грант соҳиблари бўлган эдилар. Ҳар иккала ўқув масканига энг сўнгги русумдаги компьютерлар, тикув машиналари, спорт анжомлари, синфхона ва ошхоналар учун махсус мебеллар, дурадгорлик асбоб-ускуналари, мусиқа ва ксерокс аппаратлари олиб келинди.

Тантанали тақдимот маросимида сўзга чиққанлар кўрсатилган беғараз ёрдам учун Япония давлатига чуқур миннатдорчилик билдирдилар.

Шаҳрихон тумандаги 25-мактабга ҳам 38 минг 400 АҚШ доллари миқдорида жиҳозлар олиб келинган эди. Элчихона вакили жаноб Томоюки Хаяси Ҳар бир синф хонасига кириб ўқувчилар билан суҳбатлашди.

Тақдимот маросимида ўқувчилар томонидан тайёрланган кичик мусиқали дастурлар маросим иштирокчиларига кўтаринки кайфият бағишлади.

Saxovat

Маросимларда Хаяси жаноблари сўз олиб, Япония ҳукумати томонидан бундан буён ҳам беғараз ёрдам бериш режалари борлгини, ўзбек болалари дунёга чиқишлари учун қандай ёрдам керак бўлса тайёр эканликларини алоҳида таъкидлади.

Япония элчихонаси томонидан уюштирилган инсонпарварлик ёрдамлари ичида тиббиёт соҳасига берилаётган эътибор ҳам алоҳида ўрин тутади. Хусусан, Андижон Давлат тиббиёт институтининг олимлари турли йўналишлар бўйича киритган лойиҳалари айни пайтда эътибор билан ўрганиб чиқилмоқда.

Институт олимлари билан бўлган мулоқотда Хаяси жаноблари тиббиёт соҳасига берилиши мумкин бўлган ёрдамларга алоҳида тўхталиб ўтди. Институт ректори, профессор М.Ҳўжамбердиев, проректор А.Шодмонов, профессор Н.Қурбоновлар янги тайёрланган лойиҳалар ва уларнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб бердилар.

Шунингдек, Япония грантларига сазовор бўлган Жалақудуқ туманидаги 19-мактаб ва Асака туманидаги 7-мактабда ҳам тақдимот маросимлари бўлиб ўтди.

О.СИДДИҚОВ,
махсус мухбиримиз

ТАЛАБАЛАР НАВОИЙНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШМОҚДА

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида халқаро журналистика факультети талабалари билан филология фанлари доктори, "Беруний" мукофоти совриндори, Навоийшунос олим Садир Эркиновнинг ижодий учрашуви ўтказилди.

Кечанинг бош мавзуси улуғ аллома Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишдан иборат эди. Учрашувда талабалар Навоий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ кўпгина янги маълумотлардан бохабар бўлдилар. Чунончи, Ҳазрат Алишер Навоий ўз асарларини энг чиройли нусхада кўчирган ҳаттотларга "Зарқалам соҳиби" унвони таъсис этиб, ўз даврида буюк ҳаттотларни тарбиялаш ва уларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратганликлари маълум бўлди. Навоийнинг хос ҳаттотларидан Султонали Машҳадий, "Хамса"ни бетакрор тарзда қоғозда акс эттира олган Абдужалил ҳаттот ана шундай юксак унвонга сазовор деб топилганлар. Навоийшунос олим улуғ бобокалонимиз етиштирган бир қанча шогирдлари, уларнинг ёзган асарлари хусусида ҳам талабаларга қизиқарли тарзда ҳикоя қилди.

Учрашув ўзига хос мазмунга эга бўлиб, у талабалар дунёқарашида буюк тарихий шахс ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ кўпгина янгиликларни кашф этиб, уларни идрок этиш ва шундай буюк шахслар вориси сифатида буюк ишларни қилишга ундайди, дейиш мумкин.

Биз талабалар шу каби учрашувлар нафақат факультетимизда, балки барча олий ўқув юртлари талабалари орасида тез-тез уюштириб борилса мақсадга мувофиқ бўларди, деб ҳисоблаймиз. Боиси, бундай учрашувлар чоғида ёшларимиз тарих, бугун ва келажак хусусида теран мулоҳаза, мушоҳада юритиб, бугунги яратилаётган имкониятлар, кенг имтиёзлардан унумли фойдаланган ҳолда, чуқур ва мустаҳкам билим эгаллаб, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида камарбаста бўлиб, хизмат қилишга ундаши шубҳасиз. Зеро, юртимизнинг эртанги келажаги бўлган биз ёшларнинг ҳар жиҳатдан комил инсон бўлиб вояга этишимиз, мамлакатимиз нуфузини баланд минбарлардан туриб ҳимоя қилишимиз, тенглар орасида тенг бўлиб яшашимиз, меҳнат қилишимизга асос бўлажак, албатта.

Дилрабо ЖУМАТОВА,
"Зулфия" мукофоти совриндори

ЭЗГУЛИК АБАДИЙДИР

**Нурота туманидаги Қизилча қишлоғи марказида жойлашган 22-ўрта умумтаълим мактабида 960 нафар ўқувчи таҳсил олади. Мактаб раҳбариятининг Қизилча ширкат хўжалиги ва ота-оналар билан ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Шу боис, хўжалик раҳбарияти мактабни қишки мавсумга тайёргарлигини намунали ниҳоялаш учун 2 млн. сўм маблағ ажратди ҳамда мактаб биносининг ички иситиш тизимини сифатли таъмирдан чиқаришга кўмак берди. Бундан ташқари, хўжалик 260 минг сўмга чўпон болаларига ўқув дарсликлари ҳам сотиб олиб бериб саховатпешалигини кўрсатди.Бундай ҳимматдан ўқувчилар ҳамда ота

Ўзбекистон файласуфлари юртимиз, элимиз, унинг маданияти, фани, маънавий ҳаёти ва бой ўтмишини олам аҳлига таништиришда илк қадамлардан бирини қўйдилар, десак муболаға бўлмас.

Xushxabar

ИЛК ҚАЛДИРҒОЧ ПАРВОЗИ

ёхуд ўзбек файласуф адиблари асари хорижда нашр қилинди

2000 йилда Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳрида Ўзбекистон файласуфларининг биринчи китоби чоп этилди. Китобнинг узоқ Америкада нашр этилиши, шубҳасиз, Ўзбекис-тон фалсафаси тарихида оламшумул воқеадир. Барчамиз учун аёнки, мустақилликдан аввал Ўзбекистон файласуфлари асарларининг чет элда нашр этилиши ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас эди. Фақат айрим халқаро илмий анжуманлар қатнашчиларининг ўнлаб мафкуравий чиғириқдан ўтказилган қисқача хабарлари баъзида бир тўпламларга киритилар ва юзлаб бошқа мақолалар орасида кўринмай қолиб кетар эди.

Бизни, Ўзбекистон файласуфларини қувонтирадиган яна бир жиҳат шундаки, китоб инглиз тилида чоп этилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ЮНЕСКОнинг расмий хабарларига кўра, ҳозирги даврда жаҳондаги барча илмий адабиётларининг деярли саксон фоизи инглиз тилида чоп этилмоқда. Маълумки, фақатгина инглиззабон мамлакатлар олимларигина эмас (Англия, АҚШ, Канаданинг катта қисми, Австралия, Янги Зеландия), балки ўтмишда Буюк Британиянинг мустамлакаси бўлган мамлакатлар (Ҳиндистон, Миср, Жанубий Африка, Покистон, Бангладеш ва бошқалар), бундан ташқари ҳозирги замон фани, техникаси ва технологиясини эгаллаб, замонимизнинг ривожланган давлатлари қаторидан жой эгаллаётган давлатлар (Хитой, Япония, Корея, Сингапур) ва бундай жойларни аллақачон эгаллаб олган Европа давлатлари (Швеция, Белгия, Голландия, Финляндия ва бошқалар)нинг олимлари, фан, техника ва илғор технологик соҳасидаги мутахассислар ўз фикрлари, ғоялари, ихтиро ва кашфиётларини жаҳон миқёсида тарқатиш мақсадида асарларини инглиз тилида чоп этилишини афзал кўрадилар. Шу боис, ҳозирги даврда инглиз тили бутун дунё бўйича ил-ғор фан, техника ва технологияларнинг умумий тили, халқлар, мамлакатлар, давлатлараро демократия, инсонпарварлик ҳамда ҳуқуқий жамият тамойилларини тарғиб этиш ва кишилар, жамоат арбоблари онгига сингдиришнинг самарали воситаси сифатида намоён бўлмоқда.

Демоқчиманки, китобнинг инглиз тилида чоп этилиши у жаҳоннинг ҳар бир бурчагига етиб боради ва кенг илмий ҳамда ижтимоий соҳалар вакилларини ўзига жалб этишга хизмат қилади.

...

Биринчи қалдирғоч учиб келиши билан баҳор бўлиб қолмайди, дейдилар. Лекин, бир донагина қалдирғочнинг учиб келиши тасодифий эмас. Чунки, унинг кетидан бошқалари ҳам учиб келиши муқаррар.

Биринчи қалдирғоч ўз қанотида олам аҳлига Ўзбекистоннинг маънавий-руҳий қадриятлари ва бу қадриятларнинг ижтимоий ривожланишдаги роли тўғрисида маълумотларни олиб келди. Китобга Сўз боши америкалик атоқли олим Жорж Макклин томонидан ёзилган бўлиб, у уч қисмдан иборат: биринчи қисмда маънавий-руҳий маданиятнинг ҳаётий зарурлиги, иккинчи қисмда маънавий-руҳий маданиятнинг манбалари ва учинчи қисмда эса маънавий-руҳий маданиятнинг тузилиши ёритилган. Бу масалаларни ёритишга Ўзбекистоннинг қатор етакчи олимлари С.Шермуҳаммедов, А.Абдусамедов, Э.Умаров, М.Қорабоев, И.Раҳимовлар билан бир қаторда, ёш олимлар Р.Назаров, А.Обиджонов, О.Ланцева, Н.Шермуҳамедова, А.Очилдиев, Б.Валиев, Р.Жумаев, В.Левинская ва Б.Патлак жалб этилган. Китоб муаллифлар жамоаси маънавиятимизнинг турли жиҳатлари, хусусиятлари ва ўзига хос томонларини ўн беш бобда батафсил ёритган. Унда Ўрта Осиё цивилизацияси, онглилик, миллий ғурур, иқтисод, маърифат, аҳлоқ, озодлик, тарих, ғоя ва ғоявийлик, мустақилик, миллий, минтақавий ва умуминсоний манфаатлар, адолат, миллий тил, қонун ва қонунийлик, ворислик, шахс, моддий ва маънавий-маданият, амалиёт ва фан тамойиллари, дин ва сиёсат, ўзаро ҳурмат ва масъулият, фан ва ҳаёт, ижтимоий тараққиёт, миллий анъаналар каби муҳим масалалар Ўзбекистон манфаатлари нуқтаи-назаридан асослаб берилган. Мамлакатимиз маданияти ва маънавияти, унинг тарихи, инсоният цивилизациясига қўшган бетакрор улуши, ҳозирги истиқболлари ҳақида сўзлар экан, муаллифлар Абдухолиқ Ғиждувоний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур, Баҳоуддин Нақшбандий, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Ал-Форобий, Ал-Фарғоний, Алишер Навоий, Нажмиддин Кубро, Ҳ.Абдуллаев, У.Орифов, С.Азимов, Яхё Ғуломов, П.Ҳабибуллаев, Ойбек, О.Содиқов, Т.Саримсоқов, С.Сирожиддинов, А.Тўлаганов, Ё.Тўрақулов, В.Зоҳидов, И.Мўминов каби ўзбек халқининг миллий фахри бўлган буюк инсонлар, жаҳон илми ва маданиятига хизмат қилган миллатимиз ўғлонлари ҳақида холисона фикрлар айтилган.

Китобнинг ўзига хос яна бир қиммати шундан иборатки, бу санаб ўтилган олимлар тарихан бир-биридан ажратилмай, битта халқ илми ва маданиятининг вакиллари, узвий халқалари сифатида берилган. Уларнинг ҳар бири илму фан соҳасига қандай янгилик ва янги сифат ҳамда қараш киритгани кўрсатилган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистон файласуфлари юртимиз, элимиз, унинг маданияти, фани, маънавий ҳаёти ва бой ўтмишини олам аҳлига таништиришда илк қадамлардан бирини қўйдилар, десак муболаға бўлмас. Бундай фаолият янада кенгроқ ва фаолроқ тарзда давом эттирилиши Ўзбекистон файласуфларининг Ватан ва жаҳон фалсафаси олдидаги муқаддас бурчидир.

Кўчқор ХОНАЗАРОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фалсафа ва жаҳон маданияти кафедрасининг мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Йигитларнинг ҳарбий хизматга яроқлилигини аниқлаш, улар саломатлигини муҳофаза қилишга иккинчи даражали иш сифатида қараш мумкинми?

Ma'rifat

Jarayon

"АРМИЯГА, АЛБАТТА БОРАМИЗ!"

Ҳарбий хизматга чақирилган йигитлар шундай дейишмоқда Бухоро шаҳридаги Мустақиллик кўчаси 50-уй 16-хонадонда яшовчи Умид Жалиловнинг кунги тўқ. Нимадан деб ҳайрон бўлманг. Армия хизматига чақирилган бу йигит ҳарбий хизматни ўташ чоғида асло қийналиб қолмайди. Бундай дейишимизга асос етарли. Умиджон бир эмас иккита касб эгаси. Шаҳардаги 34-мактабни тугатиб, коллежда сабоқ олди. Автослесарлик қўлидан келади. Вақтни зое кетказмай "Ватанпарвар" мудофаага кўмаклашувчи ташкилотга қарашли Бухоро автомобиль мактабида ҳам ўқиб, ҳайдовчилик касбини эгаллади.

— Чегара қўшинлари сафида хизмат қилмоқчиман — дейди у биз билан суҳбатда. — Оилада тўнғич фарзандман. Йигитлик бурчимни ўташга ўз хоҳишим билан кетаяпман.

— Чегара қўшинларида ҳар томонлама чиниққан, синовдан ўтган йигитлар хизмат қилишади. Қийналиб қолишдан чўчимайсизми? — дея сўраймиз ундан.

— Йўқ — дейди Умиджон. — Икки йилдан зиёдроқ спорт билан шуғулланганман.

Қоракўл туманидаги Қозон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Азамат Ҳусеновнинг ҳам шашти баланд. Бухоро шаҳридаги бизнес мактабида ўқиб компьютерда ишлаш сирларини ўрганган бу йигитчани ҳам вилоят ҳарбий хизмат чақирув пунктида учратдик.

— Уч акам бор — дейди у.— Учаласи ҳам ҳарбий хизматда бўлишган. Улар йигитлик бурчларини собиқ иттифоқ даврида жуда олис юртларда ўташган. Шу боисдан "Укажон армияга албатта боришинг керак. Бурчингни ўз юртимизда ўтайсан, юзинг ҳамиша ёруғ бўлади" дейишди. Акаларимнинг сўзлари қатъиятимга қатъият қўшди. Чегара қўшинларида хизмат қилиб Ватанимиз сарҳадларини қўриклаш ниятидаман.

Бухоронинг олис Янги турмуш қишлоғида яшовчи Умиджон ёш бўлишига қарамай ҳаётнинг оқу қорасини билади. У ёки бу сабабга кўра армия хизматини ўтамай қолган қишлоқдошларининг юриш-туришини обдон кузатиб йигитлик бурчини ўташим шарт деган хулосага келган. Ахир, армия ҳам ўзига хос ҳаёт мактаби-да.

— Мен ҳам армияга албатта бораман — дейди Бухоро шаҳридан ҳарбий хизматга чақириб тиббий кўрикдан ўтаётган Акмал Ҳожиев. — Акам йигитлик бурчини Хива шаҳрида ўтаб қайтди. Қўмондонларидан кўплаб миннатдорчилик хатлари олганмиз. Мен ҳам оиламиз юзини ерга қаратмайман.

Ҳа, йигитларда армияга бориш истаги кучли. Лекин ҳарбий хизматга ҳар томонлама соғлом йигитлар боради. Вилоят ҳокимлиги мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи подполковник Н.Ҳотамов биз билан суҳбатлашаётиб, эътиборни масаланинг айни шу жиҳатига тортди.

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан заҳирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ вилоятимизда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бу йил йигитларни тиббий кўрикдан ўтказиш масаласига эътибор оширилди. Негаки бўлтур кузда 23, баҳорда эса 7 нафар йигитларимиз соғлигидаги нуқсонлар туфайли хизматдан қайтиб келди. Ҳозир вилоят тиббий комиссияси таркибига малакали ҳакимларни жалб этиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида хона ажратдик. Бу эса у ёки бу чақирилувчининг ўз саломатлигига даҳлдор масалада эркин сўзлашувига имкон беради. Бундан ташқари йигитлар ҳарбий хизматга жўнаш куни такроран тиббий кўрикдан ўтказиляпти. Бу ҳам эътиборан четда қолган нуқсон ёки касалликни аниқлашда қўл келади деган фикрдамиз.

Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилоят ҳокимининг тегишли қарори ижроси бўйича Бухоро, Когон шаҳарлари ва Ромитан туманида яхши ишлар қилинмоқда. Аммо масалага совуққонлик билан қаралаётган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Масалан, Қоракўл, Вобкент, Шофиркон туманларида тиббий комиссиялар ишлайдиган хоналарни зарур жиҳозлар билан таъминлаш аҳволи ёмон. Хусусан, Шофирконда аҳвол ташвишли. Бу ерда тиббий асбоблар таъминоти 50 фоиз даражасида турибди. Йигитларнинг ҳарбий хизматга яроқлилигини аниқлаш, улар саломатлигини муҳофаза қилишга иккинчи даражали иш сифатида қараш мумкинми? Бу билан ўз фарзандларимиз соғлигига юзаки муносабатда бўлмаяпмизми?

Бошқарма бошлиғи ҳақ, албатта. Йигитларда армияга бориш истаги кучли. Шу боисдан баъзи чақирилувчилар ўз касалликларини яширишга уринишади. Бундай пайтда замонавий тиббий жиҳозга эҳтиёж катта. Қолаверса, Шофирконда тиббий комиссиядан ўтиб, вилоят чақирув пунктига келган йигит саломатлиги бўйича нуқсон топилса унинг шунча овора-ю сарсон бўлгани қолади.

Шу нуқтаи назардан тиббиёт ходимларининг фикр-мулоҳазалари кўпчилик, хусусан ота-оналар учун фойдалидир.

— Кузатувлар шуни кўрсатаяптики — дейди вилоят тиббий комиссияси жарроҳи, Бухоро шаҳар бош травматологи Шавкат Уринов, — аксарият ота-оналар фарзандининг соғлом ва бақувват, армияга яроғли бўлиб вояга етиши хусусида жиддий ўйлашмайди. Мана биргина мисол. Сифатсиз пойабзалда юриши оқибатида ўғил боланинг оёғи ясси бўлиб қолади. Гап стандартга мос бўлмаган оёқ кийими ҳақида бораяпти. Оқибатда уни муддатли эмас, муқобил хизматга жўнатишга тўғри келади. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Соғлом, чиниққан бўлиб, усиб-улғайишлари учун болаларга спорт билан мунтазам шуғулланишни маслаҳат берган бўлур эдим.

Нафақат бу, тўйимли, калорияли овқатланиш ҳам диққат-эътиборда туриши лозим. Вилоят ҳарбий хизматга чақирув пунктидан қайтарканмиз тиббий кўрикдан ўтаётган йигитларнинг навбатдаги гуруҳига кўзимиз тушди. Ва ҳарбийлар ҳамда тиббиёт соҳаси ходимларининг фикр-мулоҳазаларини эслаб, ён дафтарчамга "Армияга бориш истагининг ўзи камлик қилади, унга ҳар томонлама тайёр бўлиш керак" деган ёзувни қайд этдим.

Истам ИБРОҲИМОВ.
Бухоро



Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи асосан таълим-тарбия сифатини яхшилаш билан боғлиқ ишлар мажмуидан иборат. Бу ўз ўрнида мавжуд ўқув адабиётлари, қўлланмалар ва бошқа воситаларни талабга мос ҳолда янгилашни талаб этади. Шу боис ҳар бир чиқаётган янги дарслик ёки ўқув қўлланмаси аввало ўқитувчилар томонидан ўзгача бир қизиқиш билан қабул қилинмоқда, муҳокама этилиб, уни амалиётга татбиқ этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Пойтахтимиздаги Юнус Ражабий номидаги педагогика коллежи ўқитувчилари ҳам ўз йўналишларига доир иккинчи нашр маҳсулотларини фаоллик билан ўрганиб, уларни такомиллаштириш борасида таклифларни билдиришмоқда.

Yangi pedagogik texnologiyalar

"КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ"

Мамлакатимизда педагогик технологияларнинг назарий ва амалий йўналишлари кенг кўламда тадқиқ қилинмоқда. Бироқ, ҳали-ҳануз педагогик технологияларни ўқув-тарбиявий жараёнга жорий этиш механизми тўла шаклланди, дея айта олмаймиз. Ўқитувчилар орасида ҳали-ҳануз педагогик технология моҳиятини тушуниб етмаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Айниқса, фан мавзуси бўйича дидактик масалаларни аниқ белгилаб олиш, уларни ечиш учун технологияларни лойиҳалаш, аниқроғи, самарали дидактик жараённи қуриш муаммоларига оид билим ва зарурий кўникмалар етишмаяпти.

Технологик ёндашув асосида ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини қандай ташкил этмоқ керак? Педагогик технология "синф-дарс" тизими қонуниятлари асосида жорий қилинадими ёки уни инкор этадими? Педагогик технологиянинг амалиётга татбиқ этиш ташкилий асослари нимадан иборат? Бу саволларга жавоб топиш учун биринчи галда ҳозирги ҳолатни синчиклаб кузатиш тақозо этилади.

Бугун ўқув ишлари икки шаклда амалга оширилаётганлиги маълум. Улардан бири ялпи (фронтал) иш ҳисобланиб, ўқув вақтининг асосий қисмини эгаллаган ҳолда ўқитувчи синфга бирдай мурожаат қилади. Педагоглар оғирлик марказини фронтал ишлар шаклидан индивидуал шаклларига ўтказиш имкониятларини қидирмоқдалар. Бироқ, индивидуал ўқитиш шакли болалар қобилиятини, ўқишга мойиллигини ва қизиқишини илмий асосда аниқлаштиришни ва ҳисобга олишни тақозо этади. Афсуски, кўп ҳолларда бу вазифани оммавий мактаблар шароитида ҳал этиш анча мушкул кечмоқда. Бу ҳолатдан чиқишнинг муҳим омили жамоавий, аниқроғи, гуруҳий ўқув фаолиятини ташкил этишдан иборат. Бошқача айтганда, олимлар ўқув жараёнини қуйидагича қуришни таклиф этадилар: ўқитишнинг баъзи босқичларида болалар нафақат бевосита ўқитувчи билан, балки бир-бирлари билан мулоқотда бўлишни таъминлай оладиган, педагогик таъсир тўғридан-тўғри бўлмасдан, билвосита амалга ошадиган кичик гуруҳларда ишлаш технологияси жорий қилиниши лозим.

Кичик гуруҳларда ишлаш технологияси самарасини таъминловчи шарт-шароитлар билан танишайлик.

ГУРУҲНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Кичик гуруҳларда ишлашни ташкил этаётган ўқитувчи олдида биринчи галда гуруҳ таркиби масаласи туради. Психологик тадқиқотларда бу савол турлича ўрганилган: ўқувчиларнинг гуруҳдаги фаоллиги; таркиб билан ишлаш самараси; қатнашувчилар сонига боғлиқ ҳолда психологик муҳитнинг ўзгариши, гуруҳдаги ўқитувчи мавқеи инобатга олинади. Хуллас, тадқиқот натижаларига кўра, гуруҳ таркибининг мақбул сони — 5 кишидан иборат бўлиши эътироф этилди.

Гуруҳни саралашда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олиниши лозим: биринчидан, турли предмет бўйича гуруҳ тузилиши мумкинлиги ҳисобга олиниши зарур, аммо бир предмет чегарасида ҳам гуруҳ таркибини турғун сақлаш тавсия этилмайди. У алоҳида ўқувчиларнинг ҳаракатланишини ҳисобга олган ҳолда доимо ростланиб турилиши лозим.

Математика, физика, кимё, чет тили каби ўқув фанларидан "гомоген" гуруҳларни (бир хил даражали билим, кўникма ва малакага эга бўлган) тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу тамойил одатдаги мактаблар амалиётига зид келиши, "кучлилар" учун бирмунча қулай шароитлар туғдириши билан бирга кучсиз ўзлаштирувчилар учун руҳий жароҳат етказиши мумкиндек туюлади. Бироқ Тошкент шаҳрида ўтказилган тажриба-синов натижалари бу ҳолатни тўлиқ инкор этди. Таъкидландики, шундай тартибда ташкил этилган гуруҳий ишларда айнан кучсиз ўқувчиларнинг ўзлаштириши кўпаяди, бундай гуруҳлаш ўқув топшириқларнинг мураккаблик даражаси бўйича ҳар бир гуруҳ учун амалга оширилган шароитдагина эришилади.

Айни вақтда ҳамкорликда ишлаш учун ўқувчиларни саралашда муайян предмет бўйича турлича билимга эга бўлишидан ташқари ахборотлашганликни ҳисобга олмоқ лозим. Бу ўзаро маълумотларни алмашишга зарурий шароит туғдиради ва ўз навбатида аввал у ёки бу сабаб билан ўз тенгдошлари ўртасида танилмаган болаларга нисбатан муносабатларни яхшилашга олиб келади.

Ниҳоят, ўқув гуруҳини яхлитлашда ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Гуруҳларнинг иш давомида фаоллиги, якдиллиги ва бир бутунлигини таъминловчи шартлардан бири, уларни жойлаштириш масаласидир. Кузатишлардан маълумки, гуруҳ четида ўтирган ёки шунчаки танишлар даврасида ўтирганлар учун умумий гаплашувга қўшилиши қийин кечади. Психологлардан биринг кузатишича, ўқув гуруҳида бўш ўринларнинг мавжудлигига қарамасдан, марказий жойларни бирмунча қизиқиши юқори бўлганлар эгаллайдилар, қизиқишлари пастлари эса четга жойлашишга ҳаракат қилганлар.

Гуруҳ аъзоларининг фаоллигига жойлашишнинг алоҳидалиги ҳам таъсир кўрсатар экан. Масалан, бирмунча жонли алоқалар бир қаторда тизилиб ўтирганлардан кўра, бир-бири билан қарама-қарши ўтирганлар ўртасида кузатилди. Бирмунча фаол ўқувчиларнинг қаршисига кам фаолларини жойлаштириш ҳам улар ўртасидаги муносабатнинг кучайишига, иккинчисининг умумий мунозарага қўшилиши учун катта имконият яратади.

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг гуруҳда фазовий жойлашуви ҳам шахсий сифатларнинг шаклланишига, ўзларини намойиш қилишга кучли таъсир кўрсатар экан. Афсуски, амалиётда ўқитувчилар бу ҳолатни кўпинча эътиборга олишавермайди.

ГУРУҲДА ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ

Таркиби 5 кишидан иборат кичик гуруҳ учун ўз-ўзини бошқаришнинг ривожланган тизими бўлиши мумкин эмас, албатта. Гап бу ўринда бир сардор ҳақида кетяпти. Бироқ айтиш мумкинки, ўқув фаолиятини бевосита ташкил этиш соҳасида ўз-ўзини бошқаришнинг оқилона педагогик усули болаларни ташкиллаштиришнинг бирмунча самарали воситаси ва ўқитувчи учун энг қулай тарбиявий қурол ҳисобланади. Сардорни танлаш имкониятини гуруҳнинг ўзига қўйиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда педагог, албатта, ўқувчилар қандай мезонлар ёки сифатларга таянишини билиши зарур. Бу саволни психологлар ўрганишиб, қатор фаразларни таҳлил қилишди. Маълум бўлишича ўқувчилар:

— бирмунча оммабоп бўлган ўртоғини;

— ўқишда фаол бўлган;

— гуруҳий топшириқ ечими бўйича энг яхши таклиф келтирганни танлашар экан.

Гуруҳда ишлаш жараёнида сардорнинг билиши шарт бўлган вазифалар:

— биринчи босқичда муҳокама қилинаётган савол бўйича ахборотлар билан ўзаро алмашиш боради ва уни ечишнинг турлича йўллари таклиф этилади;

— иккинчи босқичда бу таклифларни баҳолаш амалга оширилади, илгари сурилган ғояларнинг моҳиятини англашга, уларни яхлитлаштиришга, бирмунча қулай бўлганларини топишга ёки энг яхшисини танлашга ҳаракат қилинади;

— учинчи босқичда ечим қабул қилинади;

.— ва, ниҳоят, уни бажаришга киришилади.

Маълумки, сардор сифатида сайланган ўқувчи ҳар доим ҳам ўз вазифасини ўқув жараёнининг барча босқичларида яхши уддалай олмаслиги мумкин. Шу боисдан гуруҳда ишлашнинг муҳим унсури — бу сардорнинг ўқув жараёнини бошқариш вақтида ўқитувчи билан методика, техника ва шахсий хулқ масалалари бўйича маслаҳатлашишни ташкил этиш ҳисобланади.

КИЧИК ГУРУҲДА ИШЛАШНИНГ ЎҚУВ ЖАРАЁНИДАГИ ЎРНИ

Кичик гуруҳларда ишлаш ўқув жараёнининг бошқа шаклларини сиқувга олмайди, инкор қилмайди. Бундан ташқари, гуруҳда ишлашни бир қадар кўпайтиришга зарар ҳам келтириши мумкин. Шу боисдан қуйидаги саволларга жавоб топиш керак бўлади: биринчидан, гуруҳда ишлаш умумий ўқув вақтининг қайси қисмини эгаллаши лозим; иккинчидан, ўқитишнинг қайси босқичида у бирмунча самарали бўлади: учинчидан, ундан турлича ёшдаги ўқувчиларни ўқитишда фойдаланиш мумкинми, ва ниҳоят, у барча ўқув предметларини ўқитишда қўл келадими? Бу саволларга қисқача жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Табиийки, гуруҳ ўқув фаолиятининг ўрни ва аҳамиятини баҳолаш мезонлари тажриба-синов йўли билан аниқланади, яъни унинг тарбиявий ва дидактик имкониятларини текшириш, ҳисобга олиш ва баҳолаш, унинг руҳий оқибатларини таҳлил қилиш, физиологик ва гигиеник жиҳатларини ўрганиш асосида якуний хулоса қилиш мумкин. Афсуски, бу соҳада республикамизда олиб борилаётган ишлар салмоғи катта эмас. Шу сабабли, баъзи бир хорижий давлатларнинг маълумотларини келтириш билан чегараланамиз.

Гуруҳда ишлашни ашаддий ҳимоя қилувчилар — Франция, АҚШ, Германия олимларининг ҳисобига кўра, бу умумий ўқув вақтининг 70—80 фоизини ташкил этиши лозим. Эстониялик академик Х.Й.Лиймест кичик гуруҳларда ишлаш бир кунда икки предметдан ташкил этилиши мумкинлигини, бу ўқувчиларнинг жиддий зўриқиши билан боғлиқлигини уқтиради. Бу борадаги фикрларнинг хилма-хиллигига қарамасдан, тадқиқотчилар кичик гуруҳда ишлаш ўқитишнинг фронтал ва индивидуал шакллари билан доимо алмашиниб туришини якдиллик билан эътироф этишади. Мисол учун, чет эл психологи Б.Блум узоқ вақт давомида Австралия мактабларининг ўрта ва юқори синф ўқувчилари билан ўқитишнинг турли шаклларини ўрганиш асосида қуйидагича хулоса қилади: "Билимларни бирмунча тезкор ва жадал етказиш шакли ўқитувчи маърузаси ва ҳикояси ҳисобланади, бироқ гуруҳда энг ёмон ташкил этилган мунозара ҳам предмет мазмунини ўқувчилар томонидан англаб олинишига катта имконият беради".

Ўқув жараёнини кичик гуруҳларда ташкил этиш, дарснинг барча босқичларида — янги материални баён қилишда, ўтилганларни мустаҳкамлашда, машқ бажаришда қўл келиши таъкидланади.

Кичик гуруҳларда ишлаш технологиясини дарснинг барча босқичларида қўллаш мумкин, деган фикрни ўқув предметларига ҳам кўчириш мумкин. Бироқ, бу ерда масаланинг жиддий ва нозик томонини қайд этиш лозим. Гуманитар предметлар — тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари, адабиёт, баъзи ҳолларда география ва биология фанлари — янги ўқув материалларининг катта қисмини ўрганиш учун кичик гуруҳда ўқишни ташкил этишга имкониятлар очиб беради. Айни вақтда математика, физика, кимё, чет тилларни ўрганишда ўқув материалининг асосий қисмини фронтал шаклида ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, гуруҳда ишлашни эса ўтилган дарсларни такрорлаш ва мустаҳкамлашда қўллангани маъқул.

Яна бир саволга — кичик гуруҳда ишлаш бир ёшдаги ўқувчилар билан яхши кечадими ёки у бошланғич синфда ҳам, юқори синфларда ҳам самаралими? — деган саволга жавоб қидирамиз. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, кичик гуруҳда ишлаш кичик ёшдаги болаларни ўқитишда ҳам, юқори синф ўқувчиларини ўқитишда ҳам бир хил даражада самарали бўлади. Бунда, табиийки, ўқитиш методлари жиддий ўзгаради — дидактик ўйинлардан тортиб, то мафкуравий, иқтисодий мавзуларнинг долзарб муаммоларигача янгиланиш юз беради.

"КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ" ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ДИДАКТИК БАҲОСИ

Педагог учун яна бир муҳим савол мавжуд: кичик гуруҳларда ишлаш сезиларли тарбиявий устиворлик касб этиши билан биргаликда ўқув фаолиятининг маҳсулдорлигини ва сифатини камайтирмайдими? Бошқача айтганда, унда қандай дидактик имкониятлар яширинган?

Фронтал ишлаш шароитида ўқув ахборотлари, асосан, ўқитувчи томонидан узатилиши юқорида таъкидланди. Бунда ўқув материаллари мазмуни ва узатиш усуллари ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда вариантланмайди. Демак, коммуникатив жараённинг бир томонлама бораётганлигини кўрсатиб беради. Ўзлаштириш сифатининг назорати ҳақида ўйлаётган бўлсангиз, у эпизодик тарзда айрим ҳоллардагина амалга оширилади. Бироқ, икки томонламали бу коммуникациянинг эпизодик шакли ўқувчига ўз хусусий фикрини билдиришга ва ривожлантиришга, ўз нуқтаи назарини асослашга имкон бермайди. Бундан ташқари, қайси ўқувчи билан мулоқот ўрнатиш ташаббуси ҳам ўқитувчида бўлади.

Ўқув ахборотларини ўзлаштириш самарадорлигининг муҳим шарти — бу жараёнга бўлган ўқувчидаги имконияти, мисол учун, ўз тенгқури билан муҳокамага киришиш, у ёки бу савол бўйича ўз мавқеини ҳимоялаш ва бошқа ҳолатлар. Бундай имкониятларни ўқувчиларга ўқув ишларининг фронтал шакли ҳам, индивидуал шакли ҳам бера олмайди. Бунинг учун бирмунча қулайи, кичик гуруҳда ишлашдир. Албатта, бу дегани гуруҳда ишлаш ўқув жараёнининг ягона шакли дегани эмас. Шу боисдан, мураккаб муаммо — бу фронтал ва индивидуал ўқитиш билан гуруҳли фаолиятни оқилона чоғиштириш ҳисобланади. Бу тезисни инобатга олган ҳолда гуруҳда ишлашнинг дидактик устиворлиги тўғрисидаги фикримизни давом эттирамиз. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги алоқани муваффақиятли бўлиши бир томонлама эмас, балки икки томонлама алоқанинг ўрнатилишига боғлиқ. Ўқувчидан ўқитувчига узатилаётган алоқалар аҳамияти ўзлаштирилган билимлар сони ва сифати ҳақидаги ахборотларни олиш билан чегараланмайди. У бошқа функцияни ҳам бажаради — ростловчи ҳаракатларни амалга оширишга кўмаклашади, яъни бир хил ўқув вақти фондида, бир хил шароитда нима учун ўзлаштириш даражалари турлича бўляпти, деган савол асосида ўқитувчи ўз хусусий педагогик фаолиятини тузатади. Айнан шунинг учун ўқув жараёни ҳар бир ўқувчининг ўқитишнинг алоҳида босқичларида нималарга эришганини доимо ҳисобга олиш билан амалга оширилади.

Кичик гуруҳда ишлашнинг тарбиявий аҳамияти ҳам сезиларлидир. Энг асосийси, ўқишга қизиқиш кескин ошади, ижобий муносабатлар шаклланади. Ўқувчиларнинг жавобларидан маълум бўлишича, бирор-бир ўқувчи доскада топшириқ бажараётган бўлса, қолганларининг учдан икки қисми бегона ишлар билан ёки ўзаро гаплашиш билан банд бўларкан. Иккинчи ўринда ўқитувчининг тушунтириши, учинчи ўринда — фронтал топшириқларни бажариш жараёнида ўқувчилар кўпроқ бепарволикка йўл қўйишар экан. Кичик гуруҳда ишлаш пайтида эса бор-йўғи 2,1 фоиз ўқувчиларнинг фикри чалғиши кузатилди.

Шундай қилиб, биз одатдаги мактаб тизими шароитида педагогик технологияларни жорий этишнинг гуруҳли ўқув фаолияти ҳақида фикр юритдик. Бироқ, янги технологияларни жорий этиш масаласида, яъни ҳар бир ўқувчининг билимларни ўзлаштириши учун қулай тизимни яратиш борасида қатор муаммолар мавжуд. Бундай тизим нафақат ялпи ўқув жараёнини технологик ёндашувга тўлиқ ўтишни, балки янги архитектуравий (меъморий) ечимни ҳам талаб этади. Гап шундаки, юз йиллардан бери мавжуд тўрт бурчакли синф хонаси бугун ўқувчи учун тиғиз ва ноқулай бўлиб қолмаяптимикан, деган саволни ўйлаб кўриш керак. Бу эса алоҳида мавзу.

Нурали САЙИДАҲМЕДОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Олий педагогика институти кафедра мудири, профессор

70 талаба ўтирган катта дарсхонага кириб, ўз руҳий ҳолатини билдирмай, шикоят қилмай, бу қадар жонли дарслар ўтиш учун кишида филларнинг кучи, буюкларнинг иродаси, сабр-бардоши бўлиши керак эди.

Гапнинг ростини айтганда, баъзи она тили ва адабиёти фани ўқитувчиларининг ўзлари ҳам иншо ёзишдан "чиқиб кетган".

СЎЗ ГЎЗАЛ, ИМЛО ГЎЗАЛ, МАВЗУ ГЎЗАЛ, МАЪНО ГЎЗАЛ

ёхуд яна иншо хусусида

Маълумки, она тили фани мактабда етакчи фанлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мактабда унинг алоҳида ўрни, салоҳияти, аҳамияти ва имкониятлари бор. Бу фикрлар такрор-такрор айтилган, айтилаяпти ва бундан кейин ҳам айтилиши, шубҳасиз. Бунинг сабаби кўпчилик ўқитувчиларимизга аён, албатта. Аёнлиги шундаки, мактабда айнан мана шу фан, мана шу дарс орқали саводхонликнинг катта қисмига тамал тоши қўйилади. Қолаверса, ўқувчи илк марта мактаб партасига ўтирганиданоқ (ҳозир "Алифбо" боғчада ҳам ўргатилаяпти) то мактабни битириш имтиҳонида иншо ёзиб Давлат имтиҳонидан ўтгунига қадар саводхонликка интилади. Бу давр оз вақт эмас, албатта. Лекин кўп ҳам дея олмаймиз. Нега? Чунки шу пайтгача саводхонлик соҳасидаги қўлга киритилган ютуқлар бизни у қадар қониқтирмайди. Давр, тузум, келажак биздан ўзининг мустақил фикрига, дунёқарашига, сўзига масъул бўла оладиган комил — етук ҳамда саводхон инсонларни етказиб беришимизни талаб қилаётганлигини ўйласак, масала яна ҳам ойдинлашади.

Юқорида таъкидланганидек, она тили дарсларига саводхонлик тамал тошининг катта қисми қўйилгани аниқ. Лекин бу ўринда шу нарсани ҳам унутмаслик лозимки, она тили дарслари фақат саводхонлик билангина чегараланиб қолмайди, балки ўқувчиларга тўғри ёзишни ўргатиш билан бирга билим, кўникма, одоб ва тарбия ҳам беради. Демак, она тили дарсларида доим ана шу мезон, ана шу тушунчалар асосида иш олиб бориш талаб қилинади.

Тўғри, сўнгги йилларда мактаб дарсликлари, дастурлар, ўқитиш соҳасидаги ишлар бирмунча ўзгарди. Бироқ она тили фанига қўйилган талаб ўша-ўша саводхонликдир.

Бу ўринда ўзбек тилидаги сўзлар ранг-баранглиги, хилма-хиллигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Чунки ўзбек тилидаги сўзларнинг 18-20 фоизини арабча, 8-10 фоизини форсча-тожикча, яна аллақанчасини русча-байналмилал сўзлар ташкил этишини инобатга олсак, афв, нақорат, ҳашарот, муғамбир, мутолаа, мудофаа, матбаа, татбиқ каби сўзларнинг айтилиши билан ёзилишидаги фарқ, хазина, халфа, халқ, ховонча, хока, хоҳиш; ҳайрат, ҳайъат, ҳалол, ҳаром, ҳасад, ҳижо, ҳожи, ҳотам сингари сўзлардаги фарқларни англаш қийинлиги, подшо — подшоҳ, мачит—масжид, набира—невара, баравар—баробар, бекитмоқ—беркитмоқ каби қўш шаклли сўзлар имлоси, таъна—тана, даъво—даво, саъва—сава, қалъа—қала, суръат—сурат кўринишидаги сўзлар ёзилиши ўқувчиларга бирмунча қийинлик туғдиради. Очиғини айтганда, бундай сўзлар имлосида аксарият ўқитувчиларимиз ҳам қийналадилар.

Шунингдек, гап ва жумлалар тузишда қаратқич ва қаралмишлар имлоси, қаратқич ва тушум келишигидаги қўшимчалар имлосидаги адашувлар, гапда сўзлар тартиби масаласи, синонимик воситаларни тўғри илғамаслик ёки қўшма сўзлар имлоси, бўғин кўчиришдаги камчиликлар ва бошқалар саводхонлик соҳасида қилиниши лозим бўлган ишлар ҳали кам эмаслигини кўрсатади.

* * *

Биз мақоланинг таг сарлавҳасини бежиз "Яна иншо хусусида" деб номламадик. Чунки юқорида таъкидланганидек, сўнгги йилларда иншога эътибор сусайди. Тўғри, мактаб дастурларида, битириш имтиҳонларида, туман, вилоят олимпиадаларида, ҳар хил кўрик-танловларда иншолар ўтказилиб турибди. Лекин бу иншолар ўз йўлига бўлиб, қониқарли даражада эмас. Ҳозир иншо гўё "ўгай соҳа"га ўтиб қолгандек. Бунинг сабаби, олий ўқув юртларига қабул жараёнидан иншонинг чиқариб ташланганлигидир. Бу эса ўзўзидан иншога бўлган муносабатни ўзгартириб юборди. Бу ҳол ўз навбатида ўқувчилардаги мустақил фикрлаш — янгича тафаккур, миллий дунёқараш, изланиш, ўзликни англаш, тарихга ижобий муносабат, ҳаёт ҳодисаларига танқидий қараш, табиатни асраб-авайлаш, келажакка илмий ёндашиш, ҳар бир янгиликка керагича муносабатда бўлиш, сўз, тил, бадиий тафаккур, маънавият масалаларига ҳозирги талаб нуқтаи назаридан ёндашувнинг сусайишига олиб келмоқдаки, бу ҳолат билан келишиб бўлмайди.

Тўғри, баъзилар нима ўзликни англаш, миллий дунёқараш, маънавият кабилар фақат иншога боғлиқ экан-да, бошқа фанларга алоқаси йўқми, дея эътироз билдиришлари ҳам мумкин. Йўқ, биз бундай фикрдан йироқмиз. Лекин айнан мана шу хислатларнинг ривожланишида, ўқувчилар онгида пишиб камол топишида иншонинг ҳам маълум ўрни, аҳамияти борлигини айтмоқчимиз, холос. Қолаверса, авваллари ўқувчилар иншо ёзиш жараёнида маълум бир тартиб, изчиллик, меъёр каби талаблар асосида иш кўришга жалб этиларди. Бу албатта, ўз натижасини берарди. Ҳозир айнан ана шу талаблар йўқ ҳисобида. Ана шунинг учун ҳам ўқувчиларимизда ёзма нутққа нисбатан лоқайдлик, масъулиятсизлик каби одатлар шаклланиб бормоқдаки, бунинг "мева"сини барчамиз татиб кўряпмиз.

Шу ўринда яна бир фикр: сўнгги пайтларда тайёрга айёр ўқувчиларнинг кўпайганлиги ҳам сир эмас. Бундай ўқувчилар бировлардан эшитади, телевизорни кўради, концерт-кинога тушиши мумкин, лекин китоб ўқимайди. Бунга нима дейсиз?! Китобни мутолаа қилмаган бола, сўз қадрига етмаган ўқувчи, жозиба сеҳрини ҳис қилмаган талабада луғат бойлиги бўладими? Бундай ўқувчиларнинг сўзларни тўғри ёзишига, жумлаларни тўғри тузишига, гапларни тўғри қуришига ким кафолат бера олади? Бизнингча, ҳеч ким! Чунки сўз бойлиги бўлмаган ўқувчининг ақалли битта ҳақиқий гап тузиши ҳам душвор. Сабаби, биринчидан, бундай ўқувчи, аввало, ўзига ишонмайди, иккинчидан, ишонса ҳам хато ёзади. Бу каби фикрларнинг қайта-қайта айтилишига сабаб шуки, болаларимизда китобхонликнинг ниҳоят даражада пасайиб кетганлигидир.

* * *

Барчамизга аёнки, иншо ёзиш ижодий жараёндир. Демак, иншони ёзиш осон кечмайди. Бу дегани махсус тайёргарликсиз иншо ёзиб бўлмайди. Бунинг учун, албатта керакли билим, малака ва кўникма зарур. Ўқувчи буларни мактабда олади, лекин юқорида таъкидланганидек, энг биринчи билимни уйда—оилада олишини ҳам унутмаслик зарур. Чунки бир қанча тажрибалардан маълумки, уйида кўп китоб ўқиган бола, иншо ёзишда қийналмайди. Ўқувчи мактабда иншо ёзиш техникаси, методикаси, назарияси билан яхши танишиб олса, ҳаётдаги кузатганлари, эшитганлари, ўқиганлари, дарслардаги тинглаганлари асосида керакли иншони ёза олиши мумкин. Яна шуни таъкидлаш жоизки, синфдаги болаларнинг билими, малакаси ва кўникмалари ҳар хил бўлади. Ўқитувчи ана шу "ғов"ни ҳам бартараф этиш чорасини топиши керак. Акс ҳолда кутилган натижага эришиб бўлмайди. Тўғри, барча ўқувчининг бирдек натижага эришуви — амалга ошмайдиган иш. Лекин ҳар бир ўқувчи ўзига яраша иншо ёзиш малакаси ва кўникмасига эга бўлиши керак-ку! Бошқача айтганда, ўқувчиларимизнинг ўз фикрларини тўғри, изчил баён қила олиши бизнинг пировард мақсадимиз. Яна ҳам очиқ-ойдин гапирадиган бўлсак, ҳар бир жанр услуби, ҳар бир ижодкор услуби бўлгани каби ҳар бир ўқувчи услуби борлигини ҳам унутмаслигимиз керакка ўхшайди.

Энди икки оғиз сўз она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари ҳақида. Гапнинг ростини айтганда, баъзи она тили ва адабиёти фани ўқитувчиларининг ўзлари ҳам иншо ёзишдан "чиқиб кетган". Ўзи иншо ёза олмайдиган ёки тўғри режа туза олмайдиган ўқитувчининг иншони тўғри текширишига, иншони тўғри таҳлил қилишига, тўғри баҳолай олишига, қолаверса, иншога мос тақриз ёзишига ким кафолат бера олади? Айни кунларда ана шулар ҳақида бош қотирмасак, эртага кеч бўлиши аниқ.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: хўш, энди нима бўлади? Иншо имтиҳон-синовлар таркибидан бутунлай чиқиб кетдими? Агар чиқариб ташланган бўлса, иншо хусусида гапириш ортиқча эмасми? Йўқ, ортиқча эмас! Чунки ҳалиҳозир иншо синови қабул имтиҳонларида амалда қўлланмаса-да, дастурларда, битириш имтиҳонларида, олимпиада ва ҳар хил кўрик-танловларда қўлланилаётганини унутмаслигимиз лозим. Қолаверса, мактаб ва ўқувчи, она тили ва адабиёт дарслари бор экан, иншо масаласи кун тартибидан тушмайди. Худди ана шу ҳолат бизга иншо ёздиришдай шарафли масъулиятдан "қочиш" учун изн бермаслигини асло унутмаслигимиз лозим. Худди ана шу ҳол бизни иншо ҳақида қайта-қайта ўй-фикрга толдиришини ҳам таъкидлаш жоиз. Чунки фақат иншо орқалигина ўқувчи ўзининг бутун салоҳиятини, билимини, дунёқарашини, бадиий-эстетик тафаккурини, саводхонлигию маданиятини намоён қила олади. Шунинг учун ҳам келгусида ўқувчилар учун янгича ишлаш, янгича фикрлаш, миллий тамойилларга мос, ўлчов-мезони замон талабларига тўғри келадиган, меъёрмаданият жиҳатидан кам бўлмаган андоза ўйлаб топиш зарурга ўхшайди.

Дарвоқе, яна бир фикр: иншо мавзулари ҳақида ҳам ўйлаб кўриш зарур. Чунки ҳозирги ёшлар — янги аср кишилари. Агар ҳар бир даврнинг ўз муаммолари, ўз "дард"лари бўлишини ҳисобга олсак, бу масала янада ойдинлашади. Қолаверса, замон — тузум — сиёсат ўзгарди, дастур, дарсликлар, бошқа адабиётлар ўзгарди, дунёқараш, тушунчалар ўзгаряпти. Бу ўз-ўзидан иншо мавзуларини ҳам ўзгартириш зарурлигини кун тартибига қўймоқда. Бу борада эркин мавзулардаги иншоларда ўзгариш кўпроқ бўлади, чамаси. Ҳозирги даврга мос маънавият ҳақида, ҳалол-ҳаром ҳақида, она ҳақида, Ватан ҳақида, тарих-ўтмиш ҳақида, тинчлик ҳақида, меҳнат ҳақида, одамийлик ҳақида, устозлар ҳақида, табиатни асраб-авайлаш ҳақида, илм ҳақида, тил ҳақида ва бошқалар хусусида қанча гапирсак, қанча ёзсак шунча оз. Лекин бундай мавзуларни ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилишдан аввал мавзуларнинг қизиқарлилиги, ўй-фикрга чорлаши, тарбиявий жиҳати ва мазмундорлиги устида бош қотиришимиз, албатта, зарур. Буларсиз мақсадга эришиб бўлмаслиги барчамизга маълум. Шунинг учун бутун куч-имконият ўқувчилар билими, дунёқараши, фикрлаш тарзини ривожлантиришга қаратилмоғи зарур. Зеро, болаларимизда саводхонлик маданияти, бадиий фикрлаш тарзи, гапда сўз ва сўз бирикмаларини ўз ўрнида қўллаш маҳорати, ўз фикрини мустақил ифодалаш санъати етишмас экан, бундай ўқувчиларни, умуман, етук, баркамол, келажак учун масъул бўла оладиган комил инсонлар сирасига қўша олмаймиз.

XXI аср ёшлари ҳар бир хатти-ҳаракати, интилиши, ўй-орзуси, фикрлаш тарзи билан турли жабҳаларда ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатидан замон эҳтиёжига, жаҳон андозалари талабига жавоб бера олишлари зарур ва даркор. Акс ҳолда барча ҳаракатларимизнинг самарасиз ёки зое кетганлигига амин бўламиз.

Бобомурод МУҲАММАДИЕВ,
Тошлоқ туманидаги
1-лицей-интернат она тили
ва адабиёти фани
ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси

САЛОМЛАШИШ ТАЪЛИМИ

Саломлашиш — инсонга хос маънавий белги. Саломлашиш дейилганда кишининг "ассалому алайкум" дея табассум билан қўл бериб дилдан кўришмоғи тушунилади. Айрим замонасозлар, (хамелеон) ўзи ҳурмат қилган кишисига икки қўлини узатиб қуюқ сўрашиб саломлашади, ҳурмат қилмаган кишисига эса фақат бир қўлини чўзиб ёки бармоқ учинигина бериб ёхуд умуман тескари қараб ўтиб кетишга ҳаракат қилади. Замонасознинг бундай хатти-ҳаракати ҳамманинг кўзи ўнгида намоён бўлади ва у бу билан кимнидир ҳақоратласа, кимнингдир асабига тегади. Ҳақоратланган ва ранжитилган кишида ички кайфият қўзғалиб, замонасозга нисбатан худди шундай балки ундан ҳам бир неча чандон ошириб жавоб қилиш фикри туғилади.

Саломлашиш — имон кўрсаткичи. Киши имонли бўлса, Пайғамбаримиз с.а.в. тавсия этганларидек, яъни у барча билан бир тарзда — икки қўлини узатиб кўришади. Кўришаётганида кишиларни яхши ва ёмонга ажратмайди. Бир-бирлари билан астойдил саломлашган кишиларнинг кўнгли кўтарилади. Руҳи тетиклашади, соғлиги ҳам яхшиланади.

Экстрасенс даволовчиларнинг тасдиқлашларича, кишилар ўзаро кўришганларида бир-бирларидан қувват олишар эканлар.

Кўришаётган вақтда кимларгадир бир қўлини бериб, кимларгадир икки қўлини чўзиб саломлашадиган, дилида кишиларга бири ўпоқ, бири сўпоқ дея баҳо бериб, кўнглини шайтоний фикр эгаллаб турган одамлар имони суст кишилардир. Бундай кишиларнинг сиз билан сўрашишининг ўзида кўнглингизда алланечук ёмон ҳис туясиз, вақтингизни йўқотасиз.

Кўришганда ҳамма билан бир хил — қўл бериб очиқ юз билан саломлашадиганлар имони бутун кишилар бўлиб, уларнинг сўрашишларидан кўнглингиз равшан тортади, дилингиз қувнаб, қувватингизга қувват қўшилади.

Киши имон билан астойдил сўрашишганининг ўзида намоз савобини топиши мумкин экан. Пайғамбаримиз с.а.в. ҳадисларида бу ҳақда шундай дейилади: агар киши имон билан дилдан бир марта "ассалому алайкум" деб кўришса ўнта савобга эришар экан, "ассалому алайкум ва раҳматуллох" деб кўришса, йигирмата савоб ва "ассалому алайкум ва раҳматуллох ва баракотуҳ" деб кўришса ўттизта савобга эришар экан. Ваҳоланки, банда беш маротаба бенуқсон ва якка ўзи ўқиган намози учун эллик савобга эришар экан.

Саломлашиш иймон кўрсаткичи экан бундан буён ўзаро бир-бирларимиз билан кўришганимизда самимийлигимизни йўқотмасликка ҳаракат қилайлик.

Иброҳим ОДИЛ ўғли

Esdaliklar

МУАЛЛИМ ВА УСТОЗЛАРИМ

Қадимда илм талабгорлари аввал ўз шаҳрининг муаллимларидан сабоқ олиб, ортиқ илмини кенгайтиришга қодир ўқитувчилар қолмагандай кўринса, бошқа шаҳар, бошқа мамлакатларга кетардилар ва у ерларнинг номи чиққан олимларидан таҳсил олардилар. Бунга Имом Бухорий, Замахшарий, Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Жомий, Навоий каби улуғларимизнинг ҳаёт йўллари мисол бўла олади.

Бизнинг манглайимизга ундай замонлар ва ундай имконлар битмади. Биз ўз шаҳримизда бори билан қаноатланишга мажбур бўлдик. Биринчидан, миллий камситиш сиёсати, иккинчидан, моддий имконсизлик йўлимизни кесарди. Бизда фақат минглар, миллионларнинг бири Москва, Киев, Боку каби беш-ўн шаҳарларга бориб, билимларини кенгайтирарди.

Аммо бу бизнинг Тошкентимизда инсон шахсини шакллантиришга қурби етадиган олимлар йўқ эди, деган маънони билдирмайди. Тошкентда ҳам юзларча олимлар, жаҳон илм-фанига катта ҳисса қўшган ва қўшаётган алломалар етарлича бор эди. Геология соҳасида Ҳабиб Абдуллаев ва Иброҳим Ҳамробоев, биология ва тиббиёт соҳасида Восит Воҳидов ва Ёлқин Турақулов, тарих ва қадимшунослиқда Яҳё Ғуломов ва Ҳамид Зиёев, фалсафа ва ҳуқуқ соҳасида Иброҳим Муминов ва Отахон Эшонов, адабиётшунослик соҳасида Ойбек ва Шайхзода кабилар гуриллаб фаолият кўрсатардилар. Аммо улардан таълим олиш ҳаммага ҳам насиб қилавермасди.

Мен муаллим ва устозлар борасида ўз тақдиримдан нолимасам бўлади. Менга зукко ва оқил домлалар учради ва улар ҳаётимда унутилмас из қолдиришди.

Тошкент Давлат университети (ҳозирги Узбекистон Миллий университети)да 1953-58 йилларда таҳсил олдим. 17 ёшли зеҳнимда антик адабиёт мударриси Фозила Сулаймонованинг сабоқлари ва дарс ўтиш тарзи муҳрланиб қолган.

Фозила опа жуда жиддий, айни чоғда, самимий, кулар юзли, қалби яхшиликка очиқ, фидойилиги шундоқ кўриниб турадиган аёл бўлиб, билим доираси шу қадар кенг, ҳофизаси шу қадар кучли эдики, шунчалик ёш — тахминан 25-26 яшар бир жувоннинг бунча билимларни қачон ва қандай эгаллаганига ақл бовар қилмасди. Гомер, Гесиод, Сапфо, Эсхил, Софокл, Эврипид асарларидан қанчадан-қанча парчаларни ёддан айтиб берар, уларни шу кунги замон воқеаларини эслатувчи йўллар билан шундай талқин қилардики, одам ҳайратларга қўмилиб кетарди. Опанинг дарсларида бирон талабанинг хаёли бошқа нарсага алаҳсиганини ёки гаплашиб ўтирганини эсламайман. Бир дафъа (иккинчи курсмиди ё иккинчи семестрми, ёдимда йўқ) опа Франсуа Рабленинг "Гаргантюа ва Пантагрюэл" асарини ўтганда, ундаги лофлар, қизиқ ҳангомаларни шундай жонлантириб айтиб бергандики, бутун аудиторияни қаҳқаҳа босиб кетганди, опа ўзи ҳам қўшилишиб кулар, йигитлар кўзларидан ёш чиқиб кетгунча қорнини ушлаб қотиб қолишганди. Биз опанинг ҳаёти жуда хушчақчақ ўтса керак, деб ўйлардик. Энди-энди мундоқ ўйлаб қарасам, биз домлаларимизнинг ҳаёти билан ҳеч қизиқмаган эканмиз. Ҳолбуки, опанинг бошида у кунларда қанчадан-қанча фожеий воқеалар ўтиб турган экан. Опанинг эри — буюк олим Ҳамид Сулаймонов туҳматга учраб қамалган, опанинг сафдошлари — бошқа домлалар ўзига осилишаётган, куллиётдан четлатиш учун унинг устидан хатбозликлар қилиб ётишган, баъзи бировлар унга, юмшоқ қилиб айтганда, университетдан ўз ихтиёри билан тинчгина кетишни маслаҳат қилаётган қора кунлар экан. Шундай вақтларда 70 талаба ўтирган катта дарсхонага кириб, ўз руҳий ҳолатини билдирмай, шикоят қилмай, бу қадар жонли дарслар ўтиш учун кишида филларнинг кучи, буюкларнинг иродаси, сабр-бардоши бўлиши керак эди.

Дарвоқе, Ҳамид Сулаймонов ҳақида...

Бизга ўзбек классик адабиётидан Натан Муродович Маллаев дарс берганди. Маллаев ўзини жуда эгаллаб бўлмайдиган қоядай тутар, дарсларни ўта жиддий тарзда, танбеҳона оҳангларда ўтар эди. Чунончи, Навоийдан ҳам шу домла дарс берганди. Домлага ҳурматимни унутмаган ва таъкидлаган ҳолда, тўғрисини айтишим керак: у киши Навоийнинг таржимаи ҳоли, асарларининг қисқача мазмуни, баъзи форс адабиёти намуналари билан фарқлари ҳақида ҳар қалай тўғри маълумотлар берган. Аммо дарслари тадқиқдан ҳам кўра кўпроқ ахборот йўналишида бўлар эди. Навоий даҳосининг нақадар буюклиги, ўзбек миллати учун қилган мангу унутилмас меҳнати ҳиссасини яхши очиб берган, деёлмайман. Асарлардаги адабий замонавийлик — фалсафасининг ҳамма даврлар билан ҳамнафаслиги, дунёнинг қурилишидан тортиб, сиёсат ва иқтисодиёт соҳасидаги қарашларигача, миллий-ғоявий майдонда олиб борган курашлари, лирикада у эгаллаган чўққиларнинг моҳияти ва ҳоказолар ҳақида бирон эсда қоладиган фикр айтгани эсимда йўқ.

Навоий даҳосини бизга биринчи бўлиб сўз санъати соҳасида Ойбек, илмий дунёда Ҳамид Сулаймонов кўрсатиб бердилар.

Ҳамид Сулаймонов "Хазойин ул-маоний"нинг танқидий матнини 1959 йилда нашр эттиргани ва уни сўзбоши, турли кўрсаткичлар билан жаҳондаги нусхалардан олинган суратлар билан таъминлагани Навоий деб аталган буюк қоянинг салобатини бутун бўй-басти билан кўрсатиб берди. Навоий лирикасининг моҳиятини биз ана шу нашрдан, кейинчалик эса Шайхзоданинг "Назм мулкининг султони" номли мақолалар туркумидан ўргандик ва Навоий оламига кириб бордик.

Узбекистон тарихидан бизга Раззоқов фамилияли бир домла дарс берарди. Дарҳол эслатиб ўтишим керакки, у пайтларда бу фанни Узбекистон тарихи деб бўлмасди, Узбекистон халқлари тарихи дейиларди... Бу, фақат сизнинг тарихингиз эмас, бу ердаги барча катта-кичик миллатларнинг ҳам тарихи, билиб қўйинг, тарихни ўрганиб, тағин ғурурланиб кетманг, демоқчи бўлишарди...

Раззоқов домланинг бўйи ўртадан сал пастроқ, кўпинча енглари кенг, каштали оқ жужун кўйлак кийиб юрарди. У кишининг дарслари тафаккур жиҳатидан қанчалик чуқур бўлганини яхши эсломайман, аммо унинг миллий ғурур билан "тўйинган" ўзбекона қарашлари ҳаммамизда ёқимли ҳиссиётлар уйғотар, домла ҳар қалай ҳурматимизни, муҳаббатимизни қозонган эди.

Чунончи, у дарслардан бирини шундай тугатар эди:

— Форслар Тумарис ва Широқ замонларида юртимизга бостириб келишди. Енгишолмади. Уруш йўли билан ололмай, тинч йўл билан олишни ҳам мўлжалладилар. Неча бора юртимизга кўчиб келиб, уйли-жойли бўлиб қолиб кетишди. Тилимизни ўзгартирмоқчи бўлдилар. Аммо бунинг иложи бўлмади. Улар, бир туркка форсча ўргатгунча форснинг ўзи турк бўлиб кетади, дейдилар. — Домла шундай дея жилмаяр ва жужун кўйлагининг кенг енгларини шимариб: — Хуллас, Туронга келган форслар турклашиб ассимиляция бўлиб кетишди, ўзбек миллатининг таркиби бошқа миллат ҳисобига бойиди, — дея аудиторияга белини ушлаб қараб қўярди.

Навбатдаги дарсда македонияли Искандар жангномаларини ўтиб бўлгач, гапининг охирини яна ўша оҳангда тугалларди:

— Искандар юртимизни истило қилди, ноибларини қолдирди, қанчадан-қанча юртдошларини бизга ҳоким қилиб қўйди. Орадан бир аср ҳам ўтмай, юртимизда ўрнашиб қолиб кетган бу юнонлар тилларини йўқотиб, турклашиб кетдилар. — Домла яна жужун кўйлакнинг кенг енгларини шимарарди ва: — Шундай қилиб, юртимизга келиб кетган румликлар ўз тилларини йўқотдилар, миллатимиз ичида ассимиляция бўлиб кетдилар. Ўзбек халқи таркибига яна бир миллат сингиб кетди, — дер эди.

Араблар босқинини ўтганимизда ҳам домланинг енги шимарилган ва у киши: — Араблар ўзбек халқи таркибига сингиб кетди, — деб қўйишни унутмаганди. Шу тариқа навбатдаги дарсда мўғулларнинг ҳам турклашиб, мусулмонлашиб кетганидан хабардор бўлдик.

— Аммо, — дер эди Раззоқов домла, — бу ҳодисалар сиёсат орқали, зўрлик билан амалга оширилгани йўқ, бизнинг халқимиз зўравонликни хушламайдиган, демократ халқ. Биз бирорта миллатни бизнинг тилимизда гапирасан, деб зўрлаган эмасмиз. Ассимиляция ўз-ўзидан, табиий равишда юз берганди.

Биз эса: "Ҳозиргилар ҳам, худо хоҳласа, ўзбеклашиб кетади" деб ўйлар эдик ўзимизча.

Мен ўз устозларим ва муаллимларимдан айримларинигина ёдга олдим. Омонлик бўлса, вақти-соати билан бошқа домлаларим ҳақида ҳам суҳбатлашармиз.

Миразиз АЪЗАМ

Биз дарсларда ана шундай гўзал намуналарга бот-бот мурожаат этишимиз, "булбул кўнин шеърга сола оладиган" тилимизнинг имкониятларини кўрсата олишимиз зарур.

Табиатни аждодларимиздан меросга эмас, балки авлодларимиздан қарзга олганлигимизни ҳеч қачон ёддан чиқармайлик.

Qonun va fuqaro

КАСАБА УЮШМАЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

(27-мақола)

Тилимизда "местком", "профком" тушунчаларига айланиб кетган касаба уюшмалари ҳам шунчаки бир оддий тузилма бўлмай, муайян тартиб-қоидаларга, ташкилий бирликка эга бўлган, юқори номдаги қонун билан ҳуқуқий тартибга солинадиган ташкилотдир.

Қонун **1992 йил 2 июл**да қабул қилинган бўлиб, у уч боб, 22 моддадан иборат. Қонунга кўра, **касаба уюшмаси** кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, ноишлаб чиқариш соҳасида ҳам ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бирлашма ҳисобланади. Касаба уюшмаси юридик шахс бўлиб, у ўз уставига мувофиқ иш юритади. Мулк ҳуқуқи асосида ўзига қарашли бўлган мол-мулкка ва пулларга эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Улар давлат, хўжалик ва бошқа жамоат ташкилотларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар. Ўз навбатида ушбу тузилмалар ҳам касаба уюшмаларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмаслар. Касаба уюшмалари ўз уставида белгиланган мақсад ва вазифаларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга, касаба уюшмаларининг банкларини, суғурта ва акциядорлик жамиятларини, қўшма корхоналарни тузишга, ноширлик фаолияти билан шуғулланишга, турли фондлар тузишга ҳақлидирлар.

Касаба уюшмаларига **бирлашиш** корхона, муассаса, ташкилот ходимларининг ихтиёрий хоҳишига асосланади. Касаба уюшмалари мустақил ташкилот ҳисобланиб, уларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ёки шу ҳуқуқларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қиладиган ҳар қандай аралашув ман этилади. Энг муҳими, фуқароларнинг касаба уюшмаларига аъзо ёки аъзо эмаслиги уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига сабаб бўлмайди. Касаба уюшмаларининг бошқа ташкилотлардан яна бир фарқи — унинг фаолиятини тўхтатиш ёки таъқиқлаш асосидадир. Қонунга кўра, касаба уюшмалари фаолиятини тўхтатиш унинг аъзолари қарори асосида; фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид бўлган ҳолларда бу фаолият Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарори билан таъқиқланиши мумкин.

Қонуннинг 2-боби тўлалигича касаба уюшмаларининг асосий ҳуқуқларига бағишланган бўлиб, улардан касаба уюшмаларининг Қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишдаги, меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасидаги, маъмурият билан жамоа шартномалари тузиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш, ходимларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш соҳасидаги, меҳнат низоларини кўриб чиқишдаги ҳуқуқлари алоҳида диққатга сазовордир. Ҳаттоки, касаба уюшмалари Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда аҳолининг кўчиб юриши, иш билан таъминланиши, меҳнат, нарх-наво белгилаш ва ижтимоий таъминот масалаларига оид давлатлараро битим тузилишида, депутатликка номзодлар кўрсатилишида, сайлов мавсумида уларни қўллаб-қувватлашда иштирок этишлари мумкин.

3-бобда касаба уюшмалари ҳуқуқларининг кафолатлари нормаланиб, унда жумладан, давлат ва хўжалик идораларининг маъмурияти, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига риоя этишлари, уларнинг фаолият кўрсатишларига кўмаклашишлари лозимлиги белгиланган. Шунингдек, корхона маъмурияти касаба уюшмаларига уларнинг фаолияти учун жиҳозланган биноларни фойдаланишга текинга бериши, дам олиш масканлари, болалар оромгоҳларини бепул фойдаланиш учун бериши, жамоа шартномасида белгиланган мақсадлар учун қонунларда белгилаб қўйилган миқдорда маблағ ўтказиши лозимлиги нормаланган.

Миродил БАРАТОВ

КИТОБ МЕНИНГ ДЎСТИМСАН!

Яқин кунларгача радио ва телевидениеда мунтазам тарзда "Китоб менинг дўстимсан" деб номланган, оммабоп болалар қўшиғи янграр эди. Ҳозир эса бу қўшиқ аҳён-аҳёнда эшитилиб қолади, холос.

Афсуслар билан таъкидлаш керакки, бугун китобни ўзига дўст деб ҳисобловчи болалар сони камайиб бораётганлигини кузатамиз.

Ҳамза туманидаги 198-мактаб директори Малоҳат Узоқова ва бошқа ўқитувчилар эса китобни севишади деб хулоса қилиш мумкин. Уларнинг устозлик йўлидаги заҳматли меҳнатлари туфайли у ерда китобга ўқувчи маънавиятини ўстириш билан бирга уларнинг тафаккурини ҳам ривожлантирувчи манба сифатида қаралади. Бу ерда мактаб кутубхонаси тўла фаоллик билан ишлайди дейиш мумкин.

Яқинда мактабда, ёзувчилар, шоирлар ва журналистлар билан "Китоб менинг дўстимсан!" мавзусида учрашув кечаси бўлиб ўтди. Учрашув меҳмонлари Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев, "Фан" нашриёти директори, филология фанлари номзоди Наримон Ҳотамов, "Учитель Узбекистана" газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Долимов, "Синфдош" журнали бош муҳаррири Азиз Саид, Қарши туманидаги академик лицей директори, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Амир Худойбердиевлар бўлишди.

Учрашув аввалида ўқувчилар бадиий сўз санъатига, адабиётга меҳр ва қалб сўзларини баён этишди. Шундан сўнг ўқувчилар саҳнада мумтоз ва замонавий куй-қўшиқларни намойиш этишди.

Ижродан завқ олган меҳмонлар ўқувчиларга ўз миннатдорчиликларини билдирар эканлар, уларга ўқишларида муваффақият тилаб, юрт тараққиётини мустаҳкамлаш учун муносиб ҳисса қўшишларига ишонч билдирдилар.

Учрашув сўнгида меҳмонлар мактаб кутубхонасига ўзбек ва рус тилларидаги бадиий, илмий китоблар ва альманах журналларни тақдим этишди.

МУХБИРИМИЗ

ЎҚУВ КУРСЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Бостон Университетининг Оммавий соғлиқни сақлаш факультети ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти(ЖССТ) Европа бюросининг доришунослик ҳамда мазкур ташкилотнинг асосий дорилар, дори маҳсулотлари сиёсати Департаменти, пойтахтимиздаги ЗдравПлюс (ЮСАИД) ташкилотининг ҳамкорликдаги дастурлари асосида 27 октябрдан 8 ноябргача Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида оммавий соғлиқни сақлаш, тиббиёт ва турдош мутахассисликлар соҳасида таълим бериш, касб тайёргарлиги андозаларини юксалтириш мақсадида курслар очилди. Шу муносабат билан ЗдравПлюс (ЮСАИД) ташкилотининг мажлислар залида "Ўтиш даврида давлатларнинг дори маҳсулотлари сиёсатига оид саволлар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда ЗдравПлюс Соғлиқни Сақлаш Маркетинг бўлими менеджери А.Ибрагимов, доришунос, тиббиёт фанлари номзоди Т.Нургожин, ЗдравПлюс ташкилотининг соғлиқни сақлаш лойиҳаси координатори А.Жаъфаров ва журналистлар иштирок этдилар.

Мазкур ўқув курсига ЖССТнинг консультантлари, Швейцария, Дания, АҚШ ва бошқа мамлакатлардан профессорлар, мутахассислар таклиф этилган. Ўқув курсларига эса Женева, Копенгаген, Индонезия, Австралия ва АҚШ университетлари профессорлари раҳбарлик қиладилар, ўз мамлакатларида доришунослик соҳасида амалга оширилган ва оширилаётган ислоҳотлар, тажрибалар тўғрисида маърузалар ўқийдилар. Ўқув курсларида дориларнинг сотувдаги нархи, уларнинг сифати, доришуносликдаги мавжуд муаммолар тўғрисида фикрлар алмашилади ва уларнинг ечими изланади.

Доришунос, тиббиёт фанлари номзоди Талгат Нургожин жумладан шундай дейди:

— Биологик, фармацевтик маҳсулотлар, шунингдек, диагностика қоидаларини Ўзбекистонда татбиқ этишда ЖССТнинг тажрибаларидан фойдаланилади. Мазкур дастурни амалга ошириш учун 20 та давлат вакиллари иштирок этиши кутилмоқда.

Марказий Осиё давлатларида бўлиб ўтаётган умумий овқатланишни, турар-жой ва санитария, тозалик шароитларини, инсон тозалик муҳитига оид ўзга жиҳатларни яхшилаш, эпидемия, бошқа касалликларнинг олдини олиш ва назорат қилиб бориш бўйича фаолиятни рағбатлантириш ва тараққий эттиришга бағишланган ўқув курслари Ўзбекистонда якунлангач, унинг кейинги босқичлари Хитойда бўлиб ўтади.

Райҳон ХОЛМУРОДОВА, "Ma'rifat" мухбири

Teran tomirlar

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ИБТИДОСИ

Бизнинг шонли ва улуғ тарихимиз бор. Бу тарих кўп муаммоларни тўғри тушуниш ва ечиш имкониятларини беради. Мен ёш фуқаро, бўлажак тарихчи сифатида ўтмишимиздан фуқаролик жамияти ибтидосига доир изланишлар олиб боришга аҳд қилдим.

Соҳибқирон бобокалонимизнинг "Темур тузуклари", Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи" каби асарларида фуқаролик жамиятининг ўз даврига хос асослари баён қилинган. Маълумки, фуқаролик жамиятининг асосий устуни — одамларнинг жамиятда ижтимоий фаоллиги ҳисобланади. Кузатувлар чоғида Темурийлар даврида бунинг юксак намуналарини учратдим. Мисол учун, Амир Темур давлатининг ижтимоий қурилмасини 12 табақа ташкил қилган. Шуниси эътиборлики, бу 12 табақа кишилари ўз касб-кори, мавқеи ҳамда вазифаларига эга. Бу қонун даражасида қатъий белгилаб қўйилган. Ҳар бир киши ўз вазифасини аниқ ва пухта бажаради, қонун устуворлик қилади, унга барча бирдек бўйсунади. Натижада жамиятда беқарорлик юзага келмайди. Биз тарихимиздаги бу яхши анъананинг умрбоқийлигини бугунга келиб ҳам гувоҳи бўлиб турибмиз.

Фуқаролик жамиятининг яна бир хусусияти унда инсон ҳуқуқларининг устуворлиги. Темурийлар давлатида бу масала ҳам ўз ечимини топган. Бу борада икки турдаги суд тизими ташкил қилинган. Бири "раият қозилиги" деб аталиб, у одамларнинг хўжалик ва маиший турмуш тарзига оид ишлари тартибга солган. Унга ҳар бир фуқаро ўз муаммоси юзасидан мурожаат қилган. Иккинчиси "шариат ишлари қозилиги" деб номланган бўлиб, уни Шайхулислом бошқарган. Шариат ишлари қозилиги диний ишларнинг тўғри бажарилиши ва фуқароларнинг унга доир мурожаатларини тартибга солган.

Бу икки суд тизими шаклан бизнинг икки тузилмада бўлиниб фаолият кўрсатаётган бугунги суд тизимимизга: фуқаролик ишлари ва жиноят ишлари судига ўхшаб кетади. Менимча, тарихимиз ва ҳозирги замонамиз суд тизимидаги бу уйғунлик бизнинг тараққиётда тўғри йўлдан бораётганлигимизни билдиради. Демак, суд-ҳуқуқ органлари ислоҳотида ҳам бу борадаги тарихий тажрибаларни чуқур ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

Фуқаролик жамиятининг яна бир жиҳати — кишиларнинг хусусий мулкка эга бўлиши ҳисобланади. Темурийлар давлатида бу масала ҳам эътиборли даражада ҳал қилинган. Унга кўра, вояга етган ҳар бир киши (14 ёшдан кейин) турар жойга, эҳтиёжи учун турли мол-мулкка, уни кўпайтириш ҳуқуқига эга бўлган. Мулк унга ота-она, яқин қариндош, ҳомий ва ворислар томонидан тортиқ қилинган. Етарли даражадаги ер давлат ёки ер эгасидан сотиб олинган. "Темур тузуклари"да ишора қилинишича, ҳунармандлар ва косиблар мулкидан мол-мулк солиғи олинмаган.

Темурийлар давлатида хусусий мулк кўпроқ вақфлар ҳисобига ривожлангани кўзга ташланади. Бадавлат кишилар ва ўғил фарзанди бўлмаганлар кўчмас мулкларини яқин кишиларига, масжид ва мадрасаларга вақф қилиб қолдирганлар. Вақф мулклари ҳеч қандай мол-мулки бўлмаганларга, ёшлар ва аҳолининг кам таъминланган табақаларига оқсоқоллар томонидан хусусий мулк сифатида тақсимланган. Натижада, ҳар бир кишининг турмуш кечириш манбаи, янгичасига айтадиган бўлсак, ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусий мулкдорликни қўллаб-қувватлаш амалга оширилган. Бу ҳол жамиятнинг иқтисодий жиҳатдан фаровонлигига ёрдам берган.

Фуқаролик жамиятининг яна бир хусусияти одамларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши ҳисобланади. Бу масала ҳам тарихимизда ўз ечимини топган. Мисол тариқасида, Темурийлар давлатида Амир Темур ташкил қилган Қурултой амалда бўлган. Қурултой мунтазам равишда чақирилган. Унда давлат аҳамиятига молик муҳим масалалар кўриб чиқилган. Қурултойда оддий кишилар тоифасидан тортиб, мансабдор шахсларгача қатнашган. "Темур тузуклари"да ана шундай Қурултойлардан 20 таси ҳақида маълумот берилган бўлиб, уларда вилоятлардан (ҳудудлардан) вакиллар қатнашганлиги таъкидланган.

Қурултой бугунги Парламент институтига ўхшайди. Чунки Қурултойда қабул қилинган қарорлар ҳар бир киши ва давлат учун мажбурий кучга эга бўлган.

Шундай қилиб, миллий тарихимизда фуқаролик жамиятининг манбалари анчагина. Бундай тажрибаларни ўқиб-ўрганишимиз ва кези келганда ўринли фойдаланишимиз лозим.

Қобил ТЎЛАГАНОВ, Тошкент Давлат педагогика университети талабаси

ХАТОЛАРИ САБОҚ, ЮТУҚЛАРИ ИБРАТ БЎЛСИН!

Ta'kid

Табиат — ҳаёт бешиги, жамият бойлиги. Уни муҳофаза қилиш, кўз қорачиғидек асраш, бунинг учун бор имкониятларни ишга солиш ҳар томонлама соғлом келажакни яратишдек олий мақсадимизнинг негизидир.

Халқимизда офатнинг тури кўп, аммо уларнинг ичида энг хавфлиси лоқайдлик, деган нақл бор. Бу бежизга айтилмаган. Зеро, мана шу лоқайдлик туфайли инсоният неча дардларга мубтало бўлди ва бўлишда давом этаяпти. Машҳур олим К. Циолковскийнинг "Инсоннинг табиат ишларига аралашуви охир-оқибат кулфат келтирди. Бунинг натижасида Ер сайёраси тезлик билан кексайиб бораяпти" деган сўзларида қанчалик теран ҳақиқат бор.

Ҳозирги кунда яшил бойликларимиз йилдан-йилга эмас, балки, ўта тезкор даражада—дақиқаю соатлар сайин камайиб бораяпти. Экологик фожеалар ҳақида қайта-қайта гапириш бефойда. Имкон қадар экологияга доир жиноятларнинг олдини олиш зарур. Акс ҳолда, дарёларимизни қуришдан, бир кун келиб инсоният учун энг зарур нарсаларни ҳам "Қизил китоб"га кириб қолишдан асраб қололмаймиз.

Халқимиз орасида табиат билан боғлиқ хилма-хил урф-одат ва расм-русумлар мавжуд. Улар ҳаёт сабоғи, кучли тарбия воситаси саналади. Қадимги маънавий меросимиз, анъана ва урф-одатларимиз бўлмаганда, шу кунгача мавжуд бўлган табиатга нисбатан эҳтиромимиз шаклланмас, гўзал табиий бойликларимиз сақланиб қолинмас эди. Дарвоқе, илдизсиз дарахт бўлмайди. Дарахт қанча томир отса, у шунча гуллаб-яшнайди, барқ уриб ўсади.

Мен ҳам табиатни севаман! Унинг зилол сувларию муқаддас гўзалликларидан баҳра олар эканман, ушбу ғаройиботни йўқотиб қўйишдан жуда қўрқаман.

Ҳозирда, аждодларимизнинг табиатга бўлган зўр ҳурматлари сабаблари, уларнинг ҳаётида табиат билан боғлиқ ҳолда содир бўлган воқеалар юзасидан "Хатолари—сабоқ, ютуқлари—ибрат бўлсин" деган мавзу устида изланишлар олиб боряпман. Жумладан, қадимги, яқин ўтмишдаги аждодларимиз табиат ҳодисаларига илоҳий кўз билан қараганлар. Дейлик, сувга тупурган киши гуноҳкор ҳисобланган. Шомдан кейин ҳовуз, кўл, ариқлардан сув олишмаган. Чунки, бу пайтда сув парилари ухлаётган бўлиб, уларни безовта қилиш мумкин бўлмаган. Одамлар вақти келганида кечаси сувсиз ҳам қолиб кетишар экан. Уйига меҳмон келиб ёки бошқа бир тасодиф бўлиб сув жуда зарур ҳолларда эса

етти қўшнидан сув сўралиб, шундаям топилмаса, ноилож топ-тоза ювилган идишда сув келтиргани чиқишган. Сув лабига келганида эса:

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим,
Сувда Сулаймон,
Утиниб сурайман.
Уйга меҳмон келибди
(ёки бошқа сабаб),
Таҳорат сув тилайман, —

каби ўтинч, узр, илтимосларини айтиб, сўнггина сув олишга журъат қилганлар. Оқибатда ҳаёт шароби бўлмиш сув тоза сақланган. Болалар сувга нон оқизоқ қилиб ейишдек бахт соҳибларига айланишган.

Табиат сир-синоатга бой. Ҳозирги кунгача бу сирларнинг анча-мунчаси инсон ақли шарофати билан очилиб улгурди.

Мана шу йилнинг ёзида бир қўшнимнинг қизчаси қандайдир тери касаллиги билан оғриди. Бир куни унинг шифобахш кўл ёки ҳовуз излаб юрганини эшитдим. Кейин менинг ҳам шу шифобахш кўл, қудуқларга қизиқишим ортди ва унинг сабабларини билишга интилдим.

Самарқанд вилоятида яшовчи 70 ёшли, кўпни кўрган, диний ва дунёвий илмлардан анча-мунча хабардор Эрхон Ҳожи бобомдан шифобахш сувлар ҳақида сўрадим. Бобомнинг айтишларича, яқин ўтмишимизда ҳам бундай кўллар, қудуқлар кўп бўлган. Аммо бу шифобахш кўл-қудуқларнинг кўпи сунъий йўл билан яратилган. Яъни, кумушнинг сувда эрувчанлик хоссасини ва эриган кумушнинг инсон организми учун фойдали эканлигидан хабардор кишилар Ўзбекистондаги айрим қудуқ сувларига 40—50 дона кумуш тангаларни солиб қўйганлар. Улар ёрдамида тери касалликлари ва ичкетар касалликларини даволаганлар. Бунинг эвазига халқдан "назр-ниёз" олганлар.

Тарих саҳифаларини варақлаб, Ҳожи бобомнинг ҳикоялари қанчалар рост эканлигига ишондим. Сабаби, Искандар Зулқарнайн Мовароуннаҳр бўйлаб Хитойга қарши юриш қилганида, унинг голибкор лашкарлари Кавказни забт этгач, вабо касалига дуч келадилар ва бевақт ўлимга маҳкум бўладилар. Лекин, кўпчилик лашкарбошилар вабодан қутулиб қолишади. Кейинги аниқланишларга кўра, лашкарбошиларнинг ҳаёт қолишларига асосий сабаб, уларнинг сув ва чой ичган идишлари кумушдан ясалганлигида экан.

Аслида саховатли табиатнинг ҳар бир неъмати шифобахшдир. Уларга фақат истеъмол манбаи сифатида қараш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланишга етарли аҳамият бермаслик, атроф-муҳитнинг ифлослантирилиши оқибати яхшилик билан тугамайди. Зеро, табиатни аждодларимиздан меросга эмас, балки авлодларимиздан қарзга олганлигимизни ҳеч қачон ёддан чиқармайлик.

Ўзбеклар азалдан гулни севиб, эъзозлаб келишади. Гул ўстириш, уни дид билан парвариш қилиш, ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида ёру дўстларига тақдим этиш одатлари маълум. Гул байрами қадимий сайил ҳисобланади. Бу эса халқимизнинг табиат гўзалликларидан завқ олиши, ўта нозиктаъблигидан далолат беради. Инқилобгача Бухоро, Самарқандда "Гули сурх" — лола сайиллари жуда машҳур бўлган. Аслида Наврўзнинг давоми, унинг ажралмас қисми бўлган бу байрам ҳамал ойи охирларида, дала-қирларда лолалар қийғос очилган баҳор айёмида ўтказилган. Йигит-қизлар тоққа чиқиб лола терганлар, ундан гулдасталар ясаб, уйма-уй юриб баҳор айёми билан одамларни табриклаганлар, бир-бирларига гул ҳадя этганлар.

Афсуски, ҳозир бизлар бир-биримизга лола тақдим этишдек бахтдан бебаҳрамиз. Лекин келажакда баҳраманд бўлишимиз ҳам мумкиндир, агарда бу сайил уни муҳофаза қилиш мақсадида уюштирилса.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг табиат билан боғлиқ қадимий анъана ва урф-одатларини чуқур ва атрофлича урганиш ҳамда оммалаштириш ҳозирги авлоднинг бурчи, деб ҳисоблайман.

Малоҳат ЭРХОНОВА, "Бунёдкор" ёшлар телеклубининг "Экология" гуруҳи аъзоси

У ГУЛЛАРНИ ЯХШИ КЎРАДИ

Пойтахтимиздаги 154-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Мамлакатхон Сўфибекованинг синфхонасига кирган кишининг юрагида беихтиёр мудраб ётган муҳаббат, саховат, меҳр-оқибат туйғулари уйғона бошлайди, кайфиятингиз кўтарилади ва янада гўзалроқ яшашга бўлган иштиёқингиз орта бошлайди. Сабаби, шинамгина синфхона гулларга бурканган.

— Мен гулларни жуда севаман. Аслини олганда, мактабга эндигина қадам қўйган ҳар бир ўқувчи бир-бирини такрорламайдиган гуллардир. Уларнинг ҳар бири билан тиллаша, диллаша олиш лозим, — дейди биз билан суҳбатда Мамлакатхон Сўфибекова. — Мактабимиз раҳбари Гулчеҳра Каримбоева, тажрибали устозларим Насиба Мирзажонова ва Дилбар Эрназаровалардан ёшларга таълим-тарбия бериш сир-асрорларини ўрганган бўлсам, ҳозирда мен ўз навбатида шогирдларимга табиат шайдоси бўлишни, гулларни севишни ва парваришлашни ўргатмоқдаман. Бунинг натижасида бўлса керак, ўтган йили мустақиллик тенгдошлари бўлган ўқувчилар ўртасидаги Бухорода бўлиб ўтган иқтидорли болалар кўрик-танловида фахрли 1-ўринни менинг ўқувчим — Малика Бахтиёрова эгаллагани менга қувонч бахш этди.

Мамлакатхон Сўфибекова жонкуяр устоз бўлиши билан бирга икки фарзанднинг меҳрибон онасидир. Шавкат 9-синфда, Шоҳиста 7-синфда аъло баҳоларга ўқишмоқда.

Гулларга тўла синфдаги ўқувчиларнинг устозларига меҳрли талпинишлари ва ҳар бир сабоқни интиқлик билан кутишларига сабабни Мамлакатхон Сўфибекова билан қилган мусоҳабада топгандай бўлдим.

Фарзандларимизга зиё тарқатаётган сиз каби муаллималар бор экан, гуллар ўсиб-яшнайверади, келажагимиз пойдевори бўлмиш зурриёдларимизнинг илмли бўлиб етишишларига кафолат бор. Ёш авлод ҳам сиз парваришлаётган навниҳоллар каби гуркираб камол топаверсин. Бу юртимизда ёруғ кунлар абадий эканлигидан далолатдир. Зеро, олам яхшиликка бурканса, қалбларда кечадиган ҳис-туйғулар ҳам мусаффолашиб бораверади.

Дилбар МАМАЖОНОВА

Суратда: М.Сўфибекова аълочи ўқувчиси билан

Ташкил этилажак мазкур жамғарма ёшларни нафақат моддий жиҳатдан, балки маънавий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлашга ишонч билдирамиз.

Эндиликда террор акти туфайли ҳалок бўлганларнинг оилаларига 100 минг, жабрланганларга эса 50 минг рубль миқдорида моддий ёрдам берилади.

ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЛОЗИМ

АҚШ БМТдан Ироқ масаласини ҳал этишни пайсалга солмасликни сўраган. Оқ уй матбуот котиби Ари Флейшернинг айтишича, давом этаётган дебатларда қўлни кўтариш ва овоз бериш вақти келган. Ундан аввалроқ эса президент Буш бир ҳафта давомида Хавфсизлик Кенгаши ҳал қилувчи қарорни қабул қилиши, акс ҳолда Вашингтон бир томонлама иш кўришга мажбур бўлишини маълум қилган эди. БМТ эса аввал инспекторларини юбормоқчи, агарда улар тўсиққа учрасалар, у ҳолда бошқа чора қўллаш ниятида.

ПХЕНЬЯН ЯДРО ҚУРОЛИГА ЭГА БЎЛМОҚЧИ

Япония ҳукуматининг билдиришича, навбатдаги ўтказилган Япония—Корея музокараси кутилгандек кечмади. Музокарада Пхеньян махсус хизмати томонидан ўғирлаб кетилган япон фуқаролари ва Шимолий кореяликлар эга бўлган ядро қуроли дастури муҳокама этилди.

Шимолий Корея ядро қуроли ишлаб чиқаришни тўхтатмаслигини октябрь ойи ўрталарида расман эълон қилган бўлиб, уларнинг наздида бу қурол Америкадан кутилаётган хавфга қарши қалқон бўлиб хизмат қилади. Лекин, шимолликларнинг билдиришича, япон фуқароларининг тақдири ҳал этилган.

БУШ ПЕКИНГА БОРМОҚЧИ

Ўтган ҳафта якунида Вашингтонга сафар уюштирган Хитой Халқ Республикаси раҳбари Цзян Цзэмин АҚШ президенти Жорж Буш билан учрашгач, ўз навбатида уни Пекинга боришга таклиф этган эди. Жорж Буш эса ушбу таклифни қабул қилган, лекин сафар қачон уюштирилиши ҳозирча маълум эмас. Манбаларга кўра, Президент Буш Хитой сафарини яқин вақт ичида амалга ошириши кутилмоқда.

Техасда бўлган музокаралар чоғида эса икки президент ўзаро алоқалар, Шимолий Кореянинг ядро дастури ҳамда Ироқ масаласини муҳокама этишган эди. Бугунги кунда Пекин—Вашингтон муносабатлари анча ривожланган бўлиб, бунга хитойликлар америкаликларнинг терроргa қарши ҳаракатларини қўллаб-қувватлашлари муҳим сабаб бўлди.

ГУАНТАНАМОГА ЯНГИ АСИРЛАР КЕЛТИРИЛДИ

Пентагон ташкилотининг билдиришича, ушбу ҳафта аввалида Афғонистондан Кубадаги АҚШнинг Гуантанамо ҳарбий базасига навбатдаги "Ал-Қоида" ташкилоти ва "Толибон" ҳаракати аъзоларидан иборат асирлар гуруҳи келтирилди. Ҳозирда уларнинг аниқ сони айтилмаётган бўлса-да, Гуантанамодаги маҳбуслар 625 нафар атрофида. Ундан аввалроқ эса базадан 3 нафар афғон ва бир покистонлик озод этилган бўлиб, уларнинг барчаси Қобул ҳамда Исломобод ихтиёрига топширилган, дея хабар беради "Би-Би-Си".

ИРОҚ БИЛАН ҚУРОЛ САВДОСИ

Сербия Республикасининг 2 нафар юқори мартабали вакили, яъни мудофаа вазири Слободан Билич ва бош штаб раҳбари Новица Симичлар вазифаларидан озод этилдилар. Боиси, улар раҳбарлик қилаётган ҳарбий тизимда Ироқ билан ноқонуний қурол савдоси бўлганлиги аниқланди. Жумладан, "Орао" давлат авиакомпанияси БМТ резолюцияларига қарамасдан, Ироқ ҳукумати билан қурол савдосини амалга оширган. Сентябрь ойи аввалида эса НАТО қўшинлари "Орао" компанияси Бағдодга тегишли "МИГ" русумли самолётларнинг мотор қисмларини таъмирлаётганлигини аниқлаган эди.

ИССИҚКЎЛНИНГ СУВИ КЎПАЙМОҚДА

Мутахассисларнинг фикрича, қўшни Қирғизистондаги Иссиқкўлда 1998 йилдан буён сув сатҳи кўтарилаётган бўлиб, бу ҳолат минтақа иқлимининг ўзгаришига таъсир этади. Бу ҳақда Қирғизистон ҳукумати ташкил этган халқаро анжуманда айтилган бўлиб, 6 минг кв/км.ни ташкил этувчи кўлнинг сатҳи сўнгги 4 йил ичида 26 см.гача кўтарилиши катта миқдордир.

Шунингдек, экологик муаммо ҳақида гап кетганда, ўта кучли сейсмик хавфли ҳудуд саналган Қирғизистонда ер қимирлаш хавфи билан бир қаторда 25 та ядро чиқиндилари сақланаётган ҳудудлар ҳам жиддий қайғуришни талаб этади.

"Интернет" тармоғидан олинди.

ЭЗГУ ИШЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИ

Aks-sado

Бугун спортни ривожлантириш, уни таълим тизимига ислоҳ қилиш борасидаги амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Мактаб ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари", академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида "Баркамол авлод", олий ўқув юртлари талабалари иштирокида эса "Универсиада" спорт мусобақаларининг ўтказилиши барча ёшдаги болаларни спортга жалб этиш, уларни соғлом руҳда тарбиялашга хизмат қилади.

Шу эзгу ишларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармон бизга улкан шодлик бағишлади, чунки жойларда, айниқса, қишлоқ мактабларида спортга қизиқувчан болажонларни қўллаб-қувватловчи ана шундай жамғарма керак эди. Ташкил этилажак мазкур жамғарма ёшларни нафақат моддий жиҳатдан, балки маънавий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлашга ишонч билдирамиз. Биз жисмоний тарбия мураббийлари ҳам ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва улар ўртасида спортга қизиқишни кучайтириш борасида бор куч-ғайратимизни ишга соламиз. Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди сингари аждодларимизнинг авлодлари бўлган мамлакатимиз ёшлари бугунгидан-да уюшиб нафақат спортда, балки барча соҳаларда юртимиз шарафини юксакларга кўтарадилар.

Ўразбой ЖУМАШЕВ,
Замира ЖУМАБОЕВА,
Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 20-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчилари

Ҳар бир шогирди ғалабисидан қувониб, ўз меҳнатининг самарасини кўрганидан кейин Қаландар Алланазаров янада тинмай меҳнат қилиб келмоқда.

У киши 30 йилдан буён Яккабоғ тумани 29-мактабда жисмоний тарбиядан дарс бериб, дарсдан сўнг 15 ўғил 15 қиз болаларга самбо дзюдо курашлари бўйича сабоқ бериб келмоқда. Шу кунгача шогирдлари орасидан 20 дан ортиқ Ўзбекистон чемпионлари етишиб чиқди.

Яқинда Қаландар Алланазаров 1-даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан мукофотланди.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ

Суратда Қ.Алланазаров шогирдларини мусобақага тайёрламоқда.

Гулистон шаҳрининг марказий стадионида икки ҳафта мобайнида футбол мактаб-интернатларининг VI республика биринчилиги мусобақалари ўтказилади.

Икки хил ёш тоифасида ўтказилаётган беллашувларда дастлаб 1986-87 йилларда туғилган ўқувчилар (29 октябрдан 3 ноябргача), шундан сўнг 1988-89 йилларда туғилган болалар (5 ноябрдан 10 ноябргача) ғолиблик учун кураш олиб боришади.

Катта ёш гуруҳидаги финал мусобақаларида жойларда ўтказилган ҳудудий беллашувлар ғолиблари — Бухоро, Урганч, Янгиер, Ангрен, Термиз, Тошкент ва Андижон футбол мактаб-интернатлари жамоалари, кичик ёш гуруҳида эса Бухоро, Ромитан, Янгиер, Жиззах, Қумқўрғон, Тошкент ва Андижон мактаб-интернатлари ўқувчилари яшил майдонда ўз маҳоратларини кўрсатишади.

ФИНАЛ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгаши футбол бўлими бошлиғи Бобир Ҳайдаровнинг айтишича, Гулистон шаҳрида республика мусобақаларини ўтказиш учун барча зарур шароитлар яратилган.

Ғ.МАННОПОВ

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНИГА ЕТМОҚДА

Футбол бўйича Ўзбекистон Олий лига жамоалари 25-тур беллашувларини ўтказди.

Осиё чемпионлар лигасида ва мамлакат биринчилигида муваффақиятли иштирок этаётган "Нефтчи" ўз майдонида "Металлург" жамоасини 2:0 ҳисобида мағлуб этиб, навбатдаги уч очкога эга бўлди.

Медалли ўринлар учун курашаётган "Насаф" ҳам ўз майдонида Қашқадарё вилоятининг яна бир жамоаси - «Машъал» билан учрашиб, рақиб дарвозасига жавобсиз иккита тўп йўллади.

Олий лигада қолиш ҳаракатида бўлган қўқонликлар Тошкентнинг «Трактор» жамоасини 2:1 ҳисобида доғда қолдирди. «Навбаҳор» сафарда «Дўстлик»ни 1:0 ҳисобида енгди. Худди шу ҳисоб «Суғдиёна» - «Бухоро» ўйинида ҳам қайд этилди. Бу гал омад мезбонлар томонида бўлди. «Зарафшон» эса ўз майдонида «Самарқанд-Д» жамоасини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида устун келди. «Сурхон» Термизда «Андижон»ни 3:1 ҳисобида енгди.

«Қизилқум» - «Пахтакор» учрашуви 7 ноябрга кўчирилди. «Зарафшон», «Қўқон», «Трактор» ва «Машъал» жамоалари биринчи лигага тушиб кетмаслик ҳаракатида.

ОКСАНА КУМУШ МЕДАЛ СОҲИБАСИ

Шотландиянинг Глазго шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича жаҳон кубоги босқичи давом этмоқда. Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида Ўзбекистон терма жамоасига иккитадан олтин ва кумуш медал туҳфа этган Оксана Чусовитина Шотландиядаги мусобақада ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда.

У гимнастиканинг таяниб сакраш машқларида кумуш медалга сазовор бўлди.

ВАКИЛЛАРИМИЗ ЧОРАК ФИНАЛДА

Индонезия пойтахти Жакартада мини-футбол бўйича IV Осиё чемпионати ўтказилмоқда. Унда Ўзбекистон терма жамоаси Эрон, Малайзия ва Хитой Тайпейи жамоалари билан бирга «Б» гуруҳидан жой олганди.

Спортчиларимиз Эрон жамоасига 0:5 ҳисобида имкониятни бой берган бўлса, Малайзияни 7:1, Хитой Тайпейини 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чорак финалга йўлланмани қўлга киритди.

Вакилларимиз кейинги ўйинни Японияга қарши ўтказади.

МУСОБАҚАЛАР ҚИЗҒИН

Самарқанд вилояти мактабларида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг 1-босқичи ниҳоясига етказилмоқда.

Булунғур туманидаги 13-мактабда, Жомбой туманидаги 23-мактабда, Темирйўл туманидаги 51- ва 28-мактабларда "Умид ниҳоллари" 1-босқич мусобақалари айниқса фаол ўтказилмоқда.

Umid nihollari — 2003

"Умид ниҳоллари" мусобақаларининг 1-босқич ўйинларини ниҳоясига етказган таълим муассасалари кейинги босқич мусобақаларига ҳозирлик кўрмоқда.

"Умид ниҳоллари" ўйинларининг бориши вилоят халқ таълими бошқармасида доимий муҳокама қилиниб келинмоқда.

ФАХРИЙЛАР БЕЛЛАШУВИ

Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси қошидаги болалар ва ўсмирлар шахмат-шашка спорт мактаби саройида "Қарияларни қадрлаш йили"га бағишлаб фахрий ўқитувчилар ўртасида шахмат бўйича вилоят очиқ биринчилиги ўтказилди.

Байрамона руҳда ўтказилган ушбу мусобақада вилоятимиз туман ва шаҳарларидан ташриф буюрган фахрий педагоглар қатнашдилар.

Қизиқарли кечган мусобақа якунига кўра, Боғишамол тумани вакили У.Суюнов энг кўп очко тўплаб биринчи, Иштихон туманидан М.Абдураҳмонов иккинчи ва Нарпай тумандан келган С.Зиёдуллаев совринли учинчи ўринни эгалладилар.

Ғолиб ва совриндорларга ҳамда энг яхши иштирокчиларга вилоят фахрийлар уюшмасининг қимматбаҳо эсталик совғалари топширилди.

Энди У.Суюнов фахрийлар ўртасида ўтказиладиган Республика мусобақасида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

М.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози

"АЛЬФА" ҚАНДАЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНГАН?

Роппа-роса бир ҳафта аввал айнан шу куни Москвадаги театр биносида 700 нафардан ортиқ кишининг террорчилар томонидан гаровга олиниши ва у билан боғлиқ жараёнлар бугун ҳам дунё ҳамжамиятининг диққат-эътиборида турибди. Боиси, ўтган шанба куни тонгда гаровдагилар озод этилган бўлсаларда, лекин, Россия ҳукуматининг бу борада қўллаган чора-тадбирлари сирлигича қолмоқда. Ёдга олсак, бир ҳафта ичида Чеченистондан рус аскарларини олиб чиқилишини талаб қилган жангарилар, агарда шарт бажарилмаса гаровдагилар билан бирга театр биноси портлатиб юборилишини айтган эдилар. Шукрки, вазият бунгача етиб бормади. 26 октябрь куни тонг саҳарда бино ичига ҳаво алмаштирувчи вентилятор тизими орқали одамни беҳуш қилувчи газнинг юборилиши, сўнгра махсус қўшинлар томонидан штурм амалиётининг муваффақиятли ўтказилиши террорчиларнинг белларига тақиб олган портловчи моддаларини портлатишларига имкон бермади. "Московский комсомолец" газетасига интервью берган "Альфа" гуруҳининг ушбу операцияда қатнашган жангчиси вентиляция қурилмаси орқали газ юборилгач, залга бир неча граната улоқтирилганини, сўнгра эса фалаж ҳолатида бўлган террорчилар отиб ўлдирилганлигини айтган.

Лекин, бугун газдан заҳарланган гаровдагиларнинг сони 100 дан ортиқ. Москва шаҳар бош шифокори Андрей Сельцовскийнинг айтишича, фақат бир киши отилган автомат ўқидан ҳалок бўлган, қолган 116 кишининг ўлимига бино ичига юборилган газ сабаб бўлган. Улар орасида ёш болалар ҳам бор. Шунингдек, шаҳарнинг 33 та шифохонасида ётган 405 кишининг 150 нафари реанимация бўлимларига жойлаштирилгани, 45 беморнинг аҳволи ўта оғир ҳолатда эканлиги қурбонлар сонининг ошиши хавфини туғдиради. Чунки, операцияда қўлланилган кишини фалажловчи газдан бино ичидагиларнинг барчаси нафас олганлар ва бу бевосита уларнинг организмларига салбий таъсир қилган. Ҳозирда гаровдагилар орасида ўз фуқаролари бўлган хорижий давлатларнинг Москвадаги дипломатик ваколатхоналари Россия ҳукуматидан амалиётда фойдаланилган номаълум газ ҳақида тўлиқроқ маълумот берилишини сўраганлар. Жумладан, Қўшма Штатларнинг элчихонаси бу борада ҳукумат номига расмий мурожаат қилди. Боиси, газнинг қандай эканлигини аниқлаш, ундан заҳарланганларнинг ҳаётини сақлаб қолишда муҳим омил ҳисобланади. Аммо, Россия ҳукумати ҳалигача газ ҳақида аниқ ахборот бермаяпти. Ҳатто, гаровдагиларни даволаётган шифокорларга ҳам бу ҳақда маълумот берилмагани беморларга қандай дори-дармонлар беришда муаммолар туғдирди. Лекин, масалага ўта қизиқаётган Ғарб давлатлари ўзларининг турли тахминларини билдирмоқдалар. Уларни аксариятининг фикрича, операция вақтида кучли таъсир этувчи заҳарли моддадан фойдаланилган бўлиши мумкин. Эҳтимолки, бу газ Вьетнам уруши даврида Америка аскарлари фойдаланган "BZ" гази ҳам бўлиши мумкин. Британия махсус хизмати фахрийларидан бирининг айтишича, одатда бундай ҳолатларда ирритант газлар, жумладан, кўзни ёшлантирувчи газ қўлланилади. Лекин, зарарсиз бўлган газнинг ҳам таъсир кучини ошириб, ёпиқ бино ичига юбориш эса салбий оқибатларни келтириб чиқариши, шубҳасиз.

"Кимёвий хавфсизлик" ассоциацияси раҳбари Лев Федоров эса Би-Би-Сининг рус хизматига интервью берар экан, қўлланилган газ воситаси совуқ уруш даврида бошлаб яратишга киришилган душман аскарларини сафдан чиқариш, аммо уларнинг ўлимига сабаб бўлмайдиган инкапаситант газлар турига кириши мумкинлигини айтган. Бундай воситанинг Россия қуролли кучларида бўлиши 1993 йил кимёвий қуроллар ишлаб чиқариш, сақлаш ва фойдаланишни тўхтатиш борасида Парижда имзоланган халқаро конвенцияга хилоф эмас. Бироқ, ундан ноҳарбий шароитларда фойдаланиш, устига-устак, ҳомиладор аёллар, ёш болалар, буйрак, юрак, жигар хасталикларига чалинган бўлиши эҳтимоли бўлган кишилар жойлашган бинога юбориш жиддий ҳолатларни келтириб чиқаради.

Бошқа бир жиҳат, анестезиологларнинг (тиббиётда оғриқсизлантириш усуллари ва воситалари билан шуғулланувчи мутахассислар) қандай газ эканлигидан бехабарликлари ёки операцияга махсус кучлар билан бирга токсикологларнинг (заҳарларнинг таъсири ва хусусиятини ўрганувчилар) жалб этилмаганлиги ҳам салбий томонга хизмат қилди. Олимнинг фикрича, бир соат ошиқроқ давом этган штурм вақтида бинога кирган махсус кучлар тезлик билан ухлаётган одамларни ташқарига олиб чиқишлари ва заҳарланишга қарши даво бўладиган тиббий дорилар хоҳ кўчада, хоҳ автобусда бўлсин беморларнинг барчасига тўлиқ берилиши керак эди. Лекин, яхшики, аксарият гаровдагиларнинг ухлаб ётишлари заҳарланиш даражасини оширмаган. Боиси, ухлаганда одам кам нафас олади. Агарда, уйғоқ бўлиб стресс ҳолатида тез-тез нафас олса, у кўпроқ заҳарланарди. Пенсильвания университетининг одамни ўлдирмайдиган қуроллар бўйича эксперти, АҚШ ҳарбий денгиз флоти хизматчиси Рон Мадриднинг айтишича, Россия ФСБси Америка армияси эга бўлмаган воситадан фойдаланган. Ва уни яратиш учун руслар 30 йил вақт сарфлаган бўлишлари керак.

Бундан ташқари, ушбу сирли газ ҳақида ўзининг биринчи саҳифаларидан жой ажратган Ғарб матбуоти ҳам турли қарашларни билдирмоқда. Жумладан, "Таймс" газетаси операцияда қўлланилган услубни Россиянинг ички иши, деб ёзаётган бўлса, Испаниянинг "Мундо" газетаси номаълум газдан фойдаланиш илк бора кузатилганлигини таъкидлайди. Германиянинг "Тагесцайтунг" газетаси террор хуружининг бартараф этилиши боис, Владимир Путин ўзининг кучли раҳбар эканлигини яна бир бор исботлади, деб ёзади.

Россия президенти эса ҳукумат аъзолари билан ўтказган кенгашида Москва ҳеч қачон террорчилар билан ҳисоблашмаслигини айтган ва бундай ҳолат бошқа кузатилмаслиги учун керакли чораларни кўриш борасида кўрсатма берган. Эндиликда террор акти туфайли ҳалок бўлганларнинг оилаларига 100 минг, жабрланганларга эса 50 минг рубль миқдорида моддий ёрдам берилади. Ва катта ёшлилар ўз соғлиқларини тиклаб олишлари учун санаторийларга, болалар эса ота-оналари билан болаларни соғломлаштириш марказларига бепул юборилади. Лекин, кичик бир танаффусдан сўнг, 8 йилдан буён давом этаётган Чеченистон муаммоси Россия ҳукумати томонидан қайта кўриб чиқилади. Кузатувчиларнинг фикрича, ҳукумат ё кенг миқёсли ҳарбий операцияларни бошлайди ёки тан олинмаган чечен раҳбари Аслан Масҳадов билан музокарага киришади. Шунингдек, бугун расмий Москвани безовта қилаётган бошқа бир масала бу, мамлакат хавфсизлигини таъминлашдир. Боиси, Россия марказигача портловчи моддалар билан қуролланган жиноятчиларнинг кириб келишлари ички ишлар тизимининг қай даражада ишлаётганлигидан далолат беради. "Альфа"нинг собиқ қўмондони Виктор Карпухиннинг фикрича, ҳукуқни муҳофаза қилиш тизимидагиларнинг жиноятчилар билан тил бириктиришлари, қалбаки хужжатлар тўғрилаб, катта миқдордаги қурол ва портловчи моддаларни яширин тарзда олиб келишларига йўл қўйган порахўр тинчлик посбонларини тугатиш, тизимни "пулга сотилувчилардан" тозалаш керак.

Бир қарашда, терроризм борасида АҚШдаги 11 сентябрь воқеалари билан бир сафга қўйилган Москва воқеаларида ўхшашлик бор. Боиси, Америкада террорчилар "Боинг" самолётларида мамлакат пойтахтига етиб боришган бўлса, Россияда эса улар автомобилларда Москва шаҳрига кириб борганлар. Ҳар икки воқеада ҳам қурбонлар берилгани ва террорчиларнинг эркин ҳаракат қилишларига имкон бўлганлиги эса хавфсизлик масаласи кўнгилдагидек эмаслигидан далолат беради. Ва бу масала тўла ҳал этилмагунига қадар ҳеч ким террор хуружлари бошқа такрорланмаслигига кафолат бера олмайди.

Камолиддин АЛИОХУНОВ

Зикр этилган афсонани эшитиб, кўпчилик "бу бир афсона-да", — дейиши табиий. Бироқ давримизнинг оқил кишилари афсоналар ҳақиқатнинг рамзий ҳайкаллари эканлигини аллақачон тушуниб етишган.

"Бизни кўп ҳолларда ўғрилик содир бўлса ёки қотиллик рўй берса чақиришарди. Аммо мушукнинг дастидан додлаб, биринчи марта мурожаат қилишлари".

КУНФИРСК ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

Ko'ngil bitiklari

Толганда суянчиқ — тоғимсан,
Сен менинг ишонган боғимсан.
Оромимсан, шодлик чоғимсан,
Сени соғинаман, азизим.

Хаёлим йирокда кезади,
Ҳижронингдан кўнгил безади.
Юрагим бир ҳисни сезади —
Сени соғинганда, азизим...

КУЗ

Табиатнинг олтин либосли қизи,
Қўли очиқ, сахий, неъматга бойсан.
Табиатнинг олтин либосли қизи,
Фасллар ичида бамисли ойсан.

Олтин либос кийган келинчак,
Мўлдир сенда турфа ризқу рўз.
Инсонларга ўзинг куюнчак,
Шунинг учун дерлар — олтин куз

Сариқ кўйлакдаги моможон,
Хазонларга боқиб ўкинма.
Бир йилдан сўнг қайта инар жон
Шунда дерсан — шукур, тўкинман.

СЕНИ СОҒИНАМАН, АЗИЗИМ

Гоҳо узоқ ўйга толаман,
Баъзан ўзни сезмай қоламан.
Ёлғиз сени эслай оламан,
Сени соғинаман, азизим.

Сен менга гул бўлиб боқасан,
Нур бўлиб қалбимни ёқасан.
Куй бўлиб қонимда оқасан,
Сени соғинаман, азизим.

СИРДОШИНГ БЎЛАЙ

Ўзингни ғарибу нотавон сезсанг,
Дунёга сиғмайин зор-гирён кезсанг.
Оқибат бевафо ҳаётдан безсанг,
Дардинг бўлишмоққа дарддошинг бўлай.

Дўст деб ишонганинг сени тарк этса,
Ғанимлар шод бўлиб муродга етса,
Умиду ишончинг қўлингдан кетса,
Кўнгил сўрагувчи қардошинг бўлай.

Олам чирой очиб нурга тўлганда,
Қалбда ишқ ғунчаси хандон кулганда.
Юракка муҳаббат ошён қурганда,
Сиринг тинглагувчи сирдошинг бўлай.

Олисми, яқинми йўл босган чоғда,
Гиёҳ унмас саҳро ва чаман боғда.
Сафар қилмоқ бўлсанг ҳаттоки тоғда,
Ёнингдаги ҳамроҳ — йўлдошинг бўлай.

Кўнгилни муҳаббат сувига қондир,
Қувончу ташвишда дилдошинг бўлай.
Ҳаёт сўқмоқлари заҳматга кондир,
Уларни енгмоқда бардошинг бўлай.

Зебунисо ШЕРБОЕВА,
Тошкент Давлат юридик институти "Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётини ўрганиш Маркази" директори

ЖУФТИНГИЗ ЎЗИНГИЗГА МОСМИ?

тест

Қадим юнон афсоналарига кўра, инсонлар аввалда ҳозиргидан бутунлай фарқли шакл-шамойилга эга бўлишган. Ўша давр кишиларининг барча аъзолари ҳозирги замон кишисиникига нисбатан икки баравар кўп экан. Яъни уларнинг иккитадан боши, бурни, оғзи ҳамда тўрттадан кўзи, қулоғи, қўл ва оёқлари бўлган. Табиийки, бундай кишилар жинсларга ажралишмаган, аниқроғи уларнинг ҳар бирида икки жинс ҳам мавжуд бўлган. Ушбу ҳолатдаги инсонлар заминда тенгсиз қудратга эга бўлиш билан чекланмасдан, фалак кучлари — худоларга ҳам таҳдид сола олишган. Бундан хавотирга тушган худолар инсонни кучсизлантириш, ундаги исён имкониятини ўлдириш пайида юришар экан. Ниҳоят, уларнинг бу режаларини бошлиқлари Зевс амалга оширишга қарор қилибди.

Зевс исёнкор инсонни жазолашнинг ақл бовар қилмас даражадаги маккорона усулини топибди. У инсонни қоқ иккига бўлиб ташлаб, ҳар икки бўлакка ҳам жон ато этибди. Ана ўшандан буён инсон "бандаи ожиз" сифатини олибди. У исён ҳақида эсламай қўйибди. Чунки фикру ёди ўзининг иккинчи бўлагини топиш билан банд экан. Агарда у ўзининг ярмини топа олса, ўзини бахтиёр ҳис қилар экан, акс ҳолда эса...

Зикр этилган афсонани эшитиб, кўпчилик "бу бир афсона-да", — дейиши табиий. Бироқ давримизнинг оқил кишилари афсоналар ҳақиқатнинг рамзий ҳайкаллари эканлигини аллақачон тушуниб етишган. Хўш, шундай экан, нима учун ўзингизни том маънода "бутунлаштириб" олиш учун ҳаракат қилмаслигингиз керак экан?! Қолаверса, бу борада биз ўзимизнинг беминнат ёрдамимизни таклиф қилиш билан мазкур муаммони тўғри ечишингизга кўмаклашишимиз мумкин.

Танлаган ёки танламоқчи бўлган жуфтингиз ўзингизга мосми? Қуйидаги тест ушбу саволга имкон доирасида аниқ жавоб олишингиз учун қўл келиши мумкин. Фақат саволларга жавоб бера туриб улар устида кўп ўйланиб қолиш мумкин эмас. Чунки бундай ҳаракат сиз мос бўлган жавобни эмас, сизга мос бўлган жавобни танлашингиз учун хизмат қилади. Белгилаган жавобларингизни қайта кўздан кечираётганингизда уларнинг тўғрилигига шубҳа пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда жавобларни тўғрилаш нотўғри хулосага олиб келиши мумкинлигини унутманг. Сизнинг жавобингизга таъсир қилиши мумкин бўлган киши олдида тестни ечманг!

1. Жуфтингиз билан муносабатларингизнинг асосида нима туради?
а) ақл;
б) ҳиссиёт ва ҳусн;
в) ўзаро ҳурмат;
г) у ёки бу вазиятга боғлиқ тарзда юқоридаги жавобларнинг барчаси.

2. Ҳал қилувчи масалаларда доимо у билан бир хил қарорни қабул қила оласизми?
а) ҳа;
б) йўқ;
в) баъзан — ҳа, баъзан — йўқ;
г) жавоб беришга қийналаман.

3. Унинг учун ўз одатий кўникмаларингиздан воз кеча оласизми? Масалан, эркаклар учун чекиш, хотинлар учун диққат марказида туришга интилиш.
а) ҳа;
б) йўқ;
в) воз кеча олмайман, бироқ унга зарар етказмайдиган даражада ўзимни чеклашим мумкин (Масалан, унинг олдида чекмайман ёки унинг олдида бошқаларнинг эътиборини ўзимга тортмасликка интиламан);
г) аниқ бир нима дейишим қийин.

4. Унинг сиз учун ёт бўлган кўникмаларини қабул қила оласизми? Масалан, эркакларнинг чекиши, аёлларнинг жамоат жойларида диққат марказида бўлишга интилишини?
а) ҳа;
б) йўқ;
в) қабул қила олмайман, бироқ чидашим мумкин;
г) яхшиси уни бу кўникмадан воз кечишга мажбур қиламан.

5. Олайлик, жуфтингиз сизни ҳақорат қилди. Сиз айни вақтда унга жавоб бера олиш имкониятига эга эмассиз. Кейинчалик ундан ўч оласизми?
а) балки;
б) йўқ;
в) ҳа;
г) ўша вақтда ўч олишни ният қилишим мумкин, бироқ кейинчалик ўз ниятимдан қайтаман.

6. Вақтинчалик омадсизликлар пайтида жуфтингиз...
а) ҳаммаси яхши бўлади, деб сизни тинчлантиришга уринади;
б) вазиятдан фойдаланиб сизни танқид қилади;
в) сизни ношудликда айблаб, ғавғо кўтаради;
г) сизга ўзича амалий ёрдам бермоқчи бўлади.

7. Сиз жуда қийин вазиятга тушиб қолдингиз. Жуфтингизнинг ёрдами билан ушбу вазиятдан чиқиб кетдингиз. У кейинчалик...
а) буни қайта эсламайди;
б) сизни севишига қайта-қайта ўша воқеани мисол қилиб келтиради;
в) жанжалли вазиятларда сизга қарши қурол сифатида шундан фойдаланади;
г) ўзини қандай тутиши сизга номаълум.

8. Сиз ўз жуфтингиздан яхшироқ жуфт топишингиз мумкинми?
а) ҳа;
б) балки;
в) йўқ;
г) ундан яхшироқ инсонлар кўп бўлиши мумкин, бироқ менга ундан кўра кўпроқ мос инсон йўқ.

9. Сиз ўзингизни жуфтингизга мос деб ўйлайсизми?
а) йўқ;
б) ҳа;
в) баъзан — ҳа; баъзан — йўқ;
г) бу ҳақда ўйлаб кўрмаганман.

10. Сиз жуфтингизни сўз бошида келтирилган афсонада қайд этилганидек ўз ярмингиз деб қабул қила оласизми?
а) ҳа;
б) йўқ
в) баъзан — ҳа;
г) мен афсона билан реал ҳаётни боғлаш ўринсиз деб ўйлайман.

	а)	б)	в)	г)
1.	2	0	1	3
2.	3	0	2	1
3.	3	0	2	1
4.	3	0	2	1
5.	1	3	0	2
6.	2	1	0	3
7.	3	1	0	0
8.	0	1	2	3
9.	1	3	2	0
10.	3	0	2	3

Агар тўплаган балларингиз йиғиндиси **0 дан 6 гача** бўлса...

Сиз жуфтим деб ўйлаётган инсон аслида сизга етти ёт бегона. Ва, қолаверса, у сизга душман ҳамдир. Айнан сизга ўхшаш кишилар кейинчалик халқимизнинг "қўйнимда ёр деб асраганим илон бўлиб чиқди", деган доно иборасини бот-бот такрорлайдилар.

Агар тўплаган балларингиз йиғиндиси **6 дан 16 гача бўлса...**

Ўйлашимизча, сиз ўз жуфтингизни танлашда янглишган кўринасиз. Сизнинг ҳаёт, муҳаббат ва оилавий муносабатлар ҳақидаги қарашларингиз уникидан кескин фарқ қилиши ҳам бунинг исботидир. Албатта, агар хоҳласангиз, орадаги фарқдан иборат жарликни сабр ва бардош билан тўлдириб юбориш мумкин. Эҳтимол, жабрланувчи ёлғиз ўзингиз бўлган бир вазиятда ушбу ҳаракатингиз таҳсинга сазовор бўларди.

Агар тўплаган балларингиз йиғиндиси **16 дан 26 гача** бўлса...

Сиз ўзингизга бутун умр йўлдош бўла олиши мумкин бўлган инсонни топа олгансиз. Албатта, баъзи масалаларда у билан бутунлай бошқа-бошқа фикр ва қарашларга эга эканлигингиз табиий. Зеро, шу туфайли ҳам бирга бўлишни хоҳлаган икки кишини жуфт дейишади. Жуфт — бу бир бутунликни ташкил қилган икки инсоннинг бирлигидир. Ўша бир бутунлик ичида ҳам барибир икки мустақил шахс, икки хил қараш ва икки хил руҳият мавжуд. Сизларнинг ютуғингиз: икки хил шаклдан ягона мазмун ташкил эта олгансизлар. Бироқ эришилган ютуқларни ривожлантиришингиз, бир-бирингизни янада яхшироқ билишга интилишингиз даркор. Шу тариқа кун келиб жуфтингизни ўзингизнинг бир бўлагингиз каби ҳис қила бошлайсиз.

Агар тўплаган балларингиз йиғиндиси **26 дан 30 гача** бўлса...

Бунақаси фақат эртакларда бўлса керак деб ўйлаймиз. Демакки, сиз эртакда яшаяпсиз ва ҳар бир яшаётган лаҳзангизнинг ўзи мислсиз мўъжизадир.

Санжар НАЗАРОВ тайёрлади.

Xullas...

УЙ ХЎЖАЙИНИ МУШУКМИ?

Канададаги Дартмут шаҳарчасида уй мушуги барча оила аъзоларини кўчага қувиб чиқаришга "муваффақ бўлди", деб хабар беради "Рейтер" агентлиги.

Батафсилроқ билгингиз келаётган бўлса, эшитинг.

"Какао" лақабли Сиам мушуги кутилмаганда уй эгасига ташланиб, унинг кўйлагини тишлаб, торта бошлади. Мушукнинг тирноқлари юзига ботгач, уй эгаси ҳам чидай олмади. Нима бўлди ўзи бу мушукка? Нега ўзидан кетяпти? Туппа-тузук юрарди, ортиқча бебошликлари йўқ эди.

"Какао" одеял билан қўлга олинди. Унга уй эгалари бас келолмай, полицияга кўнғироқ қилишди. Бу бир қарашда жуда кулгили эди. Тўполончи мушукни, афтидан, қамаш лозимга ўхшайди.

"Бизни кўп ҳолларда ўғрилик содир бўлса ёки қотиллик рўй берса чақиришарди. Аммо мушукнинг дастидан додлаб, биринчи марта мурожаат қилишлари".

Полиция мушукни одеялга ўраб-чирмаб, тегишли жойга олиб кетди. Ишқилиб у қутуриш балосига йўлиқмаган бўлсин, акс ҳолда...

СУВАРАК ЕГАН КУЧУКЧА

Агар югуриш бўйича қурт-қумурсқалар орасида мусобақа ўтказиладиган бўлса, суварак энг олдинги ўринни ишғол этишига шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади. Улар шу қадар тез югуришадики, янчиб ташлашга улгуриб кўринг-чи?

Суваракларни йўқотишга дунё миқёсида миллиардлаб маблағлар сарфланмоқда. Аммо уларни йўқотиш учун ишлаб чиқарилаётган воситалар вақтинчалик аҳамиятга эга бўлмоқда, холос.

Қисқаси, суваракларсиз ҳамма безор! Жумладан, Лотус Вандайм хонадони ҳам. Бу жанобнинг хотини суваракларсиз кўлайиб кетганлигидан додлаб юборгудек ҳолатга тушди. На заҳарли, на сувли, на кислотали воситалар ёрдам берарди.

Нима қилмоқ керак?

Кунларнинг бирида Лотуснинг ўғли Паул ҳурпайган, жинқарчадай бир кучукча келтирди. Суваракларсиз одатда тирқишларга кириб олиб, кечаси чиқишади. Лотуснинг уйида эса улар куппа-кундузи ҳам безбетларча пилдираб юришарди. Тўртоёқли янги меҳмон суваракларни кўриб, гул-гул яшнаб кетди денг. Аввал тумшуғи билан суваракларни қақшата бошлаган кучукча кейинчалик олд оёқларини ишга солди. "Душман"ининг ҳужуми суваракларни сергак торттирди шекилли, ин-ларига кириб кета бошлашди. Аммо икки куннинг ўзидаёқ уй "хўжайин"ларидан катта қисми кучукчанинг ошқозонига озуқа бўлиб кирди.

Уй бекаси кучукчадан энди кечаси фойдаланадиган бўлди. У чироқни тез-тез ёқиб, кучукчани ўрмалаб юрган суваракларга қўйиб юборарди. Ажаб эмас, шу тарзда Лотуснинг уйида суваракларсиз қирилиб кетса, деб хабар беради Жанубий Африкада чиқадиган "Стар" газетаси.

ana shunaqa gaplar

Тошкент шаҳар А.Икромов туманидаги 236-мактаб томонидан 1996 йилда Улуғбек Ҳабибуллаевич Азимов номига берилган №UZI 287617 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси проректор Эргаш Тангировга волидаи мухтарамаси **МАХПРАТ аянинг** бевақт вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ТВ-4 Халқаро телеканалида ҳар якшанба куни намойиш этилаётган "Инглиз тили Сиз учун" масофавий инглиз тили курсининг бешинчи дарс саволлари:

Episode 1

1. How would you explain your culture's format and informal forms of address?
2. Deseribe greetings for different groups of people: old/young, male/female, family/friend.
3. Use adjectives to create a "word picture" of your city's central square.

Episode 2

1. What questions would you ask of a new friend whose profession is journalism?
2. Name and descried two professions that interest you.
3. Write a short dialogue between a waiter and customer in a restaurant.

Episode 3

1. Draw your family tree and write a paragraph about the most interesting member of your family.
2. Give your opinion about living alone far from your family.
3. Give your feeling when you meet a dear friend or relative that you haven't seen in along time.

Episode 4

1. What kind of physical exercise is popular in your country? What are the health benefits of that exercise?
2. Explain the process of your favorite physical exercise.
3. How much or how many of cach of ingredient do you need to prepare dinner for your entire family?

Бизнинг манзил: Тошкент 700011, Навои кўчаси 69, ТВ-4, "Инглиз тили Сиз учун" кўрсатувига ёки **uztv-4@uzpak.uz** электрон почтаси

Voqeiy hikoya

ЯХШИЛИК МЕВАСИ

Самандар бугун ҳам одатдагидек барвақт уйғониб,бугун қилиниши лозим бўлган ишларини сарҳисоб қилди... Бугун у мактабни таъмирлаш бўйича оталиқ ташкилотга бориши керак. Қандай жавоб оларкин? Ҳозир ҳамма оғир шароитни рўкач қилиб, ёрдам беришни ҳоҳлашмайди. Шуларни ўйлаб кўнгли бироз хижил бўлдию мактабига йўл олди. Мактабга келгач, киши дилини равшан қилувчи, кўзни яшнатувчи алвон рангли атиргуллар унинг руҳига янада енгиллик бағишлади. У болалигиданоқ гулларни жуда яхши кўрарди, шунинг учун ҳам эрта баҳордан кеч кузгача мактаб ҳовлисидан гул аримайди. У энди хонасига кириб ўтирган ҳам эдики, котиба бир киши уни йўқлаётганини, киришга рухсат сўраётганини айтди.

Кириб келган одамни Самандар дарров таниди. Бу кишининг исми Азиз бўлиб, бундан 12 йил илгари унинг ўғли шу мактабда ўқиган эди. Ўғли 2-синфдалигида велосипеддан йиқилиб тушиб, қаттиқ жароҳат олган, анчагина қийналган эди. Ўша вақтларда Самандар бу ўқувчининг уйда ўқишини таъминлаб, ҳаттоки унга бир неча йил ногиронлик нафақасини олишига ҳам ёрдамлашган эди. Шу кунларда эса Азизнинг ишлари юришиб кетиб, чет элларга қатнаётган, хусусий дўкон очиб, хорижий давлатлардан ўрганиб келган лойиҳалари бўйича мебель тайёрлаётган экан. Ўғли ҳам соғлигини тиклаб, отасига ёрдамлашаётган экан. Азиз Самандарнинг ўша пайтдаги яхшиликларини эслаб, унга миннатдорчилик эвазига ёрдам бермоқчилигини айтди. Ва мактаб таъмирини ўз бўйнига олишини билдирди. Самандарнинг бу гаплардан боши осмонга етди, бир неча ойдан бери ўйлаб юрган муаммосининг осонгина ҳал бўлганлиги уни хурсанд қилди.

Мактабнинг қурилганлигига ҳам 60 йил бўлган, ҳар йили таъмирланишига қарамасдан "Эскини тузатгунча эсинг кетади" деганларидек, ўқув йилининг ярмига бормасдан таъмирталаб бўлиб қоларди. Самандар шу ўйлар билан Азизни кузатиб қўйдида, ўтган кунларини эслади. Шу мактабга раҳбар бўлганига ҳам 17 йил бўлибди. Асли соҳаси педагог бўлган Самандар тиббиёт соҳасида ҳам 5 йил хизмат қилди. У ўзининг куюнчаклиги, одамлар билан тезда тил топишиб кета олиши, саҳоватлилиги билан алоҳида ажралиб турарди. Маҳалладошлари уни қўярда-қўймай шу мактаб раҳбарлигига тавсия этишди. Самандар бошида иккиланди, чунки мактаб узоқ йиллар давомида сифатли таъмирланмай, ташландиқ ҳолга келган эди. У биринчи ишни жамоани йиғиб, маслаҳатлашиб олишдан бошлади. Унга ишонадиган инсонларнинг борлиги уни қувонтирди. Ҳашар ёрдамида "ошхона" деб аташга арзимайдиган хонадан 100 кишига мўлжалланган буфет қуришди. Мактаб ҳудудида кичиккина иссиқхона барпо этиб, қишин-ёзин кўкат, турли кўчатлар билан таъминладилар. Ортиқчасини эса бозорга олиб чиқдилар. Йил охирига келиб, синф хоналарининг барчасини таъмирдан чиқариб олишди.

Самандар шуларни ҳаёлидан ўтказар экан, ўзининг ишидан қониқиш, мамнунлик туйғуларини ҳис этди. Қачонлардир қилган яхшилиги эвазига шундай оғир кунда яхшилик қайтаётганлиги унга чексиз қувонч бағишлади. Раҳматли отасининг "Болам, бировларга яхшилик қилиш қўлингдан келмаса, ёмонлик ҳам қилма" дея кўп уқтирганларини эслади ва ўзининг кундалик шиорига айланиб қолган бу сатрларни ичида такрорлаб қўйди.

Гулчехра КАРИМОВА,
Юнусобод туманидаги 274-мактабнинг ўқитувчиси

"МАҲОРАТ" КРОССВОРДИ



Бўйига: *1. Гётенинг "Фауст" трагедияси таржимони. 2. Кайхисрав II. 3. Бўёқ. 4. XIV асрда Бухорода бўлиб ўтган қўзғолон. 5. Мулойимлик, назокат. 6. Саҳро кемаси. 7. Исм, от. 8. Намоздан олдинги покланиш. 9. "Сендан ... , мендан баракат". 10. Литва пул бирлиги. 11. Туркиядаги кўл. 12. XX аср бошида яшаган тошкентлик шоир. 18. Паҳлавон Маҳмуд таҳаллуси. 19. Ўсимликни кўпайтириш усули. 20. Сувда ва қурукда яшовчи жонивор. 21. Сут маҳсулоти. 22. Ичимлик тури. 23. Нифоқ солувчи. 27. Сомонхудод авлодларидан бири, шоҳ. 28. Рост эмас. 29. Мунисинг миробликка бағишланган асари. 30. Туркманистон пойтахти. 31. Дунёдаги энг баланд чўққи. 32. Оқим. 38. Мажлис, йиғин. 39. Тўн тури. 40. Нафислик. 41. Қўшиқчи. 42. Ўнлик сон. 43. Қадимий. 47. Ойбек асари. 48. Ўсимликни ўстирувчи кимёвий дори. 49. Машҳур ўзбек шоири. 50. Йиртқич қуш. 51. АҚШдаги штат. 52. Рақиблик. 58. Ўзбекистон пул бирлиги. 59. Маъдан қазиб олиш маскани. 60. "Оч"нинг акси. 61. "Тошбақа ... чаён". 62. Ген. 63. Ҳайрон.*

Энига: *1. Вакиллик ҳуқуқи. 5. Сабот, бардош. 9. Ҳузур. 13. Озод. 14. Россия Федерацияси таркибидаги автоном республика. 15. Моҳирлик. 16. Тур, хил. 17. Пўпоса. 19. Қабиҳлик, разолат. 21. Тошкент шаҳридаги бозорлардан бири. 23. Денгиз узунлик ўлчов бирлиги. 24. Украиналик машҳур боксчилар – Кличколарнинг кичиги. 25. Телевидение кашф қилинган шаҳар. 26. Ноз, фироқ, ишва. 27. Ибн Сино асари – "... ва Ибсол". 29. Болалар кажаваси. 31. Имоми Аъзам р.а. мазҳаби. 33. Ёғ. 34. Тўлқин узатувчи ва қабул қилувчи қурилма. 35. Буюк юнон математиги. 36. Организмдаги суюқлик. 37. Миллий чолғу асбоби. 39. Хоразм вилоятидаги туман. 41. Буюк мўғул хони. 43. Манзарали дарахт. 44. Математик атама. 45. Шакар, оқ қанд. 46. Ип билан боғлиқ касб. 47. МДҲда яшовчи миллат. 49. Яхшиликлар. 51. Саройдаги отларнинг ҳўжайини. 53. ...-луш. 54. Кўрк, савлат. 55. Кириш сўз. 56. Мавжуд эмас. 57. Сатин. 59. Китоб ясаш санъати. 61. Бирмадаги энг катта дарё. 63. Даҳан. 64. Гуруҳ, жамоа. 65. Давомат. 66. Мутлақ.*

Тузувчи:
Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-929.
Тиражи 23331 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир:
Назокат ХОЛМЕТОВА,
Навбатчи:
Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими—136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00